

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА
ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

Кўлёзма ҳуқуқида

УДК: 005.74:334.021(575.1)

СУЛАЙМОНОВ ФАРРУХ РАХИМЖОН ЎҒЛИ

**ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК ЛОЙИҲАЛАРИНИ БОШҚАРИШ
МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.13. – «Менежмент»

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy)
илмий даражасини олиш учун таёрланган
ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар: Эшов Мансур Пулатович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Тошкент шаҳри – 2024 йил

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
I-БОБ. ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК ЛОЙИҲАЛАРИНИ БОШҚАРИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ	13
§1.1. Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларининг мазмун-моҳияти, илмий-назарий асослари.....	13
§1.2. Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш ва бошқариш механизмининг ташкилий-ҳуқуқий асослари.....	27
§1.3. Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини бошқариш ва амалга ошириш борасида хориж тажрибаси.....	37
Биринчи боб бўйича хулоса.....	50
II-БОБ. ЎЗБЕКИСТОН ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИГИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТАҲЛИЛИ	52
§2.1. Давлат-хусусий шериклигини тартибга солишга оид қонунчиликнинг ривожланиши.....	52
§2.2. Олий таълим муассасаларида талабаларни турар жойлари билан таъминлашнинг ўсиши.....	67
§2.3. Олий таълим соҳасида ДХШ лойиҳаларини амалга ошириш таҳлили...86	
Иккинчи боб бўйича хулоса	99
III-БОБ. ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК ЛОЙИҲАЛАРИНИ БОШҚАРИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ	101
§3.1. Давлат-хусусий шериклигини ташкил этишда хорижий тажрибани жорий этиш	101
§3.2. Ўзбекистон Республикасида давлат-хусусий шериклигини ривожлантириш йўллари	116
§3.3. Ўзбекистон Республикасида олий таълим соҳасида давлат-хусусий шериклини ривожлантириш истиқболлари.....	130
Учинчи боб бўйича хулоса.....	149
ХУЛОСА	151
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	156
ИЛОВАЛАР	165

КИРИШ

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон иқтисодиётида ҳозирги кунда давлат-хусусий шериклик (ДХШ) тамойили остида амалга оширилаётган лойиҳалар давлат гарданидаги юкни камайтиришнинг энг самарали усулларида ҳисобланади. Жаҳон банки маълумотларига кўра, 2023 йилда дунёнинг 44 мамлакатда таълимни ривожлантириш учун умумий қиймати 36 млрд 432 миллион доллар бўлган 154 та ДХШ шартномалари тузилган. Шартномалар қиймати бўйича энг йирик буюртмачи давлатлар топ-5 талиги рўйхатида Хитой, Филиппин, Бразилия, Ҳиндистон, Миср турибди. Жаҳон банки маълумотларига кўра, 2022 йилда Норвегияда 6,6 фоиз, Чилида 6,5 фоиз, Исроилда 6,2 фоиз, Австралияда 6,1 фоиз, Буюк Британия ва АҚШ да 6,0 фоиз миқдоридан маблағлар мамлакатнинг ялпи ички маҳсулотга нисбатан таълимга сарфланган энг юқори харажатларни қайд этилганлигини кўриш мумкин¹.

Жаҳонда ДХШ муаммоларини ўрганиш ва ривожлантиришга қаратилган кўп сонли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Турли мамлакатларда ҳар битта соҳада ДХШ тамойили остида амалга ошириладиган лойиҳаларда қандай фойдаланиш мумкинлигига изланишлар олиб борилмоқда, яъни соғлиқни сақлаш, транспорт (автомобиль йўллари, темир йўллар ва портлар) ва таълим соҳасида (объектларни қуриш, реконструкция қилиш) хизматларини яхшилаш учун ДХШ асосида хусусий компаниялар билан лойиҳаларни амалга оширишга қаратилган. Шу боис, ДХШ тамойили остида амалга ошириладиган механизмни такомиллаштириш бўйича назарий ва амалий тадқиқотлар олиб бориш долзарб масалаларидан бир ҳисобланади.

Ўзбекистон иқтисодиётида бугунги кунда ДХШ асосида таълим тизимини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон ги Фармони билан тасдиқланган Давлат дастурига мувофиқ, ДХШ

¹<https://genderdata.worldbank.org/en/indicator/se-xpd-totl-gd-zs?view=bar&year=2022>

тамойили остида амалга ошириладиган лойиҳаларда жумладан, транспорт, энергетика, таълим, соғлиқни сақлаш, экология, коммунал хизматлар, сув хўжалиги ва бошқа соҳаларда 154 та давлат-хусусий шериклик лойиҳалари қиймати қарийб 14 млрд. доллардан иборат бўлган ДХШ амалга ошириш белгиланган бўлиб, шулардан 6 та лойиҳа таълим соҳасига тўғри келади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сонли Фармонида олий таълим соҳасида ДХШ асосида ҳудудларда давлат ва нодавлат олий таълим муассасалари ташкил этиш билан олий таълим камров даражасини 50 фоиздан ошириш вазифаси қўйилган. Ана шу вазифаларни самарали ҳал этиш олий таълим тизимида ДХШ лойиҳаларини бошқариш механизмларини такомиллаштиришни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли, “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сонли ги фармонлари, “Давлат-хусусий шерикликни ривожлантиришнинг ҳуқуқий ва институционал базасини яратиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида” 2018 йил 20 октябрдаги ПҚ-3980-сонли, “Ўзбекистон Республикасида 2024-2030 йилларда давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2024 йил 30 августдаги ПҚ-308-сонли қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 26 апрелдаги 259-сон “Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори ҳамда бошқа соҳага тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Ушбу диссертация

иши республика фан ва технологияларини ривожланишининг “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Давлат хусусий-шериклик тизимини такомиллаштиришнинг назарий-методологик муаммолари ғарб олимларидан Susan L. Robertson, Karen Mundy, Antoni Verger, Kirsten A.M. Bell, Henry M. Levin , Дж.К. Гэлбрейт ишларида, россиялик К.А.Антонова, В.Г. Варнавский, Е.В.Горчакова, В.А.Кабашкин, А.В. Клименко, В.А. Королев, Е.Коровин, П.Снельсон, М.Паздников² ва бошқа олимларнинг ишларида ўрганилган.

Мамлакатимиз олимлари ҳам давлат-хусусий шериклик муаммоларини, шу жумладан уни таълим тизимида ривожлантиришни тадқиқ этишга ўз ҳиссасини қўшган. Жумладан, С.А.Бабаназарова, С.С.Гулямов, Б.К. Гойиназаров, У.И.Джуманиязов, Ғ.Э.Зоҳидов, Ф.А.Мирбабаев, Ш.И.Отажонов, Ҳ.Н.Очилова, М.Қ.Пардаев, Х.Умарова, Б.Ю.Ходиев, Н.Ш.Шавкатов, С.Е.Элмирзаев, Н.Қ.Юлдашев, З.Б.Қўзиев каби тадқиқотчилар томонидан ўрганилган³.

² Gelbreyt Dzh.K. Ekonomicheskiye teorii i tseli obshchestva [Economics and the goals of society]. Economics and the Public Purpose (1973). Ed. and with preface N.N. Inozemtsev, A.G. Mileikovsky. Moscow, Progress, 1976, 408 p.; Горчакова Е.В. Государственно-частное партнерство – новая парадигма России, Вестник СамГУ, 2011 №1/1 (82); Снельсон П. Государственно-частные партнерства в странах с переходной экономикой. URL: <http://www.ebrd.com>; Varnavskiy V.G., Klimenko A.V., Korolev V.A. Gosudarstvenno-chastnoe partnerstvo: teoriya i praktika [Public-private partnership: theory and practice]. Moscow, GU-HSE, 2010.; Коровин Е. Кредитный риск проектов частно-государственного партнерства и механизмы поддержки. Выступление на круглом столе «Федеральные инструменты поддержки инвесторов» 10 октября 2006 г. URL: regionalistica.ru/project/investproject/fed_instr; Паздников М. Государственно-частное партнерство: суть и понятие. URL: <http://politmanagement.ru>; Варнавский В.Г., Клименко А.В., Королев В.А. Государственно-частное партнерство: теория и практика: учебное пособие. — М.: ГУ-ВШЭ, 2010.; Kabashkin V.A. Formirovaniye i razvitiye partnerskikh otnosheniy gosudarstva i predprinimatel'skikh struktur v Rossiyskoy Federatsii (upravlencheskiy aspekt) [Formation and development of partnerships between the state and business structures in the Russian Federation (management aspect)]. Abstract of Doctor's degree dissertation. 08.00.05. Moscow, 2007, p. 23.

³ С.С.Гулямов, Б.К. Гойиназаров, Ш.И.Отажонов, Ф.А.Мирбабаев Наука и образование: интеграция и взаимодействие .В. сб.статей Международная конференция “Подготовка образованного и интеллектуально развитого поколения-как важнейшее условие устойчивого развития и модернизации страны” (Ташкент, 16-17 февраля 2012 г.).-Т., 2012. С.86-88; Ходиев Б.Ю, Приоритеты развития высшего образования. Там.же, с 36-40; Djumaniyazov U.I. Davlat-xususiy sherikchiligi asosida korporativ boshqaruvni rivojlantirishning ayrim nazariy-uslubiy masalalari [Some theoretical and methodological issues of corporate governance on the basis of public-private partnership]. Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar. Ilmiy elektro'n jurnali – Economy and Innovative Technologies Scientific. Electronic journal, 2017, May-June, no. 3, p. 9.; Elmirzaev S.E., Shavkatov

Бироқ, мамлакатимиз олимларининг ишларида ДХШ муаммоларини олий таълим мисолида ўрганиш ва ривожлантиришга қаратилган муаммоларига етарлича эътибор қаратилмаган. Шу боис, ишлаб чиқилган режалар ва ташкилий чораларни мувофиқлаштириш зарурлиги ва олий таълим камровани 50 фоизга етказиш учун олий таълимда ДХШ нинг роли катта бўлиши туфайли мазкур диссертация мавзусини танлашга асос бўлди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасининг илмий-тадқиқот ишлар режалари билан боғлиқлиги. Диссертация изланишлари Тошкент давлат иқтисодиёт университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти индикаторлари асосида “Мамлакатга хос хатарларни таснифлаш тизими” даги ўрнини баҳолашнинг Ўзбекистон учун “миллий модели”ни ишлаб чиқиш” мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини бошқариш механизмини олий таълим тизимида такомиллаштириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

давлат-хусусий шериклик тамойили остида амалга ошириладиган лойиҳаларини бошқариш механизмларининг илмий-назарий ва ҳуқуқий асосларини ўрганиш;

ДХШ тамойили остида амалга ошириладиган лойиҳаларини бошқариш ва амалга ошириш борасида хориж тажрибасини ўрганиш;

Ўзбекистон олий таълим соҳасида ДХШ лойиҳаларини амалга ошириш ҳолатини таҳлил қилиш;

N.Sh. Davlat-xususiy sheriklik munosabatlarining ilg'or xorij tajribalari va mamlakatimizda qo'llash istiqbollari [Advanced foreign experience of public-private partnership relations and prospects of application in our country]. Xalqaro moliya va hisob. Ilmiy elektron jurnali –"International Finance and Accounting. Scientific electronic journal, 2019, June, no. 3.; Н.Х.Жумаев, А.Ш.Бекмуродов Модернизация системы и содержания высшего экономического образования в контексте инновационного развития экономики Узбекистана. Там же, с 88-90; Джуманиязов У.И, “давлат-хусусий шериклиги асосида корпоратив бошқарувни ривожлантиришнинг айрим назарий-услубий масалалари”, “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. 2017 йил № 3, май-июнь, 9-бет.; Пардаев М.К., Бабаназарова С.А., Қўзиёв З.Б., Очилова Ҳ.Н. Таълим хизматлари ва уларнинг самарадорлигини ошириш масалалари. (Монография). – Т.: “Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи”, 2020. – 260 бет.

Ўзбекистон 2020-2023 йилларда ҳудудлар кесимида давлат-хусусий шериклиги тамойили остида амалга ошириладиган лойиҳаларини сони ва қиймати бўйича таҳлил қилиш;

вилоятларда давлат-хусусий шериклиги тамойили остида амалга ошириладиган лойиҳаларнинг ўсиш суръатларини аҳоли сонига мослигини регрессия асосида таҳлил қилиш;

Ўзбекистон ҳудудлар кесимида талабалар турар жойларига эҳтиёжни аниқлаш ва таъминланганлик даражасини таҳлил қилиш;

Давлат-хусусий шериклигини лойиҳаларини ташкил этишда хорижий тажрибани жорий этиш йўналишларини белгилаш;

Ўзбекистон олий таълим тизимида давлат-хусусий шериклик тамойили остида амалга ошириладиган лойиҳаларини ривожлантириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида олий-таълим тизимида амалга ошириладиган давлат-хусусий шериклик тамойили остида амалга ошириладиган лойиҳалари белгиланган.

Тадқиқотнинг предметини олий таълим тизимида давлат-хусусий шериклик тамойили остида амалга ошириладиган лойиҳаларини бошқариш механизмлари ва уларни такомиллаштириш билан боғлиқ ташкилий-иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот ишида замонавий менежмент ёндашувлари, тизимли ёндашув, анализ ва синтез, статистик таҳлил, корреляцион-регрессион таҳлил, динамик қаторлар усули, қиёсий таҳлил, сабаб-оқибат боғланишларини аниқлаш усуллари қўлланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

олий таълим тизимида давлат ва нодавлат олий таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш асосида олий таълим билан қамров даражасини ошириш, соҳада соғлом рақобат муҳитини яратишда давлат-хусусий шериклик лойиҳаларидан самарали фойдаланишга йўналтирилган, турли фаолиятлар, бўлимлар ва ходимларнинг ҳаракатларини мувофиқлаштириш ва

биргаликда ишлашнинг таъминловчи тузилма ташкил этиш таклифи асосланган;

олий таълим тизимида ҳудудлари бўйича давлат-хусусий шериклик улушининг мақбул чегараси (МЧ_{ДХШ} ≈ 35%)га етказишда ҳудудлардаги олий таълим муассасаларида талабалар турар жойларидаги ўринларини кўшимча равишда кенгайтириш учун тузилиши лозим бўлган давлат-хусусий шериклик шартномалари миқдорини аниқлаш усули асосланган;

давлат олий таълим муассасаси ҳамда хусусий шерик сифатидаги тадбиркорлик субъекти томонидан тендер натижалари асосида тузилган битим асосида давлат-хусусий шериклик объекти сифатидаги олий таълим муассасасининг ҳудудий илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш таклифи асосланган;

Ўзбекистон олий таълим соҳасида давлат-хусусий шериклиги асосида куриладиган талабалар турар жойларига бўлган эҳтиёжнинг 2030 йилга қадар прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагиларда иборат:

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш департаменти билан ДХШ тамойили остида амалга ошириладиган лойиҳаларни ташкил этиш ҳақидаги шартномаларни тузиш таклифи асосланган;

ҳудудлардаги олий таълим муассасаларининг ўқув ва талабалар ётоқхоналарида ўринлар сонини кенгайтириш учун унга ажратиладиган маблағларни режалаштириш асослаб берилган;

давлат-хусусий шериклик тамойили остида амалга ошириладиган лойиҳаларини кўшимча равишда курилиши лозим бўлган талабалар ўқув ўринлари учун ажратиладиган маблағларни режалаштириш асослаб берилган;

- талабалар турар жойларларини ДХШ асосида куриш учун инвестиция лойиҳаларининг самарадорлигини баҳолаш механизми таклиф қилинган;

- талабалар турар-жойларини куриш лойиҳалари самарадорлигини

баҳолаш кўрсаткичлари ишлаб чиқилган;

Ўзбекистон Республикасида ДХШ лойиҳаларини ишга туширишга тўсқинлик қилувчи қонуний ва бошқарув чекловлари, шунингдек ДХШ тамойили остида амалга ошириладиган лойиҳаларини амалга ошириш учун ҳуқуқий ва институционал базасини ташкил қилишда коррупциявий хавф-хатар омиллари аниқланиб, уларни бартараф этиш бўйича тавсиялар илмий асослаб берилган;

ДХШ лойиҳаси асосида олий таълим муассасаларида илмий-тадқиқот марказларини ташкил этиш механизми ишлаб чиқилган ва ундан фойдаланиш йўллари илмий асослаб берилган;

ДХШ тамойили остида амалга ошириладиган лойиҳаларини амалга оширишда инфратузилма облигацияларидан фойдаланилиши учун алоҳида норматив-ҳуқуқий ҳужжат яратиш таклифи ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг натижаларининг ишончлилиги Ўзбекистон Республикасининг соҳага оид тегишли қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон, қарор ва асарлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, миллий ва хорижий иқтисодчи олимларнинг таълим тизимини давлат-хусусий шериклиги асосида лойиҳаларни амалга ошириш орқали такомиллаштиришни янада ривожлантириш бўйича асарлари, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш департаменти сайти, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги ҳамда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг статистик маълумотлари, тадқиқот мавзусига оид халқаро ва миллий маърузалар, оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқлардаги нашрлар, таълимда ДХШни қўллашнинг мавжуд муаммолари бўйича барча фикр-мулоҳазаларни ўрганиш мақсадида ДХШ жараёнининг бевосита иштирокчилари, халқаро экспертлар, иштироқида давра суҳбатлари маълумотларидан олинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, мазкур илмий янгиликларни жорий этиш натижасида ДХШ лойиҳа бошқарувини такомиллаштиришга оид илмий маълумотларидан Тошкент давлат иқтисодиёт университети дарс жараёнида “Хусусийлаштириш, миллийлаштириш ва давлат-хусусий шериклик”, “Лойиҳаларни бошқариш” ва бошқа курслар бўйича машғулотлар ўтказишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, ДХШ лойиҳаларини бошқариш механизмларини такомиллаштириш юзасидан ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар ДХШ ни ривожлантириш дастурларини шакллантиришда, ДХШ ёрдамида таълим соҳасида лойиҳаларни ташкил этиш механизмларини такомиллаштиришда, олий таълим соҳасида ДХШ тамойили остида амалга ошириладиган лойиҳаларини, шу жумладан олий таълим муассасаларида талабалар турар жойларини ДХШ асосида эксплуатация қилиш, қуриш ва сақлаш бўйича лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича ишларни самарали ташкил этишда фойдаланилиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини бошқариш механизмларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Олий таълим тизимида давлат ва нодавлат олий таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш асосида олий таълим билан қамров даражасини ошириш, соҳада соғлом рақобат муҳитини яратишда давлат-хусусий шериклик лойиҳаларидан самарали фойдаланишга йўналтирилган турли фаолиятлар, бўлимлар ва ходимларнинг ҳаракатларини мувофиқлаштириш ва биргаликда ишлашини таъминловчи тузилма ташкил этиш таклифи асосланган. (Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг 2024 йил 17 майдаги 04/04-1429-сон маълумотномаси). Мазкур илмий таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида давлат-хусусий шериклик лойиҳаларидан самарали фойдаланишга йўналтирилган

турли фаолиятлар, бўлимлар ва ходимларнинг ҳаракатларини мувофиқлаштириш ва биргаликда ишлашни таъминловчи тузилма Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш департаменти билан лойиҳаларни ташкил этиш ҳақидаги шартномаларни тузишда қўлланилди;

Олий таълим тизимида ҳудудлар бўйича давлат-хусусий шериклик улушининг мақбул чегараси ($MЧ_{дхш} \approx 35\%$)га етказишда ҳудудлардаги олий таълим муассасаларида талабалар турар жойларидаги ўринларни қўшимча равишда кенгайтириш учун тузилиши лозим бўлган давлат-хусусий шериклик шартномалари миқдорини аниқлаш усули асосланган. (Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг 2024 йил 17 майдаги 04/04-1429-сон маълумотномаси). Мазкур илмий таклиф ҳудудлардаги олий таълим муассасаларида ўқув ва талабалар ётоқхоналарида ўринлар сонини кенгайтириш учун ажратиладиган маблағларни режалаштиришда асос қилиб олинди;

Давлат олий таълим муассасаси ҳамда хусусий шерик сифатидаги тадбиркорлик субъекти томонидан тендер натижасида тузилган битим асосида давлат-хусусий шериклик объекти сифатидаги олий таълим муассасасининг ҳудудий илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш таклифи асосланган. (Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг 2024 йил 17 майдаги 04/04-1429-сон маълумотномаси). Мазкур илмий таклифнинг амалиётга жорий этилиши давлат-хусусий шериклик объекти сифатидаги олий таълим муассасасининг ҳудудий илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш натижасида давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини бошқариш самарадорлиги ошди;

Ўзбекистон олий таълим соҳасида давлат-хусусий шериклик асосида куриладиган талабалар турар жойларига бўлган эҳтиёжнинг 2030 йилга қадар прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган. (Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг 2024 йил 17 майдаги 04/04-1429-сон маълумотномаси). Мазкур илмий таклифнинг амалиётга жорий

этилиши натижасида республикада узок муддатли истиқболда олий таълим соҳасида давлат-хусусий шериклиги асосида қуриладиган талабалар турар жойларига бўлган эҳтиёжни қондирилиш даражасини аниқлаш имкони яратилди.

Тадқиқот натижаларини апробацияси. Тадқиқот натижалари 4 та, жумладан 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 11 та илмий иш, жумладан, Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш бўйича тавсия этилган илмий журналларда 7 та илмий мақола, шундан 3 таси хорижий журналларида, ҳамда 4 та маъруза тезислари нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиш ва ҳажми. Диссертация ишининг таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 154 бетни ташкил этади.

1 БОБ. ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК ЛОЙИҲАЛАРИНИ БОШҚАРИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

§1.1. Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларининг мазмун-моҳияти, илмий-назарий асослари

Давлат-хусусий шериклик (ДХШ) бугунги кунга келиб муҳокама марказидаги мавзулардан бири ҳисобланади. Жаҳон тажрибасининг кўрсатишича, кўпгина ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга молик муаммолар ДХШ механизидан фойдаланган ҳолда самарали ҳал этилмоқда. Бугунги кунда бу борада жаҳондаги ривожланган ва кўпгина ривожланаётган давлатлар етарлича тажрибага эга. Иқтисодиётнинг турли соҳа ва тармоқларида ДХШ бўйича фаолият олиб бораётган олим ва амалиётчи мутахассисларнинг фикрича, ДХШ механизми давлат ва хусусий сектор ҳамкорлиги натижасида турли иқтисодий-ижтимоий муаммолар ўз ечимини топмоқда.

Давлат-хусусий шериклик механизми – давлат инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишдаги хусусий инвестор жалб қилиш усулларида бири бўлиб, ушбу механизмда бюджети сарфини камайтириб, давлат ва хусусий шерик ҳисобланган томонлар келишилган битим бўйича лойиҳани амалга оширади. Бу орқали нафақат инфратузилма объектини барпо этишда шартнома томонлари шериклик қилади, балки уни кейинчалик фойдаланиш ҳамда бошқа ҳуқуқларда ҳам ўзаро ҳамкорликни давом эттиришни мақсад қилади.⁴

ДХШ лойиҳалари орқали хўжалик юритувчи субъектларни кўллаб-қувватлаш, ДХШ механизми орқали инвестиция лойиҳаларини бошқариш тизимини такомиллаштириш, ушбу лойиҳаларни давлатнинг хизмат кўрсатиш соҳаларига ҳам тадбиқ этиш имкониятларини ўз илмий

⁴ <https://www.uzanalytics.com/iqtisodiet/graphics> сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

тадқиқотларида ўрганган олимлардан В.Г.Варнавскийнинг фикрича, “Давлат-хусусий шериклик лойиҳалари давлат учун стратегик аҳамиятга яқин, аммо ундан кейинги даражадаги лойиҳаларга инвестицияларни жалб этиш учун механизм ҳисобланади. Ушбу механизмда давлат асосий ижтимоий фойда эвазига ва келгусидаги йирик харажатни олдини олиш ва унинг бир қисмини хусусий секторга унинг манфаатлари эвазига юклашга қаратилган самарали лойиҳавий бошқарув тизим ҳисобланади”⁵.

К.А.Антонова “Давлат-хусусий шерикчилиги Россия ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг омили сифатида” илмий асарида ДХШ лойиҳалари механизмини давлат ва хусусий сектор ўртасида давлат бошқаруви органлар (ташкилотлари, муассасалари ва х.к.) ва хусусий сектор вакиллари ўртасида амалга ошириладиган шартномаларнинг институционал ташкилий кўриниши – яхлит механизм” сифатида таърифлаган⁶.

Е.А.Дынин томонидан илгари сурилган мулоҳазаларга кўра, “ДХШ лойиҳалари ва уни бошқаруви механизми жамиятда зарурий ижтимоий шарт-шароитларни ташкил этиш, ижтимоий хизматлар кўрсатиш соҳасини ўрта ва узоқ муддатга ҳамда айни вақтда икки томонлама манфаатли асосда бўладиган давлат ва хусусий сектор – жамият аъзоларини бирлаштирувчи тузилма. Ушбу тузилма орқали лойиҳаларни бошқариш эса давлат ва хусусий соҳа эгаларини ўзаро ҳамкорликда ва тийиб туриш тамойиллари орқали икки томонлама бошқарув тузилмасидир”⁷ деган фикрларни билдирган.

ДХШ лойиҳалари ва уларни бошқариш механизми борасида қатор халқаро молия ташкилотлари ва институтлари ҳам ўзларининг фикр-мулоҳазаларини билдиришган. Хусусан, Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (OECD - Organisation for Economic Co-operation and Development) “ДХШ механизми – давлат сектори томонидан ҳукумат ҳамда

⁵ Gosudarstvenno-chastnoe partnerstvo: teoriya i praktika [Tekst] / V. G. Varnavskiy i dr.; Gos. un-t – Vyysshaya shkola ekonomiki. – М.: Izd. dom Gos. un-ta – Vyysshey shkoliy ekonomiki, 2010. — 287 s.

⁶ Кабашкин В.А. Государственно-частное партнерство в регионах Российской Федерации: учебное пособие / Кабашкин В. А. — М.: Дело, 2010. С.120.

⁷ Дынин Е.А. Риски бизнеса в частно-государственном партнерстве / Дынин Е. А. // Общество и экономика. — 2007. — № 5–6. С.111.

бир гуруҳ бўлган (бир ёки бир нечта хусусий сектор вакиллари) хусусий соҳа субъектлари - шерикларнинг манфаатлар бирлашуви эвазига тузилган яхлит икки ва кўп томонлама ўзаро келишуви ҳисобланади. Унга кўра, ўзаро келишув тузган шериклар хизматларни (моддий ва номоддий ресурслар) ўзаро келишувга асосан шундай таъминлайдики, ушбу механизмда керак томон, яъни бир томондан давлат ўзи томонидан кўрсатиладиган ва бажарадиган хизматларни вақтида ва сифатли тақдим этиши, ўз навбатида иккинчи томон – хусусий сектор, яъни инвесторларнинг моддий фойда олиш мотивлари таъминланган икки томоннинг мақсадлари бирлашади. Бошқарув соҳасининг мураккаблиги эса ДХШ лойиҳалари рискларининг ўзаро тақсимланиши ва уларни бартараф этиш имкониятларининг мавжудлигидадир⁸. ДХШ бошқарув органлари булар, ДХШ келишувларини яратиш, сақлаш ва баҳолаш жараёнида ҳукуматга ёрдам бериш устувор вазифаси этиб белгиланган ташкилотлар ҳисобланади. ДХШ лойиҳаларини бошқарув органининг функцияларига давлат-хусусий шериклик асосида чора тадбирларини белгилаш, инвестиция лойиҳалар устида ишлаш, бу борада норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тайёрлаш, лойиҳаларни экспертизадан ўтказиш, белгиланган инвестиция лойиҳалар устида назорат ва мониторинг олиб бориш кабилар шулар жумласидандир⁹.

Халқаро Валюта жамғармаси томонидан берилган таърифда эса “ДХШ – давлат томонидан анъанавий тарзда таъминланадиган инфратузилмавий активлар ва хизматларни хусусий сектор томонидан тақдим этишга қаратилган келишувдир” деб таърифланади¹⁰.

Б.Е.Сазонов фикрича, мамлакатда маъмурий ислоҳот ва янги моделларни амалга оширишда давлат янги ролларда ҳаракат қилиб, ўз фаолияти механизмларини такомиллаштириш, шу билан бир қаторда динамик жамиятда иқтисодиётнинг бошқа субъектлари билан таъсири ва

⁸ Dedicated Public-Private Partnership Units: A Survey of Institutional and Governance Structures, OECD, 2010

⁹ Dmitrieva E.O., Guseva M.S. Centry razvitija gosudarstvenno-chastnogo partnerstva: analiz mezhdunarodnoj praktiki sozdanija i razvitija // Internet-zhurnal «NAUKOVEDENIE» Tom 8, №6 (2016) <http://naukovedenie.ru/PDF/39EVN616.pdf>

¹⁰ Public-Private Partnerships. International Monetary Fund, 2004.

давлат хизматларини тақдим этишнинг инновацион усулларини жорий этади¹¹. ДХШ муносабатлари давлатнинг иқтисодиётдаги янги мақомини белгилаб беради.

М.Б Джеррард эса ДХШ – бу хусусий капитални ўзига жалб қилишни ва баъзан эса ижтимоий хизматларнинг сифатини ошириш ёки давлат активларини бошқариш учун давлат капиталини ҳам жалб қилишни уйғунлаштиради деб таъкидлайди¹².

Россиялик олим В.Г. Варнавский билдирилган фикрга кўра¹³, жаҳонда hozirda ДХШ лойиҳалари ва унинг бошқарув органлари таркиби ҳақида умумий қабул қилинган яхлит тушунча ёки назария мавжуд эмас. Унга кўра, ДХШ учун давлат ташкилотлари (агентликлар, бўлимлар, департаментлар), давлат улуши мавжуд бўлган корхоналар ва тижорат фаолиятини амалга оширувчи бошқа ташкилотлар ҳам қатнашиши кўзда тутилди. Жаҳон банки томонидан ДХШ механизми борасида қуйидагилар таърифланган: “Давлат-хусусий шерикликни амалга ошириш ва такомиллаштиришда молиявий салоҳиятига эга ҳар қандай ташкилот ушбу лойиҳаларда иштирок этиш ва уни бошқариши мумкин”¹⁴.

Давлат-хусусий шериклиги лойиҳаларининг илмий-назарий асосларини ўзининг илмий асарларида кенг ёритган олимлар: С.П.Ангаева, С.Д.Дагбаева, Г.А.Борщевский томонидан билдирилган фикрга кўра, қурилиш ва таълим соҳаларида давлат-хусусий шериклик механизмига асосланган инвестиция лойиҳаларининг рискларни тенг тақсимлаш, ўзаро манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслиги каби тамойилларга қатъий риоя этишни назарда тутадиган давлат ва хусусий сектор эгаларининг инвестиция келишув шартномаси”¹⁵

¹¹ Сазонов.В.Е Государственно-частное партнерство в России и за рубежом: административно-правовое исследование. Диссертация. Москва 2013. https://static.freereferats.ru/_avtoreferats/01007944797.pdf

¹² Gerrard M.B. What Are Public-Private Partnerships, and How Do They Differ from Privatizations?//Finance & Development. 2001. Vol.38.

¹³ Varnavskij V.G. Upravlenie gosudarstvenno-chastnymi partnerstvami za rubezhom // Voprosy gosudarstvennogo i municipal'nogo upravleniya. 2012. №2. - URL: <http://cyberleninka.ru/article/n/upravlenie-gosudarstvenno-chastnymi-partnerstvami-za-rubezhom>.

¹⁴ Public-Private Partnership Units: Lessons for their Design and Use in Infrastructure. Washington, D.C. World Bank and the Public-Private Infrastructure Advisory Facility (PPIAF), 2007.

¹⁵ Государственно-частное партнерство [Текст] : учебное пособие / С. П. Ангаева, С. Д-Н Дагбаева ; М-во образования и науки Российской Федерации, Федеральное гос. бюджетное образовательное учреждение

ҳисобланади. Ушбу фикрлар асосида таъкидлаш мумкинки, ДХШ лойиҳаларини бошқариш механизмида рискларни тақсимоли муҳим аҳамиятга эга.

Еском Е.Р (Yescombe E.R.), Фаркерсон Е (Farquharson E.) ДХШ сиёсати ва молиялаштириш масалалари бўйича асосий тушунчалар, ДХШ нинг асосий турлари ва моделлари, ДХШ лойиҳалари ва давлатнинг бу борадаги ҳаракати каби масалаларга аҳамият қаратади¹⁶.

Ричерд Хемминг ДХШ муносабатлари давлат учун ҳам, хусусий сектор учун ҳам жозибали эканлиги ва бунда давлат инфратузилмани қарз олмасдан молиялаштира олиши, хусусий шерикликнинг бошқарув имкониятлари лойиҳаларда ҳаражатларнинг тежалишига олиб келишини таъкидлайди¹⁷.

У.И. Джуманиязов ўзининг тадқиқот ишида ДХШ асосида корпоратив бошқарувни ташкил этиш иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатларнинг йирик корпоратив корхоналари билан эркин рақобат қилишларига замин тайёрлаши ҳамда давлат бюджетига тушумларни кўпайтириши ва босимни камайтириши, корпоратив тузилмаларнинг ижтимоий фаоллигини ошириши, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнларининг шиддат билан ривожланиши учун зарур бўлган техника технологияларни, ишчи кучи ва инвестиция маблағларини жалб этиш учун зарурий шарт-шароитлар яратишини таъкидлаган¹⁸.

Инфратузилма лойиҳаларини ДХШ механизми асосида молиялаштириш борасида илмий-тадқиқот ишини олиб борган С.Б.Юнусовага кўра, “ДХШ – бу давлат томонидан истеъмолчиларга кўрсатиладиган хизматларнинг сифатини ошириш, турини кўпайтириш, ушбу хизматлар учун ажратиладиган маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини


высш. проф. образования "Восточно-Сибирский гос. ун-т технологий и управления" (ВСГУТУ). - Улан-Удэ : Изд-во ВСГУТУ, 2016. - 81, [1] с. : табл.; 21 см.; ISBN 978-5-89230-803-8 : 100 экз.

¹⁶ Yescombe E.R., Farquharson E. Public-Private Partnerships for Infrastructure: Principals of Policy and Finance. 2nd Edition. — Butterworth-Heinemann, 2018. ISBN: 978-0-08-100766-2.

¹⁷ Richard Hemming. Public-Private partnership. e IMF Institute and the Joint Africa Institute Tunis, Tunisia, February 28 – March 1, 2006

¹⁸ Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 3, майиюнь, 2017 йил № 3, www.iqtisodiyot.uz

оптималлаштириш мақсадида инфратузилма объектларига хусусий сектор (якка тартибдаги тадбиркор, юридик шахс ва юридик шахслар бирлашмаси)ни жалб қилиш орқали томонларнинг маълум муддатга юридик жиҳатдан расмийлаштирилган ҳамкорликдаги фаолиятидир¹⁹”. Шунингдек, олим ўз тадқиқотларида ДХШ лойиҳаларини амалга ошириш механизмини қуйидагича таклиф этган (қаранг 1.1-расм).



1.1-расм. ДХШ нинг амалга ошиш схемаси²⁰

А.Э. Шайхов томонидан олиб борилган илмий тадқиқотларда республикада ДХШ механизми бўйича лойиҳаларнинг нафақат назарий, балки амалий жиҳатлари ҳам акс эттирилган²¹.

Эрк Озбелге, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги хузуридаги Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш департаменти тижорат маслаҳатчиси: “Муваффақиятли ДХШ муайян

¹⁹ Юнусова С.Б. Давлат-хусусий шериклик асосида инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш ва молиялаштиришни ривожлантириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси АВТОРЕФЕРАТИ. Тошкент шаҳри – 2022 йил.

²⁰ Ўша ерда.

²¹ Vaxabov A.V., Tadjibayeva D.A., Xajibakiyev Sh.X.. Jahon iqtisodiyoti va xalqaro iqtisodiy munosabatlar: darslik. – Toshkent.: Baktria press, 2015. – 71 b.

стандартларни бажаришни талаб қилади” ДХШнинг муваффақияти кўп жихатдан унинг лойиҳасини сифатли тайёрлаш билан боғлиқ. Амалиёт шуни кўрсатдики, ДХШ лойиҳасини тайёрлаш, сифатли юқори инвестициялар эҳтимолини оширади, хусусий шерик давлатдан камроқ маблағлар талаб қилади, албатта бундай шароитда банклар рақобат бардош кредитларни таклиф қилишади²².

Хусусий ва давлат шериги улар қоплаши мумкин бўлган хатарларни қабул қилганда, тўлов қобилиятини тасдиқлаганида ва банк кредит беришга тайёр бўлганида ДХШ муваффақиятли бўлади. Хусусий шерик ДХШ лойиҳасини амалга ошириш учун зарур техник тажриба ва капиталга эга эканлигини исботлаши керак.

Лойиҳани бошлашдан олдин, асосий юк давлат шеригининг гарданига тушади. Лойиҳани ташаббус қилиш, иқтисодий асослаш, ишлаб чиқиш, хусусий шерикни танлаш, дастлабки баҳолаш тартибини белгилаш, хусусий шерик учун фойда механизмларини белгилаш, хусусий шерикни қонун ҳужжатлари ва лойиҳани амалга ошириш стандартлари ҳамда келишилган хизматларни тақдим этади ва таништиради.

Давлат-хусусий шериклик (ДХШ) модели доирасида амалга оширилаётган лойиҳалар учун давлат кафолатларини белгилаш давлат ҳамкорининг мажбуриятларига киради. Бу келишилган кредитларнинг ўз вақтида ажратилишини таъминлаш, зарур лицензиялар олиш, тендер ҳужжатлари ва шартномаларни тайёрлаш, хусусий шерикни танлаш жараёнини шаффоф ўтказишни назарда тутади. Хусусий шерик лойиҳани бошлаш, амалга ошириш ва тугатишга кўмаклашиш учун молиявий ва мулкӣ кафолатлар бериши керак. Давлат шериги лойиҳа тугаганидан сўнг жорий ва келажакдаги талабни қондиришини таъминлаши, талаб ва таълим стандартларидаги мумкин бўлган ўзгаришларни ҳисобга олиши лозим.

Хизматлар доираси аниқ белгиланиши керак. Одатда, таълим

²² ДХШ асосида мактабгача таълим муассасаларини ташкил этиш ва фаолият кўрсатишида ноҳалоллик ва коррупция хавф-хатари омилларини баҳолашнинг якуний ҳисоботи 19 бет.

муассасаси таълим дастурлари, талабаларнинг уй-жой қурилиши, умумий оқатланиш, хавфсизлик, транспорт, техник хизмат кўрсатиш ва тозалашни ўз ичига олган бир қатор хизматларни тақлиф этади. Бундан ташқари, ушбу хизматларда ахборот технологиялари муҳим рол ўйнайди. Тақдим этилаётган таълим хизматларининг турлари ҳар хил бўлиши мумкин, бу малакали мутахассисларни жалб қилишда хусусий шерикнинг инвестиция қийматига таъсир қилади. Бундай таҳлил хусусий шерик йилига қанча сармоя киритиши кераклиги ва лойиҳани самарали амалга ошириш учун қанча даромад олишини аниқ ҳисоблаши учун керак. Шундан сўнг, Ҳавқулда вазиятларнинг кредит, Ҳоизлар ва операция харажатларини тўлаш бўйича мажбуриятлари муҳокама қилинади.

Бундан ташқари, Х.Н.Усманов, М.Х.Камилова, У.И.Джуманиязов томонидан ёзилган илмий мақола ва асарларда хорижий ва маҳаллий ДШХ механизми бўйича тажрибалар ўрганилган, ушбу лойиҳаларнинг бошқарув механизмини янада такомиллаштириш масалалари кўриб чиқилган²³.

Ўрганилган илмий тадқиқотларга кўра, иқтисодиёт ва жамиятнинг ижтимоий тараққиётининг ривожланиши, ижтимоий соҳа инфратузилмасининг муваффақиятли фаолияти билан тўғридан-тўғри боғлиқ, бундай инфратузилма транспорт, соғлиқни сақлаш, муҳандислик ва алоқа, давлат хизматлари, турар жой ва таълимни ўз ичига олади. Шунингдек, географик жойлашув транспорт хизматларининг экспорти орқали катта даромад олишда муҳим рол ўйнайди.

Иқтисодий аҳамиятга эга лойиҳаларни амалга оширишда ва иқтисодиётни инновацион ривожлантиришни тўғридан-тўғри тартибга солишда давлатнинг ролини камайтириш керак. Бу қисқартириш муқобил механизмларнинг пайдо бўлишига имкон беради. Булар орасида давлат-хусусий шериклик давлатнинг иқтисодиёт тармоқларини ривожлантиришдаги иштироки истиқболли ечими сифатида ажралиб туради. Тадқиқотчиларнинг

²³ Shodmonov Sh.Sh., G'ofurov U.V.. Iqtisodiyot nazariyas: Darslik.– Toshkent.: IQTISOD-MOLIYA, 2010. - 533 b., 542 b.

таъкидлашича, ДХШ лойиҳаларини амалга ошириш ва бошқариш механизмини тадбиқ этиш учун энг истиқболли йўналиш транспорт-логистика соҳаси ҳисобланади. Сабаби айнан транспорт соҳаси кўпгина мамлакатларда энг катта инвестиция салоҳиятига эга соҳалардан биридир.

Давлат-хусусий шериклик (ДХШ) да инвестиция лойиҳаси учун масъул бўлган бошқарув органи уни амалга ошириш учун муҳим техник ёрдам кўрсатиши, шу билан бирга назорат, экспертиза ва аудиторлик функцияларини амалга ошириши кўзда тутилган. ДХШ механизмнинг бошқарув органига ҳуқуқий мустақиллик бериш лойиҳанинг самарадорлигини оширади ва давлат ва хусусий сектор ўртасидаги манфаатлар тўқнашувининг олдини олишга ёрдам беради. ДХШ доирасидаги бошқарув тизими ҳукумат томонидан тайинланган махсус юридик шахсга асосланади. Бунга, ҳукуматнинг қуйи бўғинлари (вилоятлар, вилоятлар ва муниципалитетларда) бошқарув органи ёки ҳудудий (шаҳар) марказларини мисол қилишимиз мумкин. Аммо, бу борада ДХШ муносабатларининг шаффофлигига жиддий салбий таъсир этиши кузатилади.

Ҳозирги вақтда давлат секторида давлат ва муниципал бошқарувнинг ягона универсал модели мавжуд эмас. Ушбу жараён аста-секин ва ўзига хос тарзда ривожланиб, ҳар бир тизим, минтақа ёки иқтисодий секторнинг ўзига хос устуворликлари асосида шаклланади. Мутахассисларнинг таъкидлашича, давлат секторининг самарали механизми пайдо бўлиши учун давлатнинг инфратузилмани ривожлантириш сиёсати минтақанинг инвестиция сиёсатига мос келиши керак. Шу нуқтаи назардан, Россия Федерациясида Давлат сектори механизмини ривожлантириш маркази Россияда давлат секторида институционал муҳитни яхшилашга қаратилган услубий тавсиялар яратган. Унга кўра, 85 та субъектда давлат-хусусий шериклик механизмларини тартибга солиш бўйича давлат тажрибаси асосида таҳлилий ҳужжат чоп этилди. Ушбу ҳужжат ДХШ учун мустаҳкам институционал муҳитни ривожлантиришнинг энг самарали амалиётларини таъкидлайди. Ушбу жараёнда йирик молия институтлари, шу жумладан Газпромбанк, Сбербанк

ва Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТТБ), шунингдек, EY, Legal Capital Partners, KPMG каби консалтинг фирмалари ва стратегик ташаббуслар агентлиги вакиллари иштирок этишди. Россия Федерациясининг турли минтақаларида давлат ва муниципал бошқарув тизимларида ДХШ механизмини яратишга алоҳида эътибор берилди.

Давлат-хусусий шерикликнинг келиб чиқишини 17-аср Францияда пайдо бўла бошлаган ва бу келишув орқали Бриаре ва Ланг-док каналлари қурилиши режалаштирилган. Ҳақ вақтда, ДХШ нинг пайдо бўлиши зарурати давлат бюджетининг чекланганлиги билан боғлиқ эди.

ДХШ нинг иккинчи кўриниши лизингдир ва бунда хусусий шерикка объектни қуриш ва уни тўлиқ давлат молиялаштирган ҳолда кейинчалик бошқариш функциялари юкланади. Бу ҳолатда, қурилиш ва бошқарув функцияларининг бир вақтнинг ўзида ўтказилиши харажатларнинг камайиши ва шу билан бирга самарали тақсимланишига олиб келади, эксплуатация даврида аниқланган форс-мажор ҳолатлари учун жарималар қўлланилиш сабаб ишларнинг самарали бажарилиш эҳтимоли ҳам давлат-хусусий шерикликда анча юқори бўлади.

Давлат-хусусий шерикликнинг учинчи кўриниши эса Жаҳон банкидир. Жаҳон банки берган маълумотларга қараганда давлат-хусусий шерикликнинг қуйидаги мавжуд моделлари ўрганилди:

1. Давлат-хусусий шериклик модели бошқарув шартномалари ва ижара шартномалари орқали амалга оширилади. Ушбу моделнинг асосий концепцияси давлат ва хусусий шерикларни иккита шартнома имзолашни ўз ичига олади: бири бошқарув хатарларини давлат шеригига тақсимлайди, иккинчиси эса хусусий шерикга лизинг хатарларини беради. Ушбу келишувда давлат активга эгаллик ҳуқуқини сақлаб қолади.

2. Давлат-хусусий шерикликнинг яна бир модели концессия шартномалари орқали амалга оширилади. Ушбу моделда давлат шериги хусусий шерикга белгиланган тўлов эвазига активдан фойдаланиш ҳуқуқини беради. Худди шундай, давлат активга эгаллик ҳуқуқини сақлаб қолади.

3. Янги объектни куриш лойиҳалари орқали амалга ошириладиган ДХШ модели. Бундай ҳолатда хусусий шерик объектни шартнома муддати давомида куради ва шу билан бирга ишлатиш ҳуқуқига ҳам эга бўлади. Бундай ҳолатда объектга эгалик ҳуқуқи турли хил бўлиши мумкин.

4. Қисман хусусийлаштириш модели: ушбу ёндашувда хусусий шерик давлат тасарруфидаги акцияларни сотиб олади ва унинг фаолияти ва бошқаруви билан боғлиқ аниқ ҳуқуқ ва мажбуриятларни олади. Ушбу моделда шахсга нисбатан мулк ҳуқуқи фарқ қилиши мумкин.

Ривожланган мамлакатларда давлат-хусусий шериклик (ДХШ) одатда транспорт, инфратузилма, энергетика, ахборот-коммуникация технологиялари, сув таъминоти ва дренаж, соғлиқни сақлаш, қурилиш ва таълим каби турли соҳаларда қўлланилади. Муайян тармоқлар кўпинча ҳар бир мамлакатнинг Қонунчилик базасига боғлиқ.

Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга оширишда шартномаларнинг тўртта асосий шакли қўлланилади: давлат-хусусий шериклик шартномалари, ижара шартномалари ва лизинг шаклида, концессия шартномалари ва маҳсулотни тақсимлаш шартномалари (1-илова). Дунё миқёсида давлат-хусусий шерикликни амалга ошириш учун кўплаб моделлар, шакллар, турлар ва ноёб имкониятлар мавжуд. Шартнома шакли давлат-хусусий шериклик асосидаги лойиҳалар самарадорлигини аниқлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Л. Шарингернинг сўзларига кўра, давлат-хусусий шериклик (ДХШ) бешта алоҳида моделга бўлиниши мумкин (2-илова). Ушбу моделларнинг асосий омили—оператор, ҳамкорлик, рағбатлантириш, келишув ва лизинг—улар ДХШ лойиҳаларини амалга оширишда инфратузилмани яхшилашга қандай ҳисса қўшишидир²⁴.

Оператор модели чиқиндиларни қайта ишлаш ташаббусларида кенг қўлланилади. Унда давлат ва хусусий шерик ўртасида мажбуриятларнинг

²⁴ Шарингер, Л. Новая модель инвестиционного партнерства государства и частного сектора // Мир перемен. - 2004. - С. 8-22

аниқ тақсимланиши, шу билан бирга давлат ўз назорат функцияларини сақлаб қолишини таъминлайди. Ҳамкорлик модели муайян хизмат амортизацияси нафақалари ва солиқ объектлари аниқ белгиланмаган тақдирда ўринли бўлади. Имтиёзлар модели лойиҳани амалга ошириш муддати узоқ бўлган ва мулк ҳуқуқини давлатдан хусусий шерикга ўтказиш сиёсий ёки ҳуқуқий жиҳатдан муаммоли бўлган соҳаларда қўлланилади. Келишув модели асосан операцион харажатларни камайтиришга қаратилган инвестициялар учун қўлланилади. Глобал миқёсда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, хусусан, давлат (ижтимоий) биноларини қуриш бўйича ҳамкорлик шакли сифатида лизинг бўйича катта тажриба мавжуд.

Ҳозирги вақтда давлат-хусусий шериклик лойиҳаларининг турли моделлари мавжуд. Улар давлат назорати даражаси, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асослари ва ҳар бир шерикнинг иштирок этиш даражаси жиҳатидан фарқ қилади.

Асосан моделлар икки гуруҳга бўлинади: биринчи гуруҳда инфратузилма объекти нолдан қурилмоқда, иккинчи гуруҳда объект аллақачон қурилган. Амалиётда энг кўп учрайдиган моделлар 3-иловада келтирилган.

Давлат-хусусий шерикликнинг юқоридаги моделлардан бошқа кўп моделларни санашимиз мумкин. Аммо, барча моделларни бир-биридан асосий фарқи бу томонларнинг қанчалик иштирок этиши, томонларнинг жавобгарлиги нисбати ва ҳар хил турдаги рисклар томонлар ўртасида бўлинишига боғлиқ бўлади.

В.Г. Варнавский шуни таъкидлаб ўтадики, давлат-хусусий шериклик лойиҳалари бўйича Жаҳон банки тақдим этаётган тушунча энг асосли ва кенг қўлланиладиганидир, аммо унинг фикрича давлат-хусусий шериклик шакллари аниқ белгиланган умумий тушунча мавжуд эмас. Одатда ҳуқуқий муносабатлар бўлиниши тарафлар ўртасидаги ҳуқуқий муносабатлар (эгаллик, фойдаланиш, тасарруф этиш) ва давлатга

карамлик даражасига боғлиқ бўлади²⁵.

Ўзбекистон Республикасида давлат-хусусий шериклик қуйидаги хусусиятларга эга:

- Давлат-хусусий шериклик хусусий бизнес ва давлат ресурсларининг (молиявий, ер, бўш бинолар ва бошқалар)қўшма лойиҳалари шаклида амалга оширилади;

- Кўпгина ҳолларда, ушбу лойиҳалар ижтимоий муаммоларни ҳал қилишга қаратилган: таълим, тиббиёт, фармацевтика, туризм, уй-жой коммунал хўжалиги, ижтимоий инфратузилма объектларини (йўллар, электр узатиш линиялари, аэропортлар) қуриш ва модернизация қилиш, амалий фан, инновация ва технологиялар, давлат хизматларини кўрсатиш ва бошқалар;

- Давлат-хусусий шериклик механизмларини қўллаш орқали давлат нафақат ижтимоий муаммоларни, шу жумладан иш ўринларини яратишни ҳал этади, балки кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш бўйича тадбирларни ҳам амалга оширади;

- ДХШ бўйича келишув, бу - давлат органи ёки давлат ташкилоти ва хусусий бизнес субъекти (юридик ёки жисмоний шахс) ўртасидаги шартнома. Хусусий шерик, унинг доирасида, давлат органининг функцияларини бажаради ва /ёки давлат мулки объектларидан тижорат мақсадларида фойдаланиш ҳуқуқини олади;

- Аксарият ҳолларда давлат-хусусий шериклик лойиҳалари арзон ва қатта молиявий маблағларни тўплашни талаб қилмайди;

- ДХШ лойиҳалари икки томоннинг ресурсларини бирлаштириш эвасига қурилади, масалан, хусусий шерик талабалар турар жойини қуради ва жиҳозлайди, давлат эса ер ажратади ва харажатларнинг бир қисмини қоплайди;

- Давлат-хусусий шериклик механизмлари норматив-ҳуқуқий база

²⁵ Varnavskij V.G. Upravlenie gosudarstvenno-chastnymi partnerstvami za rubezhom // Voprosy gosudarstvennogo i municipal'nogo upravlenija. 2012. №2. - URL: <http://cyberleninka.ru/article/n/upravlenie-gosudarstvenno-chastnymi-partnerstvami-za-rubezhom>.

билан аниқ тартибга солинмаган, аксарият ҳолларда давлат-хусусий шериклик тушунчасини қўллашда масъул вазирлик ёки идорага бошқарувнинг янги усуллари, шу жумладан давлат-хусусий шерикликни ишлаб чиқиш ва таъминлаш топшириғи берилади;

- Давлат-хусусий шериклик мавжуд муаммоларни ҳал қилиш усулларида бири сифатида тушунилганлиги сабабли, давлат-хусусий шериклик натижаларининг ягона мониторинги олиб борилмайди, ва шунинг учун унинг самарадорлигини ошириш усуллари ишлаб чиқилмайди.

Хулоса қилганда, хусусий секторнинг ДХШларда иштирок этишдан мақсад, уларнинг бизнесни бошқаришдаги қобилиятлари ва илғор тажрибасидан самарали фойдаланишдир.

Ҳуқуқий муносабатлар кўпинча мулкчилик, фойдаланиш, тасарруф этиш ва давлатга ишониш каби жиҳатларни ўз ичига олиши мумкин бўлган томонлар ўртасидаги қарамлик даражасига қараб таснифланади.

Ўзбекистон Республикасида давлат-хусусий шериклик (ДХШ) қуйидаги хусусиятларга эга:

- ДХШлар хусусий бизнес ва давлат ресурсларини, шу жумладан молиявий активларни, эрларни ва бўш биноларни ўз ичига олган кўшма лойиҳалар орқали амалга оширилади.

- Ушбу лойиҳалар кўпинча таълим, соғлиқни сақлаш, фармацевтика, туризм, уй-жой коммунал хўжалиги, йўллар, электр узатиш линиялари ва аэропортлар каби ижтимоий инфратузилма объектларини қуриш ва модернизация қилиш каби ижтимоий муаммоларни ҳал қилади. Шунингдек, улар амалий фанлар, инновациялар, технологиялар ва давлат хизматларини кўрсатишга қаратилган.

- ДХШ механизмларини қўллаш орқали давлат ижтимоий муаммоларни, шу жумладан иш ўринларини яратишни ҳал қилади ва кичик ва ўрта корхоналарни ривожлантиришга ёрдам беради.

- Давлат-хусусий шериклик шартномаси - бу давлат органи ёки ташкилоти ва хусусий тадбиркорлик субъекти ўртасидаги шартнома

(у юридик ёки жисмоний шахс бўлиши мумкин). Ушбу доирада хусусий шерик давлат органининг баъзи функцияларини ўз зиммасига олади ва давлат мулкидан тижорат мақсадларида фойдаланиш ҳуқуқини олади.

- Одатда, ДХШ лойиҳалари арзон нархлардаги ҳисобланади ва катта молиявий инвестицияларни талаб қилмайди.

- Ушбу лойиҳалар иккала томоннинг ресурсларини бирлаштиришга асосланган. Масалан, хусусий шерик талабалар ётоқхоналарини қуриши ва жиҳозлаши мумкин, давлат эса эр беради ва харажатларнинг бир қисмини қоплайди.

- ДХШ атрофидаги Қонунчилик базаси аниқ белгиланиши керак, бу масъул вазирлик ёки агентлик бошқарувнинг янги усулларини, шу жумладан ДХШни ишлаб чиқиш ва тарғиб қилишни амалга оширадиган ҳолатларга олиб келади.

- ДХШлар мавжуд муаммоларни ҳал қилиш усули сифатида қаралганлиги сабабли, ҳозирги вақтда ушбу шериклик натижаларини мониторинг қилишнинг ягона тизими бўлиши керак ва уларнинг самарадорлигини ошириш бўйича самарали чора-тадбирлар ҳали ҳам ишлаб чиқилиши керак.

Хулоса қилиб айтганда, хусусий секторни давлат-хусусий шерикликка жалб қилиш уларнинг имкониятлари ва бизнесни бошқариш соҳасидаги илғор тажрибаларидан фойдаланишга қаратилган.

§1.2. Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш ва бошқариш механизмининг ташкилий-ҳуқуқий асослари

Ўзбекистонда давлат давлат-хусусий лойиҳаларини амалга ошириш ва бошқариш механизмининг ташкилий-ҳуқуқий асослари, айтиш керакки, тизимли асосларга эга. Бу борада, давлат-хусусий шериклик асосидаги лойиҳаларни амалга ошириш, ушбу турдаги лойиҳаларни амалга ошириш ва бошқаришни давлат томонидан рағбатлантириш, хусусий соҳага оид муносабатларни ҳуқуқий тарафдан тартибга солиш, ҳуқуқий асослар

орқали давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга оширишни қўллаб-қувватлаш тизимини шакллантириш каби чора-тадбирлар 2018 йилдан кейин жадал субъектлар билан ривожланиб келаётганлигини давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш ва бошқариш механизмнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини тадқиқ этиш натижалари орқали гувоҳи бўлдик.

1.1-жадвал

Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш ва бошқариш механизмнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари²⁶

№	Кўрсаткичлар	йиллар						2024
		2018	2019	2020	2021	2022	2023	
1	Қабул қилинган жами қонун ҳужжатлари сони	8	8	3	9	8	8	2
<i>шундан:</i>								
1.1.	Ўзбекистон Республикаси қонунлари	-	1	-	1	-	-	-
1.2.	Президент фармон ва қарорлари	3	1	2	3	2	5	2
1.3.	Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари	5	6	1	5	6	-	-

Изоҳ: Мазкур ҳуқуқий асослар Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базасига (www.lex.uz) очиқ жойлаштирилган норматив-ҳуқуқий асослар орқали тузилган.


Юқоридаги жадвалда Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базасига (www.lex.uz) очиқ жойлаштирилган давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш ва бошқариш механизмнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари сонининг таҳлили қуйидагиларни кўрсатмоқда:

2018-2024 йилларда Ўзбекистонда давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш бўйича 40 дан ортиқ ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Бунга Ўзбекистон Республикасининг 2 та қонуни, президентнинг 21 та фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 23 та қарори киради.

Давлат-хусусий шериклик - бу давлат ёки маҳаллий ҳокимият

²⁶ Муаллиф ишланмаси.

органлари ва хусусий сектор ўртасида ҳуқуқий ва институционал муносабатларни ўрнатадиган тизим. Унинг асосий мақсади жамоат манфаатларини ҳимоя қилиш билан бирга миллий иқтисодиётнинг ижтимоий аҳамиятга эга ва ривожланмаган тармоқларини ривожлантиришдир. Ушбу тизимнинг асоси тенглик, оқилона ҳамкорлик, хавф ва фойдани тенг тақсимлаш, давлат ва хусусий сектор ўртасидаги ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатларга асосланган.



1.2-расм. Ўзбекистонда 2018-2024 йилларда давлат-хусусий шериклик лойиҳалари бўйича йўналишлар кесимида қабул қилинган ҳуқуқий асослар²⁷

- ДХШ асосида лойиҳаларни амалга ошириш ва бошқаришга оид бўлган 2018 ва 2019 йилларда 8 тадан, 2020 йилда 3 та, 2021 йилда 9 та, 2022 йилда 8 та, 2023 йилда 8 та ва 2024 йилда ҳозирги даврига қадар 2 ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган бўлиб, ушбу ҳужжатлар 1.2-расмда кўрсатилган йўналишдаги ДХШ лойиҳаларини амалга ошириш ва бошқаришга йўналтирилган.

2018-2024 йилларда ДХШ лойиҳалари бўйича йўналишлар кесимида қабул қилинган ҳуқуқий асослар қуйидагини кўрсатмоқда:

1) ДХШ фаолиятидаги муносабатларни тартибга солиш, соҳани илғор технологиялар ва замонавий воситалар асосида ривожлантириш мақсадида тасдиқланган норматив ҳужжатларнинг 20% маъмурий бошқарув, давлат хизматлари кўрсатиш соҳасига оид (қаранг 1.2-жадвал).

²⁷ Муаллиф ишланмаси

Давлат-хусусий шерикликда маъмурий бошқарув ва давлат хизматлари соҳасига оид қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар²⁸

№	Ҳуқуқий ҳужжатнинг номи	Қабул қилган орган (субъект)	Қабул қилинган рақами, санаси ва кучга кириш санаси
1	Давлат-хусусий шериклик тўғрисида	Қонун	№ЎРҚ-537, қабул қилинган сана 10.05.2019, кучга кириш санаси 12.06.2019
2	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида	Вазирлар Маҳкамасининг қарори	№1009, қабул қилинган сана 13.12.2018, кучга кириш санаси 14.12.2018
3	Давлат-хусусий шерикликни ривожлантиришнинг ҳуқуқий ва институционал базасини яратиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида	Президент қарори	№ПҚ-3980, қабул қилинган сана 20.10.2018, кучга кириш санаси 22.10.2018
4	Ўзбекистон Республикаси Президентининг туман (шаҳар)лардаги Халқ қабулхоналари ҳузуридаги Давлат хизматлари марказлари биноларининг давлат-хусусий шериклик шартлари асосида қурилишини ташкил этиш тўғрисида	Президент қарори	№ПҚ-3701, қабул қилинган сана 08.05.2018, кучга кириш санаси 14.05.2018
5	Давлат томонидан тартибга солинадиган соҳаларга хусусий секторни жалб этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида	Президент қарори	№ПҚ-4913, қабул қилинган сана 07.12.2020, кучга кириш санаси 07.12.2020
6	Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш тартибини такомиллаштириш тўғрисида	Вазирлар Маҳкамасининг қарори	№259, қабул қилинган сана 26.04.2020, кучга кириш санаси 27.04.2020
7	Ўзбекистонда давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини ишлаб чиқиш жамғармасини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида	Президент қарори	№ПҚ-307, қабул қилинган сана 14.09.2023, кучга кириш санаси 18.09.2023
8	Ўзбекистон Республикасида 2024 - 2030 йилларда давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида	Президент қарори	№ПҚ-308, қабул қилинган сана 30.08.2024 кучга кириш санаси 30.08.2024

2) Сўнгги йилларда ўрнатилган Қонунчилик асосида Давлат-хусусий шериклик (ДХШ) орқали амалга оширилаётган лойиҳаларнинг аксарияти биринчи навбатда ижтимоий ривожланиш йўналишларига қаратилган. Буларга соғлиқни сақлаш, таълим (мактабгача, бошланғич ва олий таълим каби), маданият ва жисмоний тарбия ва спорт киради. Хусусан, давлат-хусусий шериклик асосида лойиҳаларни амалга ошириш ва бошқаришни тартибга солувчи ҳуқуқий ҳужжатларнинг тахминан 50% ушбу тармоқларга тегишли (қаранг 1.3-жадвал).

²⁸ Мазкур ҳуқуқий асослар Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базасига (www.lex.uz) очик жойлаштирилган норматив-ҳуқуқий асослар орқали тузилган.

Давлат-хусусий шериклик асосида ижтимоий соҳадаги лойиҳаларни амалга оширишда доир қабул қилинган асосий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар²⁹

№	Ҳуқуқий ҳужжатнинг номи	Қабул қилган орган (субъект)	Қабул қилинган рақами, санаси ва кучга кириш санаси
1	Маданият ва санъат соҳасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида	Президент қарори	№ПҚ-3892, қабул қилинган сана 01.08.2018, кучга кириш санаси 02.08.2018
2	Давлат-хусусий шериклик асосида замонавий мактабгача таълим муассасасини ташкил этиш тўғрисида	Вазирлар Маҳкамасини нг қарори	№681, қабул қилинган сана 24.08.2018, кучга кириш санаси 25.08.2018
3	Давлат-хусусий шериклик асосида марказлаштирилган клиника-диагностика лабораторияси ташкил этиш тўғрисида	Вазирлар Маҳкамасини нг қарори	№674, қабул қилинган сана 17.08.2018, кучга кириш санаси 20.08.2018
4	Мактабгача таълим соҳасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида	Вазирлар Маҳкамасини нг қарори	№475, қабул қилинган сана 25.06.2018, кучга кириш санаси 27.06.2018
5	Тошкент шаҳрида тўғридан-тўғри хорижий инвестиция иштирокидаги нодавлат мактабгача таълим муассасаларини давлат-хусусий шериклик асосида ташкил этиш тўғрисида	Вазирлар Маҳкамасини нг қарори	№417, қабул қилинган сана 18.05.2019, кучга кириш санаси 21.05.2019
6	Соғлиқни сақлаш соҳасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида	Президент қарори	№пқ-4290, қабул қилинган сана 16.04.2019, кучга кириш санаси 17.04.2019
7	Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида	Вазирлар Маҳкамасини нг қарори	№184, қабул қилинган сана 01.03.2019, кучга кириш санаси 02.03.2019
8	Мактабгача таълим соҳасида давлат-хусусий шерикликни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида	Президент қарори	№пқ-4581, қабул қилинган сана 30.01.2020, кучга кириш санаси 31.01.2020
9	Саудия тараққиёт жамғармаси иштирокида «Мактабгача таълим соҳасида давлат-хусусий шерикликни қўллаб-қувватлаш» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида	Вазирлар Маҳкамасини нг қарори	№416, қабул қилинган сана 03.07.2021, кучга кириш санаси 04.07.2021
10	Маданият ва санъат соҳасида давлат-хусусий шериклик асосида бериладиган давлат мулки объектларининг рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида	Вазирлар Маҳкамасини нг қарори	№30, қабул қилинган сана 20.01.2021, кучга кириш санаси 21.01.2021
11	Мактабгача таълим соҳасида давлат-хусусий шериклик муносабатларини замонавий рақамли технологиялар ёрдамида соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида	Вазирлар Маҳкамасини нг қарори	№426, қабул қилинган сана 02.08.2022, кучга кириш санаси 03.08.2022
12	Талабалар турар жойларини давлат-хусусий шериклик шартлари асосида қуриш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан субсидия ажратиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида	Вазирлар Маҳкамасини нг қарори	№239, қабул қилинган сана 06.05.2022, кучга кириш санаси 07.05.2022
13	Осиё тараққиёт банки ҳамкорлигида Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида давлат-хусусий шериклик асосида умумий ўрта таълим мактабларини ташкил этиш тўғрисида	Президент қарори	№ПҚ-163, қабул қилинган сана 25.05.2023, кучга кириш санаси 25.05.2023
14	Ижтимоий соҳа объектларининг иситиш тизимларини давлат-хусусий шериклик асосида модернизация қилиш тўғрисида	Президент қарори	№ПҚ-118, қабул қилинган сана 10.04.2023, кучга кириш санаси 11.04.2023

3) Давлат-хусусий шериклик асосида лойиҳаларни амалга ошириш бошқарув механизмларини тартибга солувчи Қонунчилик базасини

²⁹ Мазкур ҳуқуқий асослар Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базасига (www.lex.uz) очик жойлаштирилган норматив-ҳуқуқий асослар орқали тузилган.

ўрганишни ўз ичига олади. Биз ҳуқуқий ҳужжатларнинг 13% уй-жой коммунал хўжалиги соҳасига тегишли эканлигини кузатдик. Қуйида ушбу соҳа билан боғлиқ асосий ҳуқуқий ҳужжатлар келтирилган (қаранг 1.4-жадвал).

1.4-жадвал

Давлат-хусусий шерикликда амалга ошириладиган уй-жой ва коммунал соҳасига оид қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар³⁰

№	Ҳуқуқий ҳужжатнинг номи	Қабул қилган орган (субъект)	Қабул қилинган рақами, санаси ва кучга кириш санаси
1	Аҳоли пунктлари қисмларининг батафсил режалаштириш лойиҳаларини ишлаб чиқишни молиялаштиришда давлат-хусусий шерикликни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида	Вазирлар Маҳкамасининг қарори	№169, Қабул қилинган сана 26.02.2019, Кучга кириш санаси 26.02.2019
2	Тошкент шаҳри иссиқлик таъминоти тизимини давлат-хусусий шериклик асосида ривожлантириш тўғрисида	Вазирлар Маҳкамасининг қарори	№594, Қабул қилинган сана 22.09.2021, Кучга кириш санаси 22.09.2021
3	Тошкент шаҳри иссиқлик таъминоти тизимини давлат-хусусий шериклик асосида янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида	Вазирлар Маҳкамасининг қарори	№241, Қабул қилинган сана 07.05.2022, Кучга кириш санаси 07.05.2022
4	Давлат-хусусий шериклик асосида Тошкент шаҳар иссиқлик марказларини когенерацион технологияларини жорий этиш орқали модернизация қилиш чоратадбирлари тўғрисида	Вазирлар Маҳкамасининг қарори	№214, Қабул қилинган сана 26.04.2022, Кучга кириш санаси 26.04.2022
5	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 10 апрелдаги «Ижтимоий соҳа объектларининг иситиш тизимларини давлат-хусусий шериклик асосида модернизация қилиш тўғрисида»ги ПҚ-118-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида	Президент қарори	№ПҚ-185, Қабул қилинган сана 12.06.2023, Кучга кириш санаси 13.06.2023

ДХШ лойиҳаларини амалга ошириш ва бошқариш бўйича яқинда қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг асосий йўналиши иситиш тизимларини ривожлантиришда хусусий сектор вакилларининг иштирокини рағбатлантиришдан иборат. Ушбу ташаббус давлат-хусусий шериклик орқали уй-жой коммунал хўжалиги сифатини оширишга қаратилган.

4) Қишлоқ хўжалигини янада ривожлантиришда ДХШ механизмдан фойдаланиш мақсадида ўтган давр мобайнида қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинганлигининг гувоҳи бўлдик. Мазкур соҳага доир қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар жами 2018-2024 йиилларда ДХШ асосида лойиҳаларни амалга ошириш ва бошқариш механизмига доир бўлган ҳуқуқий асосларнинг 12%ни ташкил этган (қаранг 1.5-жадвал).

³⁰ Мазкур ҳуқуқий асослар Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базасига (www.lex.uz) очик жойлаштирилган норматив-ҳуқуқий асослар орқали тузилган.

Давлат-хусусий шерикликда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш соҳасига оид қабул қилинган асосий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар³¹

№	Ҳуқуқий ҳужжатнинг номи	Қабул қилган орган (субъект)	Қабул қилинган рақами, санаси ва кучга кириш санаси
1	Сирдарё вилоятида қишлоқ хўжалиги соҳасида давлат-хусусий шериклик асосида илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида	Вазирлар Маҳкамасининг қарори	№105, Қабул қилинган сана 07.02.2019, Кучга кириш санаси 08.02.2019
2	Сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва сув хўжалиги объектларидан фойдаланиш борасида давлат-хусусий шерикликни кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида	Вазирлар Маҳкамасининг қарори	№199, Қабул қилинган сана 10.04.2021, Кучга кириш санаси 12.04.2021

5) Яшил иқтисодиёт ва энергетика соҳасида ДХШ асосида лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар орасида қуйидагиларни алоҳида кўрсатишимиз мумкин (1.6-жадвал).

Давлат-хусусий шерикликда яшил иқтисодиёт ва энергетика соҳасига оид қабул қилинган асосий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар³²

№	Ҳуқуқий ҳужжатнинг номи	Қабул қилган орган (субъект)	Қабул қилинган рақами, санаси ва кучга кириш санаси
1	«Навоийазот» АЖ негизида давлат-хусусий шериклик асосида ташкил этиладиган кимё-технологик кластери учун иссиқлик ва қуёш электр станцияларини барпо этиш чора-тадбирлари тўғрисида	Вазирлар Маҳкамасининг қарори	№240, қабул қилинган сана 07.05.2022, кучга кириш санаси 07.05.2022
2	«Қашқадарё вилоятида қуввати 300 МВт бўлган қуёш фотоэлектр станциясини ҳамда 75 МВт бўлган электр энергиясини сақлаш тизимини давлат-хусусий шериклик шартлари асосида қуриш ва бошқариш» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида	Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори	ПҚ-125-сон, қабул қилинган сана 14.03.2024, кучга кириш санаси 15.03.2024

2022 йилда ДХШга асосланган ижтимоий соҳани ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш учун бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Ушбу ташаббус Вазирлар Маҳкамасининг "Навоийазот" АЖ да ДХШ технологиясидан фойдаланган ҳолда иссиқлик ва қуёш электр станцияларини ташкил этиш тўғрисидаги қарори билан маъқулланди. Мазкур ҳуқуқий ҳужжатларга кўра, “Ўзкимёсаноат” АЖ, “Electricite de France S.A.” (Франция), “Stone city InSolar B.V” (Нидерландия) ва “Siemens energy global

³¹ Мазкур ҳуқуқий асослар Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базасига (www.lex.uz) очик жойлаштирилган норматив-ҳуқуқий асослар орқали тузилган.

³² Мазкур ҳуқуқий асослар Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базасига (www.lex.uz) очик жойлаштирилган норматив-ҳуқуқий асослар орқали тузилган.

GmbH&Co.KG” (Германия) компаниялари томонидан амалга оширилиши баён этилган. Давлат-хусусий шериклик асосида Навоийазот" АЖ негизида кимёвий ва технологик Кластер учун иссиқлик ва қуёш электр станциялари қурилишини амалга ошириш механизми 4-иловада келтирилган.

Мазкур лойиҳани амалга ошириш мақсадида қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатга кўра, қуйидаги муддатларда ушбу лойиҳа амалга оширилган:

2022 йил 20 май	• лойиҳанинг якуний параметрларига аниқлик киритиш орқали техник-технологик ва молиявий-иқтисодий жиҳатдан энг мақбул ечимлар ишлаб чиқилиши
2022 йил 5 июн	• қадар хусусий шерик томонидан лойиҳа концепцияси ва лойиҳани баҳолаш ҳужжати ишлаб чиқилиши;
2022 йил 5 июль	• лойиҳа концепцияси ва лойиҳани баҳолаш ҳужжатларининг халқаро консультантлар ва Агентлик билан келишилиши
2022 йил 20 июль	• лойиҳа концепцияси тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритилиши
2022 йил 1 август	• халқаро консультантлар, Агентлик, Энергетика вазирлиги ва Молия вазирлиги билан биргаликда давлат-хусусий шериклик битими ва давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тўғрисида битим лойиҳалари тайёрланиши
2022 йил 20 август	• хусусий шерик билан давлат-хусусий шериклик битими ва давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тўғрисида битим лойиҳалари келишилиши
2022 йил 1 сентябр	• лойиҳа доирасида ишлаб чиқарилган электр ва иссиқлик энергиясининг харид қилинишини инобатга олинган ҳолда давлат-хусусий шериклик битими имзоланиши

1.3-расм. “Навоийазот” АЖ негизида ДХШ асосида кимё-технологик кластери учун иссиқлик ва қуёш электр станцияларини барпо этиш лойиҳасини амалга ошириш муддатлари³³

б) Шунингдек, транспорт соҳаси бўйича ДХШга асосланган лойиҳаларни амалга оширишга доир бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар 2018-2024 йилларда 10%ни ташкил этади. Мазкур соҳа бўйича қабул қилинган ҳуқуқий асосларда автомобиль транспортини ривожлантиришга ДХШ механизмидан фойдаланиш, ҳаво транспорти тизимларини илғор

³³ Муаллиф ишланмаси. Манба: <https://lex.uz/docs/5996848>

замонавий технологиялар ҳисобига ривожлантириш учун ДХШ лойиҳаларини амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ушбу ҳуқуқий асослар жумласига қуйидагиларни келтириш мақсадга мувофиқдир (қаранг 1.7-жадвал):

1.7-жадвал

Давлат-хусусий шерикликда транспорт соҳасига оид қабул қилинган асосий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар³⁴

№	Ҳуқуқий ҳужжатнинг номи	Қабул қилган орган (субъект)	Қабул қилинган рақами, санаси ва кучга кириш санаси
1	Республика аэропортларини бошқариш соҳасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида	Президент қарори	№ПҚ-5042, Қабул қилинган сана 29.03.2021, Кучга кириш санаси 29.03.2021
2	Автомобиль транспорти соҳасида давлат иштирокидаги корхоналарга хусусий секторни жалб қилиш тўғрисида	Вазирлар Маҳкамасининг қарори	№2, Қабул қилинган сана 02.01.2022, Кучга кириш санаси 03.01.2022
3	“Самарқанд” халқаро аэропортини давлат-хусусий шериклик асосида модернизация қилиш ва бошқариш бўйича лойиҳани амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида	Президент қарори	№ПҚ-238, Қабул қилинган сана 07.05.2022, Кучга кириш санаси 07.05.2022

Юқорида кўриб ўтилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида айтиш мумкинки, давлат-хусусий шерик асосида амалга ошириладиган лойиҳаларнинг ҳуқуқий асоси – Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 10 майда қабул қилинган ЎРҚ-537-сон “**Давлат-хусусий шериклик тўғрисида**”ги қонун ҳисобланади.

Қуйида мазкур қонун ва бошқа ҳуқуқий асосларда давлат-хусусий шериклик асосида амалга оширилаётган лойиҳалар бўйича меъёрий талаблар кўриб чиқилади.

Биринчи навбатда таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 10 майдаги ЎРҚ-537-сон “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги қонунда давлат-хусусий шериклик асосида қўлланилувчи асосий термин,

³⁴ Мазкур ҳуқуқий асослар Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базасига (www.lex.uz) очик жойлаштирилган норматив-ҳуқуқий асослар орқали тузилган.

тушунчаларнинг таърифлари келтирилган. Ушбу қонундан ДХШ лойиҳалари доирасида қўлланувчи асосий тушунчалар ва уларнинг ҳуқуқий жиҳатдан мазмун-моҳиятини англаш мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги қонуни билан давлат-хусусий шерикликка асосланган лойиҳаларнинг иккинчи муҳим томони – “хусусий шерик”нинг қатор ҳуқуқлари кафолатланганлигини кўрамиз. Ушбу лойиҳаларга инвестицияларни жалб қилиш жуда муҳимдир. Юқорида айтиб ўтилган қонун хусусий шерикларнинг ҳуқуқларини бир неча жиҳатдан қуйидагича кафолатлайди.

“Агар давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим тузилган санада амалда бўлган Ўзбекистон Республикаси қонунчилигининг ўзгартирилиши тўғридан-тўғри хусусий шерикнинг давлат-хусусий шериклик лойиҳаси доирасидаги харажатлари ошишига ёки унинг даромадлари камайишига олиб келса, хусусий шерик, амалга оширилаётган лойиҳадан келиб чиққан ҳолда, давлат-хусусий шериклик объектидан эркин фойдаланиш учун тўлов ва (ёки) фойдаланганлик учун тўлов компенсация тарзда оширилишини, шунингдек давлат шеригидан бир марталик компенсация тўловини ва (ёки) давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимга тегишли ўзгартиш ва (ёки) кўшимчалар киритилишини, агар бу давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимда назарда тутилган бўлса, талаб қилишга ҳақли. Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган кафолатларни қўллашга доир тартиб, шартлар, чекловлар ва истиснолар давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимда белгиланади. Ушбу модда биринчи қисмининг қоидалари давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим тузилганидан кейин солиқлар ва йиғимлар ўзгартирилишини назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ўзгарган тақдирда қўлланилмайди, бундан муайян бир давлат-хусусий шериклик лойиҳасига (лойиҳаларига)

нисбатан камситувчи ўзгаришлар мустасно³⁵”.

Қонунида Давлат-хусусий шерикликнинг асосий принциплари ҳам келтирилган. Бунга асосан ДХШ асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

- давлат шеригининг ва хусусий шерикнинг қонун олдида тенглиги;
- давлат-хусусий шерикликни амалга оширишдаги қоидалар ва тартиб-таомилларнинг шаффофлиги;
- хусусий шерикни танлашдаги баҳслашув ва холислик;
- камситишга йўл қўймаслик;
- коррупцияга йўл қўймаслик.

Ушбу қонун асосий принципларга ойдинлик киритади. Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш ва бошқариш учун яратилган меъёрий-ҳуқуқий база муҳим ўрин тутаяди. Ўзбекистонда бундай тадбирларнинг ривожланиши давлат томонидан қўллаб-қувватланиши билан бирга белгиланган Қонунчилик базасида ҳам ўз аксини топмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, жаҳон амалиётидан кўриниб турибдики, ДХШ тўғрисидаги Қонунчилик турли мамлакатларда ниҳоятда фарқ қилади, бироқ муваффақиятли моделлар, субсидиялашнинг механизмларини ҳуқуқий тартибга солишнинг шаффофлиги, шунингдек барча бошқарув, мониторинг, қарор қабул қилиш жараёнларининг ошкоралиги, шунингдек назорат қилувчи органларнинг бир-бирига мослиги билан ажралиб туради.

§1.3. Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини бошқариш ва амалга ошириш борасида хориж тажрибаси

Францияда давлат-хусусий шериклик орқали автомобил транспорти инфратузилмасини ривожлантириш бўйича ҳаракатлар тахминан 50 йил олдин концессия шартномаларини жорий этиш билан бошланган. Кейинги ўн йил ичида автомобил йўлларининг умумий узунлиги саккиз баравар ошди ва ушбу йўлларнинг 67% концессия шартномалари асосида қурилди. Ҳозирда Францияда 10 000 км дан ортиқ йўллар бор ва уларнинг 70% дан ортиғи ушбу

³⁵ <https://lex.uz/docs/4798603>

концессия шартномалари орқали яқунланган. 2004 йилда "рақобат мулоқоти" концепциясининг жорий этилиши ушбу ташаббуслар муваффақиятининг муҳим омили бўлди. Ушбу концепция хусусий инвесторлар ва давлат иштирокчилари ўртасида йирик инвестиция лойиҳалари бўйича ҳамкорлик қилиш имконини беради, бу иккала томонга ҳам ўз манфаатларини билдириш ва биргаликда ечим топиш имконини беради. Бундан ташқари, Европа суди эркин савдо ва рақобатни ривожлантириш, давлат корхоналари монополиясини камайтириш учун мавжуд тизимга тузатишлар киритди. Францияда давлат-хусусий шерикликнинг турли шакллари мавжуд бўлиб, уларнинг иккита асосий тури шартномавий ва институционал ҳисобланади. Шартнома жиҳати концессия шартномалари билан мисол бўла олади, бу эрда инфратузилма лойиҳалари бўйича ишлар ва хизматларни бажариш ҳуқуқи турли томонларга берилади. Тарихий жиҳатдан инфратузилмани молиялаштиришда давлат ва хусусий шериклар томонидан қўшилган капиталнинг нисбати давлат сектори фойдасига ўзгариб, катта маблағ талаб қиладиган йирик лойиҳаларни амалга оширишга имкон берди. Институционал шакл давлат ва хусусий шериклар томонидан ташкил этилган қўшма хўжалик юритувчи субъектни ташкил этишни ўз ичига олади.

2008-йилдаги Жаҳон иқтисодий инқирози бир қатор инвестицияларини тўхтатиб қўйди, аммо шунга қарамасдан йирик француз банк институтлари йирик лойиҳаларни молиялаштиришда рискларни ўз зиммаларига олган ҳолда молиялаштиришда давом этди. Бундан ташқари, Франция Сенати ДХШ механизмини янада шакллантириш ва жозибадор қилиш учун турли таклифлар билан чиқишди. Давлат томонидан ДХШ шартномасини қўллаб-қувватлашнинг бундай чоралари қаторига солиқ имтиёзлари, банк имтиёзли кредитлари ҳамда минимал бюрократик тартиб-қоидаларини мисол қилиб олишимиз мумкин.

Буюк Британия биринчилардан бўлиб, ДХШ механизмдан фойдаланишга эришди: XX асрнинг 90 йилларидан бошлаб, ҳукумат ва бизнес ўртасидаги яқин ҳамкорликни рағбатлантиришга қаратилган биринчи

комплекс дастур бўлган “Хусусий молия ташаббуси” - (The Private Finance Initiative, PFI) дастури ишга туширилди³⁶.

“Хусусий молия ташаббуси»нинг моҳияти қуйидагичаа намоён бўлади: хусусий сектор давлат хизматларини тақдим қилиш ва кўрсатиш ишларини молиялаштиради, оқилона ва адолатлилик нуқтаи назаридан, бу хизматлар ва ишлар истеъмолчилар томонидан эмас, балки давлат томонидан тўланади.

Хусусий Молия ташаббусининг (ПФИ) моҳияти шундан иборатки, хусусий сектор давлат хизматларини кўрсатишни молиялаштиради. Мухими, ушбу хизматлар истеъмолчилар томонидан эмас, балки давлат томонидан тўланади, бу рационаллик ва адолат мувозанатини таъкидлайди. Ушбу хизматлар ва иншоотлар жамоат жойлари, шифохоналар, мактаблар ва магистрал йўлларни ёритишни ўз ичига олиши мумкин. Шу сабабли, “Хусусий молия ташаббуси” “яширин концессия” деб ҳам аталади, чунки харажатлар якуний фойдаланувчилар томонидан фақат билвосита: давлат аппарати орқали тўланади³⁷.

“Хусусий молия ташаббуси” концепцияси Буюк Британияда 20 йилдан бери ишлайди ва давлат лойиҳаларини молиялаштиришни жалб қилиш учун мўлжалланган турли хил процедура ва схемаларни ўз ичига олади. Шу вақтгача, ДХШга қулай шарт шароит яратиш учун ушбу ХМТга бир неча бор ўзгартиришлар киритилди ва қайта кўриб чиқилди, ва бу орқали хусусий сектор учун шартлар мамлакатдаги иқтисодий вазиятга мос равишда ўзгартириб келинди. Бугунги кунга келиб, концепция яна қайта кўриб чиқилди ва янги концепциянинг вазифалари белгилаб олинди. Ушбу лойиҳалар уларнинг тузилишини акс эттирувчи стандарт шакллар орқали хужжатлаштирилади. ХМТ билан боғлиқ асосий вазифаларга қўшимча қарз маблағларини жалб қилиш, инвестициялар учун қулай шарт-шароитларни яратиш, қулай инвестиция муҳитини ривожлантириш, институционал инвесторлар ҳавзасини кенгайтириш ва пухта тузилган шартномалар орқали

³⁶ Peters J.G, Pierre J. Governance Politics and the State (Political Analysis). – N.Y., 2000.

³⁷ Daniel F.R. Quality Infrastructure: Ensuring Sustainable Economic Growth the Center for Strategic and International Studies (CSIS). January 2017, p 4.

хавфларни камайтириш киради. Янги концепциядан кўзланган асосий вазифа лойиҳа харажатлари самарадорлигини ошириш, молиялаштириш манбаларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, риск ва фойда ўртасидаги мувозанатни таъминлашдан иборатдир.

Жаҳон тажрибасидан яна бири бу Буюк Британияда қуриб битказилган М-6 пуллик автомобиль йўли ҳисобланади ва бу Буюк Британия тарихидаги енг муваффақиятли лойиҳалардан биридир. Унинг пуллик магистраль узунлиги 43кмни ташкил қилади. Ушбу лойиҳада хусусий шерик сифатида қатнашган корхона Австралияда рўйхатдан ўтган хорижий компания еди. Йўл 2001-йилдан 2003-йилгача бўлган муддат оралиғида уч йилдан кам бўлган муддат давомида қуриб битказилди. Шартнома бўйича бошқариш ва хизмат муддати хусусий шерик учун 2054-йилга мўлжалланган еди. Лойиҳанинг умумий қиймати 900 миллион фунтни ташкил этди ва лойиҳа иш бошланганидан 15 йил ўтиб фойдага эришиши кутилган, яъни бу 2018-2019 йилларга тўғри келади.

Буюк Британияда, муваффақиятли ДХШ нафақат янги лойиҳаларда кузатишимиз мумкин, балки мавжуд лойиҳани қайта ДХШ орқали бошлаш орқали ушбу лойиҳа сметаси 4,5 миллион фунт стерлингдан 6,2 миллион фунтгача ошганига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Ушбу лойиҳа Темза дарёси остида туннель қуриб битказиш, 67км узунликдаги йўлнинг реконструкция қилиш ва 220км узунликдаги М-25 йўлидан фойдаланишни ўз ичига олган. Бунда давлат-хусусий шериклик 30 йил муддатга концессия шаклида шартнома имзоланган. Сметанинг қайта кўриб чиқиш жараёнида мавжуд лойиҳа мукаммаллаштирилди ва унга турли хил ўзгартиришлар киритиш орқали смета қиймати ошишига эришилди.

Яна бир йирик ДХШ лойиҳаларидан бири бу Буюк Британия ва Францияни боғлайдиган темир йўлидир. Бу Ла-Маншдаги 108км узунликдаги туннель бўлиб, қиймати 46,5 миллион фунт стерлинг туради. Бу лойиҳа техник жиҳатдан мураккаб лойиҳа ҳисобланади ва ундан кўзланган мақсад икки давлат ўртасидаги алоқани соддалаштиришдир. Икки мамлакат

ўртасида аҳолининг кунлик миграцияси бўйича барча ҳисоб-китоблар ҳисоблаб чиқилганда, лойиҳа муваффақиятли деб топилди. Бироқ лойиҳа бажарилганидан кейин, инвестицияларнинг даромадлилиги кутилганидан 2 баравар кам бўлиб чиқди ва бунга сабаб эса кейинчалик турли хил авиакомпаниялар ва паром корхоналаридан таклиф этилган арзон нархлар сабаб бўлди.

Буюк Британияда ДХШ тизимининг аҳамияти давлат ёки унинг органлари фаолиятини чеклайдиган шартномаларни самарали яратиш учун тегишли қонунчиликни қайта кўриб чиқиш талаб этади. 1997 йилда "Маҳаллий ҳокимият органлари учун шартномалар тўғрисидаги қонун" қабул қилинди ва муниципалитетларга ДХШ лойиҳаларини бевосита амалга ошириш ваколатини берди. Натижада, давлат муассасалари ҳам, хусусий компаниялар ҳам Буюк Британиянинг ДХШ тизими учун масъул бўлган молия вазирлигининг ваколатли бўлимлари ва бошқа ихтисослаштирилган муассасалар томонидан ишлаб чиқилган намунавий лойиҳалардан фойдаланадилар³⁸.

Ҳозирги вақтда ХМТ дастури доирасида давлат буюртмаларини бажариш мажбуриятига бюртмачига, яъни давлат секторига қурилиш харажатларини мустақил қоплаш ва тайёр объектларни буюртмачига ижарага беришни ўз ичига олади.

“Хусусий молия ташаббуси” жараёнлари ривожланиши ва стандартлашишини марказлашган мувофиқлаштирилиши учун Буюк Британия молия вазирлиги ҳузурида мақсадли ишчи гуруҳ шакллантирилган. Оқибатда 2000 йилда “Хусусий молия ташаббуси” иштирокчиларининг маслаҳат қўмаги билан намунавий шартномаларни ишлаб чиқиш ва баъзи лойиҳаларни қисман молиялаштиришни таъминловчи Partnerships UK (PUK) хизматини яратишга қарор қилинди.

³⁸ О системе государственно-частного партнерства в Великобритании [Электронный ресурс] // Интернет-портал «Государственно-частное партнерство в России». 2009 году.

Дастлабки жараёнда у молия вазирлиги таркибида ДХШ бўйича ишчи гуруҳ вазифасини бажарган, кейинчалик эса бу ташкилот кўшма давлат-хусусий тузулмага айлантирилган бўлиб, унинг 51 %и хусусий сектор субъектларига тегишлидир. 2011 йилда “Partnerships UK” тугатилди ва унинг ўрнига Буюк Британиянинг узок муддатли инфратузилма эҳтиёжлари бўйича ҳукуматга маслаҳат берувчи ҳамда муҳим лойиҳалар ва дастурларга эксперт кўмагини кўрсатувчи Ғазначилик бўлими – Infrastructure UK (IUK) ташкил этилди. PFI дастури давлатга солиқ тўловчи маблағларидан фойдаланмасдан янги объектларни қуриш имконини беради, бу молиявий нуқтаи назардан нафақат иқтисодий, балки ички сиёсий тавсифдаги муайян афзалликка эга.

Шунингдек, бунда пудратчи лойиҳалаш ва қурилиш ишларини молиялаштириш учун ажратилган маблағлар қолдиғини ушлаб қолиш ҳуқуқига ҳам эга бўлиши муҳим ҳисобланади. Бинобарин, PFI лойиҳани реализация қилишда ресурслардан самарали фойдаланишни рағбатлантиради. PFI лойиҳасини қоплашнинг минимал муддатига хусусий инвесторларнинг қизиқиши сабабли лойиҳани тезроқ реализация қилиш имконини беради. Ҳозирги вақтда «Хусусий молия ташаббуси» халқаро ташкилотлар ЖСТ, ХВФ, Жаҳон банки томонидан қўлланилади ва кўпчилик ривожланган мамлакатларда (Австралия, Ирландия, Канада, Нидерландия, Норвегия, Португалия, АҚШ, Сингапур, Франция, Чехия, Япония) қўлланилади. International Financial Services London (2010 йилда City UK таркибига кирган агентлик) ҳисоб-китобларига кўра, умумий қиймати 66,0 миллиард фунт стерлингдан ортиқ бўлган 930 га яқин ДХШ яратилган. Буюк Британия Молия вазирлигининг маълумотларига кўра, ДХШ шартномаларидан фойдаланган ҳолда 800 дан ортиқ мактаб, 70 касалхона, 45 та транспорт лойиҳаси қурилган³⁹. Шунга қарамасдан, кейинги йилларда ДХШ ахборот технологиялари ҳамда уй-жой фондини бошқариш соҳаларида етарли эмаслигини кўрсатмоқда.

³⁹ О системе государственно-частного партнерства в Великобритании [Электронный ресурс] // Интернет-портал «Государственно-частное партнерство в России». 2009 году.

1.8-жадвалдаги таҳлилий маълумотларининг миқдорий жиҳатдан таққосланишига назар ташласак, ривожланган мамлакатларда соғлиқни сақлашга йўналтирилган лойиҳалар сони бошқа тармоқларга нисбатан устунлик қилади. Шунингдек, Буюк Британия ва Германияда таълимга қаратилган лойиҳалар сони ҳам юқори кўрсаткичга эга.

1.8-жадвал

Ривожланган “Қатта еттилик” мамлакатларда ДХШ лойиҳаларидан фойдаланиш бўйича асосий кўрсаткичлар

Давлатлар	Хизмат кўрсатиш соҳасида ДХШ лойиҳаларини реализация қилиш										Жами
	Автомобиллар	Соғлиқни сақлаш	Таълим	Кўприклар ва тунеллар	Аэропортлар	Ёнғил метро	Темир йўллар	УЖКХ	Ўқиндиларни қайта ишлаш	Ижтимоий уйлари	
АҚШ	32			2		1			19		34
Буюк Британия	12	123	113			9	3			22	301
Германия	10	3	24				1	1			39
Италия	23	32		5		12	1		4		77
Канада	10	14	1	3		1	1				30
Франция	5	12		3		2	1				23
Япония								1			1
Жами	92	184	138	13	0	25	7	23	23	22	505

Бирлашган Миллатлар ташкилоти таснифига кўра, биз турли мамлакатларнинг тажрибаларини уларнинг иқтисодий ривожланиш даражасига қараб кўриб чиқамиз. Буларга Австрия, Белгия ва Дания каби юқори иқтисодий ривожланган мамлакатлар киради; ўртача ривожланган капиталистик иқтисодиётга эга бўлган Австралия каби янги саноат мамлакати; ва Ирландия, Финляндия, Испания, Португалия ва Грецияни ўз ичига олган ўртача ривожланган мамлакатлар. Бундан ташқари, биз Жанубий Корея ва Сингапур каби йирик саноат, молиявий, илмий ва техник марказлар сифатида пайдо бўлган мамлакатларни кўриб чиқамиз.

1.9-жадвалда келтирилган мамлакатларда ДХШни фаолият соҳалари бўйича тақсимланиши келтирилган бўлиб, унда йўл хўжалиги устунликка эга. Мазкур мамлакатлар учун ДХШ лойиҳаларини қўллашнинг тўртта асосий йўналиши, яъни лойиҳалар сонини камайиб бориши бўйича: йўллар (90 та лойиҳа); соғлиқни сақлаш тизими (28 та лойиҳа); таълим тизими (17 та лойиҳа); Енгил поезд (19 та лойиҳа) жадвалда келтирилган. Хорижий тажрибалар бўйича ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, ривожланган мамлакатларда ДХШ лойиҳалари кўпроқ ижтимоий соҳага, ривожланаётган мамлакатларда кўпроқ реал иқтисодиёт секторларига йўналтирилмоқда.

1.9-жадвал

БМТ таснивига кўра ривожланган мамлакатларда ДХШ лойиҳаларидан фойдаланиш бўйича асосий кўрсаткичлар⁴⁰

Давлатлар	Хизмат кўрсатиш соҳасида ДХШ лойиҳаларини реализация қилиш										Жами
	Автойўллар	Соғлиқни сақлаш	Таълим	Кўприклар ва тунеллар	Аэропортилар	Енгил поезд	Темир йўллар	УЖКХ	Чикиндиларни қайта ишлаш	Ижтимоий уйлар	
Австрия	2	1	1	4							8
Австралия	2	6		1	1	1	4	2			17
Белгия	1				1		3	2		1	8
Греция	7	3				2	1	1			14
Ирландия	10		11		1				5	1	28
Норвегия	3	1									4
Португалия	17	4				2					23
Испания	40	11	1	2	3	13	1		2	1	74
ЖАР	4	1	2	1			2		1	1	12
Голландия	3	1	1	1		1	2		2		11
Жами	90	28	17	10	7	20	13	5	10	4	204

⁴⁰ Утемурадова Г. Х. Хизмат кўрсатиш соҳасида давлат ва бизнес ўртасида шериклик муносабатлари ривожланишининг хориж тажрибаси “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” (economics and innovative technologies) илмий электрон журнал

Юқоридаги мамлакатларда иқтисодий ривожланишнинг юқори суръатларини сақлаб қолиш ва кўллаб-қувватлаш учун транспорт инфратузилмасини такомиллаштириш бўйича мувофиқ савийи-ҳаракатлар зарур ҳисобланади. Таҳлилий маълумотларга кўра, автомобил йўллари, кўприклар, туннеллар, аэропортлар ва енгил темир йўл тизимлари каби инфратузилма лойиҳаларини амалга оширилиши кўп учрамоқда.

Россия Федерациясида ДХШ механизмини самарали бошқариш тизимининг муҳим таркибий қисмлари, шунингдек уларни минтақавий даражада давлат бошқарувида амалга ошириш бўйича тавсиялар аниқланган (5-илова).

Россия Федерациясида ДХШ механизмининг давлат сиёсатини амалга ошириш ва уни минтақавий ҳуқуқий ҳужжатларда белгилаш ваколатига эга бўлган органни жорий этиш ва унинг функцияларини белгилаш зарурияти инвестиция лойиҳаларини ДХШ механизми орқали амалга оширишда муҳимдир⁴¹.

2016 йил 1 январгача Россия Федерациясида инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун давлат-хусусий шериклик (ДХШ) бўйича ваколатли орган мавжуд эмас эди. Бироқ, “Россия Федерациясида давлат-хусусий шериклик ва муниципал-хусусий шериклик тўғрисида”ги 2015 йил 13 июлда қабул қилинган 224-ДҚ давлат Қонунига биноан ҳар бир минтақада ваколатли орган ташкил этилди. Ушбу органларнинг ваколатлари минтақавий ва маҳаллий даражада очиқ белгиланади. Масалан: - Москва вилоятида масъул орган Москва шаҳрининг иқтисодий сиёсат ва ривожланиш бошқармаси ҳисобланади. - Самара вилоятида бу иқтисодий ривожланиш, инвестициялар ва савдо вазирлиги. - Санкт-Петербургда тегишли орган Санкт-Петербург инвестиция кўмитаси ҳисобланади. - Новосибирск вилоятида Новосибирск вилояти иқтисодий ривожланиш вазирлиги ваколатли орган бўлиб хизмат қилади.

⁴¹ Guseva, M.S. Razvitie partnerstva gosudarstva i malogo biznesa v innovacionnoj sfere regiona / M.S. Guseva, D.V. Amel'kina, E.O. Dmitrieva // Jekonomicheskie i social'nye peremeny: fakty, tendencii, prognoz. – 2016. – № 6. – S. 288-307.

Россия Федерациясининг таъсис субъектларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ДХШ бошқаруви доирасида минтақавий ваколатли органнинг ваколатларини белгилайди. Шу билан бирга, ваколатли орган ёки ривожланиш институти зиммасига “ягона дарча” функциясини юкланган, ундан кўзланган асосий мақсад – ДХШ механизмида ўзаро ҳамкорлик қилиш тартиб-қоидаларини содда кўринишга келтириш ва потенциал инвесторларни жалб қилишдир.

Қуйидаги мисоллар орқали Россия Федерациясида инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда ДХШ механизми бўйича давлат сиёсатини амалга ошириш учун ваколатли органнинг ташкил этилиши ва унинг функцияларини аниқлаштириш жараёни акс эттирилган:

Ленинград ҳукумати томонидан 2012 йил 10 октябрда 313-сонли “Ленинград вилоятида давлат-хусусий шериклик (ДХШ) билан боғлиқ давлат сиёсатини амалга ошириш ваколати тўғрисида” қабул қилинган қарорга биноан, Россия Федерациясида ушбу сиёсат учун масъул бўлган тайинланган орган ташкил этилди.

Худди шундай, Самара вилоятида 2013-йил 19 сентябрдаги 493- сон “Самара вилояти давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш чоратadbирлари тўғрисида”ги қарорига⁴² биноан давлат-хусусий шериклик сиёсатини амалга оширишга ваколатли орган Самара вилоят Иқтисодий ривожланиш, савдо ва инвестициялар вазирлиги этиб белгилаб берилди.

Ушбу органга ДХШ лойиҳалари билан боғлиқ механизмларни бошқариш учун олий ижроия ҳокимияти ҳузурида идоралараро маслаҳат гуруҳини яратиш вазифаси юклатилган. Унинг вазифаларига давлат сиёсатини шакллантириш ва ДХШ доирасида икки томонлама шартномалар тузиш, шунингдек лойиҳа таклифларини экспертизадан ўтказиш ва баҳолаш киради. Ушбу ташкилотнинг асосий вазифаларидан бири ДХШ механизми орқали ишлаб чиқилган тергов лойиҳаларини бошлаш ва кейинчалик

⁴² Postanovlenie Samarskoj oblasti ot 19 sentjabrja 2013 goda № 493 «O merah po razvitiju gosudarstvenno-chastnogo partnerstva na territorii Samarskoj oblasti» - URL: http://www.samregion.ru/documents/government_resolution/08.12.2013/skip/121/57938/?blind=1

уларнинг белгиланган шартномаларга мувофиқ бажарилишини назорат қилишдир.

“Россия Федерацияси субъектини ривожлантириш институти фаолияти концепцияси” тўғрисида ҳужжат. ДХШ бу давлат сиёсатининг мустақил объекти ҳисобланмайди, балки бу ташкилот давлат инфратузилмасини ривожлантириш воситаларидан бири бўлиб хизмат қилади.

Шу билан бирга, қуйидаги тавсиялар таклиф этилмоқда:

1. Мақсадларни белгилаш жараёнида турли ҳужжатларида ДХШ механизмларини ҳисобга олиниши ва бунга қаратилган чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш, жумладан:

- ижтимоий-иқтисодий ривожланиш мақсадли ҳужжатларда ДХШ интеграцияси;

- Давлат-хусусий шериклигини (ДХШ) ривожлантириш ва амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда мавжуд ёки мақсадли ҳужжатларга ўзгартириш ва тузатишлар киритиш.

- ДХШ механизмларидан фойдаланган ҳолда тегишли ташкилот учун инвестиция стратегиясини ишлаб чиқиш устида ишлаш ёки давлат-хусусий шериклик механизмларини (масалан, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегияси ёки амалга ошириш режаси) ривожлантириш учун алоҳида концепция яратиш.

2. Давлат ва муниципал дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда ДХШ механизмларини, шу жумладан концессия механизмларини ҳисобга олган ҳолда ушбу ташаббусларга мос келадиган бир қатор чора-тадбирларни амалга ошириш учун тизимли ёндашувни яратиш зарур.

Ушбу комплекс чора-тадбирларга қуйидагилар киради:

- Давлат ёки шаҳар дастурлари ва бошқа режалаштириш ёки дастурий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга мувофиқ ДХШ механизмларини босқичма-босқич қўллашнинг мақсадга мувофиқлиги ва мақсадга мувофиқлигини баҳолаш ва созлаш;

- инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш маълум бир усул ва

шакл сифатида ДХШни мавжуд ва тузатилган режалаштириш ва дастурий хужжатларга интеграциялаш жараёнидир.

Давлат ва хусусий шерикликдан фақат хусусий мулкдорлар (инвесторлар ва тадбиркорлар) эмас, балки давлат ҳам, аҳоли ҳам манфаатдордир. Хусусан, инвесторлар ўзларининг маблағини инвестиция қилиб, тегишли фойда олишга эришса, тадбиркорлар ўзларининг тадбиркорлик фаолияти эвазига фойда оладилар. Давлатнинг манфаатдорлиги, бевосита аҳоли манфаатдорлиги билан қўшилиб кетади.

Биринчидан, янги иш ўринлари яратилиб, бандлик масалаларининг ўзгаришига олиб келади. Иккинчидан, олинган даромадлар солиқлар ва давлат бюджетига бошқа мажбурий тўловларнинг пасайишига олиб келади.

Учинчидан, бевосита оқибати сифатида ишсизларни иш билан таъминлаш орқали қашшоқлик камаяди, бу эса ўз навбатида аҳолининг умумий фаровонлигини ошириш учун имконият яратади.

1.10- жадвал

Қитъаларнинг 2040-йилгача инфратузилмага ажратадиган инвестициялар динамикаси, трлн. долларда⁴³

Минтақалар	2018	2025	2030	2035	2040
Дунё бўйича	2,6	2,9	3,2	3,5	3,7
<i>Шундан:</i>					
Осиё	1,5	1,7	1,9	2,1	2,3
Шимолий ва Жанубий Америка	0,5	0,5	0,6	0,6	0,6
Европа	0,5	0,5	0,5	0,6	0,6
Африка	0,1	0,2	0,2	0,2	0,2

Жаҳонда аҳоли турмуш фаровонлигини аниқловчи инфратузилма объектларини бунёд қилиш, уларни сақлаб туришга қилинадиган харажатларга ҳар йили катта миқдордаги маблағлар сарфланади. Бундай сарф-харажатлар муқаррар ҳисобланади. Таҳлилий статистик маълумотлар ва

⁴³ Манба: Global Infrastructure Hub, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти ва Жаҳон банкининг маълумотлар базаси

истикбол кўрсаткичларига назар ташласак, жаҳондаги мамлакатлар айнан шау соҳага катта эътибор бериб келмоқда (қаранги 1.10-жадвал).

Маълумки, жаҳонда, хусусан, ривожланган мамлакатларда инфратузилмага инвестициялар хусусий сектор ҳамкорлигида амалга оширилади. Хусусан, Дунёда 2018 йилда инфратузилма объектларига инвестициялар 2,6 триллион долларни ташкил этган. Мазкур кўрсаткичнинг истикбол параметраларига назар солсак, 2040 йилга бориб 42,0 %га ошиши ва 3,7 триллион долларга етиши кутилмоқда (қаранг 1.11-жадвал).

1.11-жадвал

Дунё давлатларининг 2040-йилгача инфратузилмага ажратадиган инвестициялар динамикаси, трлн. долларда⁴⁴

Давлатлар	АҚШ	Бразилия	Буюк Британия	ЖАР	Россия	Хиндистон	Хитой	Япония
2018	302	53	57	10	39	117	826	139
2030	350	62	68	12	43	165	1104	152
2040	390	68	77	13	48	206	1342	160

Осиёдаги асосий етакчи давлат, шубҳасиз, Хитой хисобланади. Айни пайтда мамлакатда инфратузилмага АҚШ билан таққослаганда Хитой 2,7 баробар кўп маблағ сарфланмоқда. Бу кўрсаткич 2040 йилга бориб орадаги фарқ 3,4 марта кенгайиши кутилмоқда.

Жаҳондаги давлатлар инфратузилмасининг асосий тармоқларида 2,6 трлн. АҚШ доллари миқдорида инвестициялар ажратилган бўлса, улардан 49,6 %и (1292,8 млрд. АҚШ доллари) бевосита транспорт тармоғига йўналтирилган. Шу билан бирга, энергетика, ахборот-коммуникациялари тармоқлари ва сув таъминоти тизимига мувофиқ ҳолда 32,6 %, 10,5 % ва 7,2 %ини ёки 1312,7 млрд. АҚШ долларини ташкил қилмоқда. Ривожланган ва ривожланаётган давлатларда инфратузилма бозорларини ўрганувчи The Global

⁴⁴ Манба: Global Infrastructure Hub, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти ва Жаҳон банкининг маълумотлар базаси

Infrastructure Hub ташкилоти томонидан ўтказилган тадқиқотларга кўра, 2030 йилда инфратузилма объектларига инвестициялар ҳажми 2018 йилга нисбатан 26,0 %га ёки 3,3 трлн. АҚШ доллари ҳажмида малағлар йўналтирилиши айtilган. Бу кўрсаткич 2040 йилда 3,813 трлн. АҚШ долларига етиши прогноз қилинмоқда (қаранг 1.12-жадвал).

1.12-жадвал

Инфраструктуранинг асосий тармоқларига инвестициялар ҳажми, млрд. долларда

Инфраструктура тармоқлари	2018 й.	Жамига нисбатан %да	2030 й.	2040 й.
Транспорт соҳасига	1292,8	49,6	1664,2	1943,7
Энергетика	850,3	32,6	1060,5	1232,8
Ахборот-коммуникация соҳасига	273,6	10,5	319,1	359,2
Сув ва сув таъминоти	188,8	7,2	236,4	277,1
Жами:	2605,5	100	3280,2	3812,8

Юқори сифатли инфратузилмага сармоя киритиш иш ўринларини яратишга ижобий таъсир кўрсатади ва солиққа тортиладиган даромадни оширади, бу эса мамлакатда сезиларли иқтисодий ўсишга олиб келади. Ушбу жараёнлар илгари эътироф этилмади, аммо Осиё тараққиёт банки тадқиқот институти (ADB) каби ташкилотлар сифат инфратузилмаси яратиш орқали эришиладиган ижобий натижаларни аниқлаш учун тадқиқот иши олиб бордилар. Ўзбекистонда Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон темир йўл линиясининг очилиш лойиҳаси натижасида ҳудуд учун ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръати 2 фоизга, саноатда 5 фоиз, хизматлар соҳасида 7 фоиз кўрсаткични ташкил қилди⁴⁵.

Биринчи боб бўйича хулоса

Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини бошқаришнинг илмий, назарий ва ҳуқуқий асосларини таҳлил қилиш қуйидаги хулосаларга олиб келди:

⁴⁵ Элмирзаев С.Э., Шавкатов Н.Ш. Давлат-хусусий шериклик муносабатларининг илғор хориж тажрибалари ва мамлакатимизда қўллаш истикболлари “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. № 3, июнь, 2019.

1. Давлат-хусусий шериклик механизми давлат инфратузилмаси лойиҳаларига хусусий инвестицияларни жалб қилиш усулидир. Ушбу механизмда давлат ва хусусий шериклар ўзаро келишилган шартнома асосида узок муддатли ёки қисқа муддатли бўлсин, лойиҳада ҳамкорлик қиладилар. Бу орқали нафақат инфратузилма объектини барпо этишда шартнома томонлари шериклик қилади, балки уни кейинчалик фойдаланиш ҳамда бошқа ҳуқуқларда ҳам ўзаро ҳамкорликни давом эттиришни мақсад қилади.

2. Ўзбекистонда давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш ва бошқариш механизмнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари тизимли асосга эга. Шу муносабат билан давлат-хусусий шериклик асосида лойиҳаларни амалга ошириш, давлат томонидан ушбу турдаги лойиҳаларни амалга ошириш ва бошқаришни рағбатлантириш, хусусий соҳага оид муносабатларни ҳуқуқий томондан тартибга солиш, давлат-хусусий сектор ҳамкорлигини қўллаб-қувватлаш тизимини шакллантириш каби чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

3. Хорижий тажрибани ўрганиш натижасида шу аниқландики, масалан, Францияда ДХШ ёрдамида автомобиль транспорти инфратузилмасини ривожлантириш 50 йил олдин бошланган ва концессия шартномалари муҳим роль ўйнаган. 2004 йилда "рақобатбардош мулоқот" концепциясининг жорий этилиши Францияда ДХШ муваффақиятининг калити бўлиб хусусий инвесторлар ва давлат ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантирди. Буюк Британияда М-6 йўллари ва бошқа лойиҳалар ДХШнинг муваффақиятини намойиш этади. 20 йилдан бери фаолият юритиб келаётган "Хусусий молия ташаббуси" (ХМТ) хусусий секторни жалб қилиш, хавфларни камайтириш ва самарадорликни ошириш учун қулай шароит яратадиган ислоҳотларни амалга оширди. Россияда давлат-хусусий шериклик (ДХШ) тизими 2015 йилда 224-ФЗ федерал қонунини қабул қилиб, ДХШ лойиҳаларини бошқариш учун минтақавий ҳокимиятларни ўрнатди.

II-БОБ. ЎЗБЕКИСТОН ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИГИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТАҲЛИЛИ

§2.1. Давлат-хусусий шериклигини тартибга солишнинг ҳуқуқий асослари

Бугунги кунда мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш жараёнларида Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 10 майдаги “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги ЎРҚ-537-сон қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 октябрдаги “Давлат-хусусий шерикликни ривожлантиришнинг ҳуқуқий ва институционал базасини яратиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3980-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 30 августдаги “Ўзбекистон Республикасида 2024-2030 йилларда давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-308-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 13 декабрдаги “Ўзбекистон республикаси молия вазирлиги ҳузуридаги давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 1009-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 26 апрелдаги “Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги 259-сон қарори ва кейинги йилларда қабул қилинган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мамлакат иқтисодиётида ДХШ фаолиятини янада ривожлантириш, уларнинг мустақиллигини таъминлаш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган.

Ушбу қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мамлакат иқтисодиётида давлат-хусусий шериклик (ДХШ) бўйича давлат сиёсатини амалга ошириш учун мўлжалланган. Улар ДХШ билан боғлиқ давлат

дастурларини ишлаб чиқиш ва ижро этишда ҳал қилувчи рол ўйнайди, ДХШ лойиҳаларини тайёрлаш ва амалга оширишда идоралараро мувофиқлаштиришга кўмаклашади, вазирликлар, идоралар ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларига ушбу соҳадаги давлат дастурларини бажаришда ёрдам беради.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасида олий таълимни тизимли ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларини белгилаш, мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, олий таълимни модернизация қилиш, илғор таълим технологияларига асосланган ҳолда ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларини ривожлантиришга йўналтирилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон Фармонининг қабул қилиниши ҳам шулар жумласидандир.

Президентнинг 2024 йил 30 августдаги “Ўзбекистон Республикасида 2024–2030 йилларда давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-308-сон қарори “Ўзбекистон-2030” стратегиясига мувофиқ ва Давлат-хусусий шериклик (ДХШ) лойиҳалари учун камида 30 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги хусусий инвестицияларни жалб этиш мақсадига эришиш учун қуйидаги ташаббуслар маъқулланди:

- 2024 йилдан 2026 йилгача устувор ДХШ лойиҳаларини амалга ошириш чора-тадбирлари.

- 2024 йилдан 2030 йилгача ДХШ орқали амалга ошириладиган лойиҳалар дастури.

Бунда қуйидагиларни амалга ошириш режалаштирилмоқда:

2026 йилдан бошлаб дастур бўйича яъни 400 000 дан ортиқ талабаларни сифдира оладиган замонавий таълим муассасаларини, шунингдек, 300 000 дан ортиқ ўқувчиларга мўлжалланган мактабгача таълим муассасаларини ташкил этиш белгиланган. Ушбу дастур ҳар йили давлат-хусусий шериклик

тамойилларига риоя қилган ҳолда камида 100 та мактаб ва 100 та мактабгача таълим муассасаларини қуриш ва бошқаришга қаратилган. Ушбу ташаббус Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида 2024–2030 йилларда давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида” ги қарорида баён этилган.

Давлат-хусусий шериклик механизми, айниқса ривожланаётган мамлакатларда муҳим аҳамият касб этади. Ушбу тушунча давлат идораларининг ташкилий тузилмалари ва бозор инфратузилмасига чуқур кириб бормоқда. Жумладан, Ўзбекистонда ҳам давлат-хусусий шериклик асосида ривожланаётган тармоқ ва тармоқлар сони ортиб бормоқда, бу борадаги Қонунчилик босқичма-босқич такомиллаштирилмоқда.

Олий таълим тизимини ривожлантиришни бошқаришнинг ташкилий ва иқтисодий механизмларини ўрганиш жараёнида таълим соҳасида давлат-

хусусий шериклик асосида ўрнатилган қонунларни мувофиқлаштириш, саноатни ривожлантириш стратегиясини амалга ошириш билан бирга, хусусий бизнес учун кенг имкониятлар яратмоқда.

Жаҳон иқтисодиётида таълим хизматлари соҳаси етакчи йўналишлардан бири бўлиб ҳисобланади ва шу соҳага оид бўлган йўналишларни турли хилдаги дастаклар билан қўллаб-қувватлаш имкониятлари яратилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сонли “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони чиқди. Ушбу ташаббус олий таълим соҳасида давлат-хусусий шерикликни кучайтиришнинг бир қисмидир. Мақсад ҳудудлардаги давлат ва нодавлат таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш даражасини 50 фоизга ошириш ва соҳада соғлом рақобат муҳитини шакллантиришдан иборат.

Таълим тизимига ишлаб чиқилган режаларни такомиллаштиришда 2030 йилгача бўлган мақсадли устувор йўналишларга алоҳида эътиборни қаратиш лозим. Қабул қилинган устувор мақсадли дастурлар, айниқса, инсон капиталини ривожлантиришга йўналтирилган инвестициялар орқали фойда ва сезиларли таъсир кўрсатадиган таълим фаолиятига устувор аҳамият беради.

Ўзбекистон Республикаси прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти томонидан олиб борилган тадқиқотларга кўра, 2030 йилга мўлжалланган устувор йўналишларда тавсия этилган модел асосида таълимга таъсир этувчи эттита асосий омил аниқланди⁵⁴.

Бу омилларга:

Биринчидан, таълим соҳасидаги чора-тадбирлар аввало олий таълим билан қамраб олиш даражасини 50 фоизгача етказишни кўзда тутати.

Иккинчидан, таълимни давлат томонидан молиялаштиришнинг қисқаришига йўл қўймаслик учун мамлакатимизда ёшларнинг юқори даромадли давлатларникига нисбатан юқори улушини (42,2 фоиз) ва ҳар бир

⁵⁴ <https://daryo.uz/k/2022/12/30/> Ўзбекистонда таълим соҳасининг бугунги ҳолати таҳлил қилинди

талаба учун нисбатан кам харажатни ҳисобга олиш керак, бу умумий харажатларнинг атиги 8,3 фоизини ташкил қилади.

Учинчидан, демографик ўзгаришлар ва аҳолининг олий таълим билан камраб олиниши ортиши каби талаб омиллари бюджетга таъсир ўтказди ва таълим соҳасидаги харажатларнинг ошишига олиб келади. Мақсадли устувор йўналиш - умумий харажатларда таълим учун жами давлат харажатларини 55 фоизгача (ёки ЯИМнинг 6,8 фоизгача) бўлган даражада сақлаш ва хусусий секторни жалб қилиш, рағбатлантириш орқали умумий таълим харажатларининг ўсишини таъминлаш.

Тўртинчидан, инновацияларни жорий этиш ва инфратузилмаларни такомиллаштиришнинг харакатлантирувчи омили сифатида илмий-техникавий йўналишларда олий ўқув юртлири битирувчиларининг улушини ошириш муҳимлигини ҳисобга олиш керак.

Бу ўртача ўқиш йилларини оширмайди, балки Инновациялар индекси ва Умумий билимлар тизими индексини қўшимча 0,103 пунктга (0,475 дан 0,578 гача) оширади.

2.22- жадвал

2030 йилгача таълим соҳасида мақсадли кўрсаткичлар⁵⁵

Олий таълим муассасаларига қабул қилиш 50%	Таълим олишнинг ўртача муддати 8,2 йил	Knowledge Society	
		Умумий билимлар тизими индекси 0,49	Инновация индекси 0,22 (0,17)

Бешинчидан, таълим тизимида гендер тенглигини устувор йўналишга айлантириш керак. Олий таълим тизимидаги гендер паритети асосий сценарий бўйича 2021–2030 йиллар оралиғида 0,75 дан 0,93 га ошади.

Олтинчидан, Ўзбекистонда давлат бошқаруви сифатини ошириш орқали 2030 йилга бориб, таълим сифатини ошириш натижасида олий таълим муассасалари битирувчиларининг улуши 80 фоизга етади.

⁵⁵ Жаҳон банкининг жаҳон тараққиёти кўрсаткичлари (WDI) маълумотлар базаси

Еттинчидан, олий таълим сифатини назорат қилишнинг олий маълумотли битирувчилар улушига бевосита таъсири бор (давлат бошқаруви самарадорлиги кўрсаткичи бўйича 0,89дан 2030 йилгача 1,3 гача).

Амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг барқарор ривожланиш мақсадлари кўрсаткичларига таъсири шуни кўрсатадики, 2030 йилгача таълим даражасини оширишда (бошланғичдан олий таълимгача) сезиларли ижобий ўзгаришларга эришилади ва Ўзбекистон даромади ўртачадан юқори бўлган мамлакатлар даражасига етади.

2.23-жадвал

2030 йилгача таълимга таъсир қилувчи асосий кўрсаткичлар ва сценарий кўрсаткичлари⁵⁶

Таълимга таъсир қилувчи асосий кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Ўзбекистон		Даромади ўртачадан юқори бўлган мамлакатлар	
		2021 йил	2030 йил	2021 йил	2030 йил
Олий таълим муассалари билан қамраб олиш даражаси	мос келувчи ёшдаги болалар улуши,%	25	50	54	61
Давлат томонидан таълимга ажратилаётган олий таълимнинг улуши	%	0,08	0,17	0,42	0,44
ОТМ талабаси учун кетадиган харажат	ЯИМнинг аҳоли жон бошига улушига нисбатан, % да	74,7	75,9	57,0	62,3
Техник йўналишдаги битирувчилар улуши	%	27,7	27,3	21,5	22,2
Олий таълимда гендер тенглиги индекси	1=тенглик	0,75	0,93	1,16	1,17
Давлат бошқаруви сифати	1-4 индекси	0,9	1,3	2,3	2,5

Натижада, олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича белгиланган кўрсаткичларни 50-60 фоизга ошириш таълим олиш давомийлигини 8,2 йилгача (UNICEF 15+) кўпайтиради ва умумий билимлар

⁵⁶Ўзбекистон Республикаси Прогнозлаштириш ва макроиктисодий тадқиқотлар институтининг маълумотлар базаси.

тизими индексининг 1,5 баравар, инновациялар индексининг эса 2 баравар ошишига олиб келади⁵⁷.

Бугунги кунда мамлакатимизда юксак интеллектуал салоҳиятга эга авлодни тарбиялаш, аҳоли фаровонлигини ошириш орқали барқарор иқтисодий ўсишга эришиш зарур. Бу инновацион маҳсулотларни кўпайтириш имкониятларидан фойдаланиш ва давлат-хусусий шериклик тизимидан фойдаланиш орқали мамлакатнинг илм-фан ва технология соҳасини янада ривожлантиришни ўз ичига олади.

Бундан ташқари, 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси доирасида олий таълим қамровини 50 фоизгача кенгайтириш ва таълим сифатини ошириш бўйича стратегик режалар қабул қилинди. Асосий мақсадлардан бири давлат-хусусий шериклик орқали 100 000 га яқин ётоқларни таъминлайдиган талабалар турар жойларини қуриш учун этарли молиялаштириш механизмларини яратишдир.

2022 йилда давлат-хусусий шериклик лойиҳаларига жами сармоялар 4,5 миллиард долларга этди, 212 та лойиҳа амалга оширилди.


2023 йилда дунёнинг 44 мамлакат таълимни ривожлантириш учун давлат-хусусий шериклик тизимидан фойдаланган ҳолда 154 та шартнома имзоланди ва бу тахминан 36 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

Ўзбекистон Республикасида давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 14 сентябрдаги “Ўзбекистонда давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини ишлаб чиқиш жамғармасини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-307-сон қарори белгилаб берган. Давлат-хусусий шериклик ташаббусларини сифатли ривожлантириш ва самарали амалга оширишда ҳам хорижий, ҳам маҳаллий маслаҳатчилар, шунингдек, консалтинг компаниялари муҳим рол ўйнайди. Бундан ташқари, 2023 йилнинг 14 сентябрида “Ўзбекистонда давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини ишлаб чиқиш жамғармасини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-307-сон қарори Ўзбекистонда

⁵⁷ <https://daryo.uz/k/2022/12/30/> Ўзбекистонда таълим соҳасининг бугунги ҳолати таҳлил қилинди

давлат-хусусий шерикликни ривожлантиришни кўллаб-қувватлашга қаратилган фондни ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилган.

Ўзбекистон Республикасида олий таълим тизимида давлат-хусусий шериклик ролини ошириш бўйича лойиҳаларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Буни қуйидаги расм орқали кўриш мумкин (қаранг 2.16-расм).



2.16-расм. ДХШ лойиҳаларини амалга ошириш тартиби⁵⁸

Бу жамғармани ЕТТБ томонидан жалб этиладиган 10 млн евро миқдоридаги грант ва ЕТТБ томонидан Ўзбекистон Республикасига тақдим этиладиган 10 млн евро миқдоридаги кредит маблағлари ҳисобидан шакллантирилди.

Жамғарма қуйидаги тадбирларни молиялаштиришни кўзда тутуди яъни лойиҳаларнинг концепциясини ишлаб чиқиш, молиявий модел, лойиҳани баҳолаш, тендер ҳужжатлари ва ДХШ шартномаларини тузиш учун маслаҳатчилар ва консалтинг фирмаларини жалб қилиш, тендер жараёнларини ташкил этиш ва бошқариш, лойиҳаларда иштирок этадиган маҳаллий мутахассисларни тайёрлаш ва ДХШ секторини ривожлантириш билан боғлиқ ҳар қандай бошқа тадбирлар ўз ичига олади.

Тендер - бу давлат харидини амалга оширишнинг рақобатли тартиб-таомили воситасида давлат харидларининг ижрочисини аниқлаш тартиб-

⁵⁸ <https://www.pppda.uz> - сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

таомилини назарда тутувчи танлов бўлиб, унинг натижаларига кўра давлат харидлари тўғрисидаги шартномани бажаришнинг энг яхши шартларини таклиф этган харид қилиш тартиб-таомилларининг иштирокчиси ғолиб деб топилади⁵⁹.

“Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги Қонуннинг 17-моддасига кўра, қизиқиш билдирган талаб ва таклифлар келиб тушганда, давлат шериги хусусий шерикни аниқлаш бўйича тендер ўтказади. Ушбу жараён лойиҳанинг хусусий ташаббускори ва тегишли учинчи шахсларнинг иштирокини ўз ичига олади.

Тендер натижалари бўйича аниқланган тендер ғолиби ёки заҳирадаги ғолиб билан ДХШ тўғрисидаги битим имзоланади ва лойиҳани амалга ошириш бошланади.

Бугунги кунда давлат-хусусий шериклик лойиҳалари давлат ва хусусий сектор ўртасида самарали ҳамкорликни, инфратузилмани ривожлантириш ва давлат хизматлари сифатини оширишга қаратилган. Республикада турли соҳаларда имзоланган ДХХ лойиҳаларининг таҳлили шуни кўрсатадики, коммунал хизматлар, транспорт, таълим, солиқ, маданият, агросаноат, бандлик, соғлиқни сақлаш ва экология соҳаларида кўплаб ташаббуслар йўлга қўйилган. Таъкидлаш жоизки, таълим соҳасидаги 91 та ДХШ лойиҳаси умумий қиймати 146,7 млн ташкил қилган.

ДХШ асосидаги истиқболли лойиҳалардан таълим соҳасида ДХШ қонунчилиги асосида 4 та ДХШ лойиҳаларини куриш ва лойиҳани амал қилиш муддати 10-30 йил, лойиҳаларнинг қиймат жами суммаси 380 млн АҚШ долларини ташкил қиладиган лойиҳалар амал қилмоқда⁶⁰.

Матнда қонуний расмийлаштирилган шартнома муносабатлари орқали давлат ва бизнес тузилмалари ўртасидаги муносабатларнинг асосий жиҳатлари кўрсатилган. Ҳамкорлик қуйидагилар билан тавсифланади:

⁵⁹ Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги ЎРҚ-684-сон Қонуни.

⁶⁰ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони.

- қарор қабул қилишда мослашувчанликни таклиф қиладиган ихтиёрийлик.

- ўзаро манфаатдорликнинг асосий принципи, иккала томон ҳам шерикликдан фойда олишларини таъминлайди.

- умумий мажбуриятлар, мажбуриятлар, хатарлар ва ресурсларни тақсимлашни ўз ичига олган лойиҳани амалга оширишда максимал самарадорликка эришишга эътибор.

- узоқ муддатли лойиҳа, бу шериклик узоқ вақт давом этиши учун мўлжалланганлигини кўрсатади.

- муҳим аҳамиятга эга бўлган ижтимоий масалаларни ҳал қилиш мажбурияти.

6-иловада келтирилган маълумотларга кўра, сўнгги йилларда мамлакат сув саноатида амалга оширилаётган давлат-хусусий шериклик (ДХШ) сони сезиларли даражада ўсди ва 306 та лойиҳа яқунланди, бу ўтган йилга нисбатан 546 фоизга ўсди дегани. Ижтимоий соҳада давлат-хусусий шериклиги асосида амалга оширилган лойиҳалар сони 198 тани ташкил қилиб, бу олдинги йилларда бу соҳада ДХШ лойиҳалар амалга оширилмаганлигини гувоҳи бўлди. Таълим соҳасида эса давлат-хусусий шериклиги асосида амалга оширилган лойиҳалар сони жами 4 йил ичида 87 тани ташкил этади. Ўтган йилга нисбатан бу соҳада ДХШ асосида амалга оширилган лойиҳалар сони 75,7% ни ташкил қилганлигини кўриш мумкин. Иқтисодиётнинг бошқа тармоқ ва соҳаларига нисбатан бу соҳада ДХШ бўйича лойиҳаларни амалга оширишда 3 ўринни эгаллаган. Аммо, ўтган йилга нисбатан бу кўрсаткич бўйича 14 та кам лойиҳа амалга оширилганлигини ва бу соҳада давлат-хусусий шериклиги асосида лойиҳаларни амалга оширишда муаммолари борлигини кўрсатмоқда. Давлатимиз томонидан олий таълим билан қамровни кенгайтириш, олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишга қаратилган қатор ислохотлар олиб борилиб, бунда олий таълим соҳасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш,

худудларда давлат ванодавлат олий таълим муассасалари, шунингдек инвестицияларни жалб қилган ҳолда нуфузли хорижий олий таълим муассасалари филиаллари фаолиятини ташкил этиш орқали олий таълимда рақобат муҳитини яратишга алоҳида эътибор қаратиб келаётган бир вақтда олий таълим соҳасида ДХШ асосида амалга оширилган лойиҳалар сонини таҳлил қилиш зарурати пайдо бўлди.

2.24-жадвал

Ўзбекистонда 2020-2023 йилларда олий таълим соҳасида давлат-хусусий шериклик асосида амалга оширилган лойиҳалар сони⁶¹

	2020 йил		2021 йил		2022 йил		2023 йил		Жами		2024 йил	
	ЛС	ЛҚ	ЛС	ЛҚ	ЛС	ЛҚ	ЛС	ЛҚ	ЛС	ЛҚ	ЛС	ЛҚ
Ўзбекистон Республикаси	-	-	-	-	32	819844	22	628205	54	1448109	31	996641
Қорақалпоғистон республикаси	-	-	-	-	2	24028	2	32906	4	56934	5	158489
Андижон	-	-	-	-	6	156163	3	103994	9	260156	3	84710
Бухоро	-	-	-	-	-	-	2	52800	2	52800	1	34143
Жиззах	-	-	-	-	1	37010	2	33324	3	70334	1	30349
Қашқадарё	-	-	-	-	2	26174	2	50415	4	76589		
Навоий	-	-	-	-	-	-	1	25208	1	25208	1	30459
Наманган	-	-	-	-	3	102358	-	-	3	102358	2	55793
Самарқанд	-	-	-	-	4	88517	5	162717	9	251234	5	139373
Сирдарё	-	-	-	-	2	69790	-	-	2	69790	1	30476
Тошкент вилояти	-	-	-	-	1	2100	2	51947	3	54047	1	28599
Фарғона	-	-	-	-	5	155600	1	3960	6	159560	5	127193
Хоразм	-	-	-	-	1	20987	-	-	1	20987	1	15483
Сурхондарё	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	2	60842
Тошкент шаҳри	-	-	-	-	5	137118	2	110993	7	248111	3	200832

Изоҳ: ЛС-лойиҳа сони, ЛҚ-лойиҳа қиймати, млн.сўм.

Юқоридаги 2.24-жадвал маълумотларидан шуни кўриш мумкинки, Ўзбекистонда 2020-2021 йилларда олий таълим соҳасида давлат-хусусий шериклик асосида лойиҳалар амалга.

Ўзбекистонда 2020-2021 йилларда давлат-хусусий шерикликка асосланган олий таълим лойиҳалари амалга оширилмаганлигини кўришимиз мумкин, яъни бу қуйидаги 2.24-жадвал маълумотларида кўрсатилган. 2022-2023 йилларда давлат-хусусий шериклик асосида лойиҳалар сони ўтган йилга нисбатан 10 та (191639 млн.сўмлик) кам лойиҳа амалга оширилган. Бу лойиҳани 10 тага кам бажарилганлигини таҳлил қилиш учун республика ОТМ

⁶¹ <https://www.pppda.uz> - сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

ларида давлат-хусусий шериклиги асосида лойиҳаларни амалга ошириш ҳолати таҳлил қилинди. Бунда, 2023 йилда 2022 йилга нисбатан Андижон вилоятида 50 %, Фарғона вилоятида 17 %, Тошкент шаҳрида 33% давлат-хусусий шериклиги асосида лойиҳалар амалга оширилганлиги аниқланди.

Олий таълимда давлат-хусусий шериклик асосида амалга ошириладиган лойиҳаларга эътибор қаратиш ва улардан тендер тадбирларида самарали фойдаланиш зарур.

Давлат-хусусий шерикликка асосланган олий таълим соҳасидаги лойиҳалар бўйича тендерларни ташкил этиш жараёнига қуйидагилар киради:

- тендер ўтказилиши тўғрисидаги эълонда кўрсатилган ахборот;
- шартнома баҳосини ва ижрочилар билан ҳисоб-китобларни шакллантириш учун фойдаланиладиган валюта ҳамда тўлов тартиби ҳақидаги ахборот;
- тендерда иштирок этиш учун таклифни давлат тилида ва заруриятга қараб, бошқа тилларда тайёрлаш мажбурийлиги тўғрисидаги талаб;
- тендер иштирокчиси таклифининг техник ва нархга оид қисми, уларни баҳолаш тартиби ҳақидаги ахборот;
- тендер иштирокчиларига тендер бўйича харид қилиш ҳужжатлари қодаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тартиби, тақдим этиш муддати бошланадиган ва тугайдиган сана;
- техник топшириқ;
- ушбу Қонунга мувофиқ тендер иштирокчиларининг таклифларини баҳолаш мезонлари ва кўриб чиқиш тартиби;
- тендер иштирокчилари томонидан коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича аризани тақдим этиш мажбурийлиги ҳақидаги талаб⁶².

Олий таълим тизимида бугунги кунда ДХШ асосида амалга ошириладиган лойиҳалардан бири талабалар турар жойи бўйича ўтказилиши

⁶² Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида” ги ЎРҚ 684-сон Қонуни

керак бўлган тендерлардир. Мисол сифатида, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети 1 000 ўринга мўлжалланган 84102,0 млн. сўм қиймати ташкил қиладиган талабалар турар жойи биносини қуриш ва фаолиятини ташкил этишни келтириб ўтиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021-йил 9 сентябрь куни 563-сонли қарорида Республика бўйлаб олий таълим муассасаларида талабалар турар жойини кенгайтириш чора-тадбирлари белгилаб берилди. Бу Ўзбекистон Республикасининг “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги Қонуни ва Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 26 апрелдаги 259-сонли “Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорлари билан амалга оширилади. Мазкур қарорда талабалар турар жойларини давлат-хусусий шериклик асосида хусусий инвестицияларни жалб қилиш орқали барпо этиш белгиланган. Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетига хусусий ташаббускор "Shengli House" МЧЖнинг ташаббусига оид ушбу лойиҳанинг концепцияси ишлаб чиқилган ва ушбу лойиҳада Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети (0,3 гектар) худудида 1 000 ўринга мўлжалланган талабалар турар жойи биносини қуриш ва фаолиятини ташкил этиш режалаштирилган.

Лойиҳа юзасидан хусусий шерикни танлаш Ўзбекистон Республикасининг “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 26 апрелдаги 259-сонли “Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори талабларига биноан амалга оширилади.

Хусусий шериклар учун тендер ташкил этишда ёки олий таълим тизимида давлат-хусусий шериклик мувозанатини оширишда унинг ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олиш зарур. Бунга таълим сифатини ошириш ва таълим дастурлари ва стандартларини ишлаб чиқишга қаратилган инфратузилмани қуриш, реконструкция қилиш ва техник хизмат кўрсатиш мумкин.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида ёшлар учун таълим имкониятларини яратишга катта эътибор қаратилмоқда. Ҳар йили ёшларимизни қўллаб-қувватлаш учун турли меъёрий ҳужжатлар мослаштирилмоқда. Натижада ёшларнинг олий таълимдаги иштироки муттасил ошиб бормоқда, талабалар сони йил сайин жадал ўсиб бормоқда (7-илова). Бакалаврият ва магистратуранинг барча шаклларидаги талабалар сони тўғрисидаги маълумотлар 7 ва 8-иловаларда келтирилган.

2023-2024 йилларда ҳудудларда талабалар сонининг ўсиш динамикасида энг юқори ўсиш Тошкент шаҳри, Бухоро ва Самарқанд вилоятларида кузатилаётганини кўрсатади. Бу эса, ўз навбатида, талабалар учун арзон уй-жой ва ётоқхона муаммосини келтириб чиқармоқда.

Олий таълим тизимини молиявий қўллаб-қувватлашнинг ҳақиқий воситаларидан бири бу давлат-хусусий шериклик, янги маблағларни жалб қилиш, бюджет юқини камайтириш, илмий тадқиқотлар ўтказиш, қўшимча кафолатлар олиш ва умумий хавфларни камайтиришдир. Замонавий воқеликда олий таълим тизимида давлат-хусусий шериклик таълим муассасалари фаолияти, молиялаштирилиши ва таълим хизматлари сифатини оширишнинг муҳим элементларидан бири сифатида қаралиши керак. Хорижий тажриба шуни кўрсатадики, самарали восита сифатида давлат-хусусий шериклик бюджет маблағлари чекланганлиги сабабли ижтимоий инфратузилма, коммунал хизматлар ва транспорт каби соҳаларда инвестиция лойиҳалари ва жамоат молларини молиялаштириш учун хусусий капитални жалб қилиш имконини беради.

Ўзбекистон олий таълим муассасаларида 2023-2024 ўқув йилида доимий яшовчи аҳоли сонига нисбатан ўз уйида яшовчи талабалар салмоғи келтирилган. 9-иловадаги жадвалдан кўришимиз мумкинки доимий яшовчи аҳоли сонига нисбатан Тошкент шаҳрида (12,02%), Сирдарё вилояти (5,32%), Навоий вилояти (3,57%), Бухоро вилояти (1,99%), Наманган вилояти (1,41%) энг юқорири кўрсаткичга эга минтақалар кесимида ўз уйида яшайдиган талабалар сонига тўғри келмоқда. Изланиш натижалари

шуни кўрсатадики Ўзбекистон Республикасида аҳоли сонига нисбатан (1,94%) талаба ўз уйдан туриб таҳсил олмоқда. 10-иловадаги жадвалда Ўзбекистон олий таълим муассасаларида 2023-2024 ўқув йилида доимий яшовчи аҳоли сонига талабалар турар жойида яшовчи талабалар салмоғи изланишлар натижасида муаллиф томонидан тузилган маълумотни кўриш мумкин.

Олий таълимда давлат-хусусий шерикликни ривожлантиришда тендер танловларидан самарали фойдаланилмоқда. Умид қиламизки, айтиб ўтилган масалалар ўз ечимларини топади. Бунда, таълим тизимида рақобат муҳити кучаяди ва таълим тизими сифатини оширишга эришилади.

2.25-жадвал

Ўзбекистон олий таълим муассасаларида 2023-2024 ўқув йилида таълим олаётган талабаларнинг яшаш жойига эҳтиёжи⁶³ (фоизда)

Минтақалар	Ижара уйида	Қариндошларнинг уйида	Танишлар и уйида	Ижара Уйида
				Қариндошларнинг уйида танишлари уйида
Ўзбекистон Респ .	14,6%	1,9%	0,3%	16,8%
Қорқалпоғистон Респ .	19,2%	6,2%	0,3%	25,6%
Андижон вилоятида	10,5%	1,1%	0,2%	11,8%
Бухоро вилоятида	15,2%	2,0%	0,3%	17,4%
Фарғона вилоятида	13,6%	1,3%	0,2%	15,2%
Жиззах вилоятида	19,6%	2,9%	0,4%	22,8%
Наманган вилоятида	14,5%	1,1%	0,2%	15,9%
Навоий вилоятида	23,6%	2,4%	0,4%	26,4%
Қашқадарё вилоятида	18,2%	2,2%	0,3%	20,8%
Самарқанд вилоятида	21,4%	2,1%	0,3%	23,8%
Сирдарё вилоятида	13,3%	2,1%	0,4%	15,9%
Сурхондарё вилоятида	22,0%	2,2%	0,3%	24,5%
Тошкент шаҳри	2,2%	0,6%	0,1%	2,9%
Тошкент вилоятида	7,2%	1,1%	0,2%	8,5%
Хоразм вилоятида	11,9%	1,4%	0,2%	13,5%

Тадқиқот натижасида биз талаба ёшларимиз учун ТТЖларни куришнинг асосий муаммоларини белгилаб бердик ҳамда норматив-ҳуқуқий базани, турли инвестиция манбаларини жалб қилиш механизмини, замонавий

⁶³ Изланишлар натижасида муаллиф томонидан тузилди.

стандартларга жавоб берадиган ТТЖни ривожлантириш зарурлигини асослаб бердик.

Иккинчи боб бўйича хулосалар

Ўзбекистон олий таълим тизимида давлат-хусусий шериклик алоқаларини ташкил этиш таҳлил қилиниб, қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Мамлакатимизда давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш тартибини такомиллаштиришга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинмоқда. ДХШ асосида олий таълимни ривожлантириш тизимида салмоқли ўзгаришлар юз бермоқда. Хусусан, таълим тизимида соғлом рақобат муҳитини ривожлантиришга қаратилган ягона йўл бу - хусусий секторнинг таълим тизимидаги ҳиссасини оширишдир. Университетлар хусусий секторнинг таълим тизимида қўшган ҳиссасини ошириш орқали рақобат муҳитини ривожлантиришга қаратилган стратегик мақсадларга эришишда ҳал қилувчи рол ўйнайди.

2. Статистик маълумотларга кўра, мамлакатимизда 2023 йилдаги таҳсил оладиган жами талабалар сонидан 47,6 % ТТЖ га эҳтиёжи мавжуд. Шундан 31 % талабалар турар жойларида яшовчи талабалар, 14,6 % ижара уйида яшовчи талабалар, 2 % қариндошларнинг уйида яшовчи талабалар ташкил қилади. ТТЖ га бўлган эҳтиёжини вилоятлар кесимида ўрганишлар давомида шуни гувоҳи бўлдики, энг юқори кўрсаткичларга эга бўлган 3 та вилоят Тошкент шаҳри, Самарқанд ва Бухоро вилоятларини ташкил қилади. Худудларда ТТЖга эҳтиёжи тўлиқ қондирилмаганлигини олий таълим тизимида ДХШ ни тартибга солишга оид қонунчиликни ривожлантириш орқали мамлакатда таълим тизимида рақобат муҳитини яратиш имкони пайдо бўлади.

3. Республикаимизнинг 14 та худудидан SEM-модел воситасида таҳлил қилинди, унга кўра, ОТМда ДХШ қийматидаги ҳар бир бирлик ўсиши учун кундузги бакалавр талабаларининг 0,386 бирликка, кечки бакалавр 0,036 бирликка, турар жой 0,055 бирликка, ўз уйида 0,117 бирликка, кечки 0,001 бирликка ошиши кутилмоқда. Шунингдек, ОТМ ДХШ қийматининг ҳар бир

бирлик ўсиши учун қариндош 0,003 бирликка, ижара 0,007 бирликка камайиши кутилмоқда.

4. Бугунги кунда ДХШ асосидаги истиқболли лойиҳалардан таълим соҳасида ДХШ қонунчилиги асосида 4 та ДХШ лойиҳаларини қуриш ва лойиҳани амал қилиш муддати 10-30 йил, лойиҳаларнинг қиймат жами суммаси 380 млн АҚШ долларини ташкил қиладиган лойиҳалар амал қилмоқда. Бу эса ўз навбатида, олий таълим соҳасида ДХШ асосида амалга ошириладиган лойиҳаларнинг тендерларини ташкил қилиш тартибини янада такомиллаштиришни талаб этади.

III-BOB. ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК ЛОЙИҲАЛАРИНИ БОШҚАРИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

§3.1. Давлат-хусусий шериклигини ташкил этишда хорижий тажрибани жорий этиш

Дунё бўйлаб тажриба шуни кўрсатадики, мамлакатнинг ривожланиши ёки инқирози кўпинча унинг таълим тизимига берилган эътибор билан бошланади. Олий ўқув юртлири бозор иқтисодиёти шароитида давлат ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишда тобора муҳим рол ўйнамоқда. Ушбу тизимнинг самарадорлиги ижтимоий тараққиётнинг асосий манбаи ҳисобланади, чунки бу ерда билимлар тарқатилади ва ваколатлар ривожланади. Самарали олий таълим тизими жамият учун илғор ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъминлаши аниқ белгиланган. Ушбу тизимнинг асосий йўналишлари:

- Инсон капиталини шакллантиришга ёрдам берадиган таълим ва тарбия.
- Илмий тадқиқотлар, экспериментал лойиҳалаш ишлари ва инновациялар.
- Ахборот ва компьютер технологиялари.

Билимга асосланган иқтисодиёт деб ҳам аталадиган билимлар иқтисодиёти ривожланишнинг олдинги босқичларидан фарқ қилишини англатади. Энди уни ташқи эмас, балки ички, номоддий омиллар бошқаради, билим ва инсон капитали ҳал қилувчи рол ўйнайди. Глобаллашув иқтисодий ўсиш ва миллатнинг интеллектуал ва таълим салоҳиятини ошириш учун муҳим манбалар сифатида билим ва ахборот технологияларига таянадиган рақамли иқтисодиётни яратишни таъкидлайди. Бинобарин, олий таълим тизимини ривожлантириш стратегик аҳамиятга эга ва юқори рақобатбардошликни таъминлашнинг асосий воситасидир. Билим тобора кўпроқ капиталнинг асосий шаклига айланар экан, унинг ижтимоий ривожланишдаги роли сезиларли даражада ўзгариб, олий таълим соҳасининг замонавий жамиятдаги таъсирини ўзгартиради. Албатта, турли мамлакатлар

гурухлари ва алоҳида давлатларда ижтимоий тузилмадаги таълим тизимини тавсифловчи муҳим ўзига хослик мавжуд. Бироқ, янги ахборот цивилизациясининг пайдо бўлиши барча мамлакатларга турли даражада таъсир кўрсатади, олий таълим соҳасини жамият ҳаётининг марказига суради, жамиятнинг барча асосий элементлари билан чамбарчас боғлиқ бўлишига олиб келади. Олий таълим тобора кўпроқ иқтисодиёт ва жамиятнинг янги сифатини ривожлантиришнинг асосий омили сифатида қаралмоқда. Унинг роли инсон капитали таъсирининг кучайиши билан бирга доимий равишда ошиб бормоқда.

Замонавий шароитда давлатимиз таълим тизимининг жаҳон таълим тизимига жадал интеграциялашуви амалга оширилмоқда. Доимий такомиллашиб бораётган шароитларда, юқори рақобат ва ўзгарувчан иқтисодий ҳаёт шароитида олий таълимнинг тизимли ўрни бор. Таълим мамлакатни инновацион такомиллаштириш ва инсон капиталини шакллантиришда катта аҳамиятга эга. Бинобарин, Олий таълимни такомиллаштириш даражаси, ўқув юр்தларини молиялаштириш миқдори, илмий тадқиқотлар, янги технологиялар ва мамлакатни такомиллаштириш даражаси ўртасида бевосита боғлиқлик мавжуд. Шу боис, таълим соҳасини молиялаштиришга ёндашув ўзгармоқда, янги бюджетдан ташқари манбалар изланмоқда.

Маълумки, мамлакатимиз олий таълим тизимини молиялаштиришнинг асосий манбаи бюджет маблағларидир. Шу сабабли олий таълим тизимини давлат-хусусий шериклик асосида ташкиллаштириш бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида ўз аҳамиятини касб этмоқда. Олий таълимда рақобатчилик муҳити яратиш орқали тизим самарадорлигига эришилади. Дунё амалиётга назар солсак, давлат-хусусий шериклигини иқтисодиётга жалб қилиш имкониятлар кенг эканлигини кўриш мумкин. Бир қатор мамлакатларда давлат-хусусий шерикликнинг хусусиятларини ўрганиш ва мамлакат иқтисодиётига қўллашга қаратилган халқаро институтлар мавжуд. Буларга:

давлат-хусусий шерикликни экспертиза қилиш Европа маркази (European PPP Expertise Centre)⁶⁴;

АҚШ давлат-хусусий шериклик бўйича миллий кенгаши (The National Council for Public-Private Partnerships)⁶⁵.

Бундан ташқари, халқаро миқёсда ҳам алоҳида ҳудудлар даражасида ҳам тадбиркорликни ривожлантириш муаммолари билан шуғулланадиган кўплаб ривожланиш институтлари мавжуд. Улар ДХШни ривожлантириш муаммоларига ҳам катта эътибор беришади. Қуйида халқаро ривожланиш институтларининг энг йириклари келтирилган:

- Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки (IBRD);
- Европа тикланиш ва тараққиёт банки (EBRD);
- Ислон ривожланиш банки (IsDB);
- Халқаро ассоциация ривожланиши (IDA) ва бошқалар.

Бозор иқтисодиётига эга мамлакатларнинг аксариятида ўз миллий иқтисодиётидан келиб чиқиб, ўзларининг ривожланиш институтларини яратади:

Буларга:

- Ҳиндистон саноат тараққиёт банки (IDBI);
- Хитой тараққиёт банки (CDB);
- Германия тараққиёт банки (KfW);
- Халқаро хусусий инвестиция корпорацияси (OPIC) ва бошқалар.

ДХШ лойиҳаларини амалга оширишнинг халқаро амалиёти шуни кўрсатадики, улар энг кўп қўлланиладиган асосий йўналишлар қуйидагилардир:

- транспорт инфратузилмаси;
- уй-жой коммунал хўжалиги соҳаси;
- экологик объектлар;
- кўчмас мулк объектларини, шу жумладан уй-жой фондини, давлат ва

⁶⁴ URL: <http://www.eib.org/epec/>

⁶⁵ URL: <http://www.ncppp.org/>.

ижтимоий инфратузлмани қуриш ва сақлаш;

- жамоа тартибини муҳофаза қилиш соҳасида давлат хизматларини ташкил этиш;

- алоқа, шу жумладан телекоммуникация инфратузилмасини яратиш ва истеъмолчиларга хизматлар кўрсатиш;

- таълим, шу жумладан мактабларни қуриш ва таъмирлаш, зарур коммуникациялар билан жиҳозлаш, шунингдек қўшма таълим лойиҳаларида иштирок этиш;

- соғлиқни сақлаш соҳасига янги технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиши.

Хулоса қилиб айтганда, жаҳон амалиётида ДХШ лойиҳаларини амалга оширишнинг 3 та асосий йўналиши мавжуд:

- таълим соҳаси;
- соғлиқни сақлаш соҳаси;
- йўл қурилиши соҳаси.

Давлат-хусусий шериклигига хорижий тажриба шуни кўрсатадики, юқорида айтиб ўтилганидек, давлат-хусусий шериклик давлат хизматларини кўрсатишнинг истиқболли ва самарали стратегияси сифатида дунё миқёсида тан олинганлигидан далолат беради. Мамлакат иқтисодиётида ДХШнинг ривожланиши, айниқса жаҳон амалиётида келтирилган ДХШ лойиҳаларини амалга оширишнинг 3 та асосий йўналишларидан бири ҳисобланган таълим тизими унинг келажакдаги тақдири кўп жиҳатдан иштирокчилар ўз олдига қўйган мақсадларининг ҳақиқатига, прогнозларнинг тўғрилигига ва давлатнинг бундай механизмларини ишлаб чиқиш хошишига боғлиқдир.

Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини муваффақиятли амалга ошириш учун аниқ кўрсатмаларни, хусусан, мамлакатда давлат-хусусий шериклик учун Қонунчилик асосларини яратишни ва ҳукумат ва бизнес сектори ўртасида ҳамкорлик тизимини ривожлантиришни тақозо этади.

Олий таълим тизимида Давлат-хусусий шериклик алоқаларини ривожлантириш, хусусан, олий таълимга жалб қилинган талабалар сонини

ўрганиш таҳлил учун қимматли тушунчалар беради. Бундан ташқари, ушбу талабаларнинг яшаш шароитларини ўрганиш диссертация ишининг мазмунини янада оширади.

Жаҳон иқтисодиётида рўй бераётган ўзгаришлар глобаллашув ва капиталнинг халқаролашуви тенденциялари билан бир қаторда ривожланишнинг постиндустриал босқичи билан боғлиқ. Ушбу омиллар ишлаб чиқариш фаолияти ва ижтимоий инфратузилмалардаги номуносивбликларга олиб келади, бу эса кўпайиш ва ишлаб чиқаришнинг замонавий эҳтиёжларини қондириши керак. Бошқа мамлакатларнинг далиллари шуни кўрсатадики, давлат ва бизнес ўртасидаги ҳамкорлик муносабатлари иқтисодий ўсишга ижобий таъсир қилади ва таркибий лойиҳалар ва янги технологияларни амалга оширишга ёрдам беради. Бинобарин, давлат-хусусий шериклик инфратузилма лойиҳаларини, ишлаб чиқариш секторини, илмий тадқиқотларни ва бошқаларни қўллаб-қувватлаш учун қўшимча молиявий ресурсларни жалб қилиши мумкин.

2010 йилдан 2015 йилгача Европа Иттифоқи мамлакатларида давлат-хусусий шериклик орқали молиялаштириладиган лойиҳалар сони 112 дан 49 тага тушиб, деярли 2,5 баравар камайди. Шу билан бирга, молиялаштириш ҳажми атиги 15 фоизга, 18,3 миллиард евродан 15,6 миллиард еврогача қисқарди. Европа мамлакатларида давлат-хусусий шерикликнинг нотекис ривожланаётгани диққатга сазовордир. Юқори даража Давлат-хусусий шерикликнинг ривожланиши Германия, Франция, Буюк Британия, Испания ва Италияда бир-биридан фарқ қилади. Бельгия ва Греция шу каби дастурларни шакллантиришнинг дастлабки босқичида⁶⁶.

Давлат-хусусий шериклик лойиҳалари, маҳаллий амалиётларни ҳисобга олган ҳолда, уларни ишлаб чиқиш босқичида шакллантириш билан боғлиқ ривожланиш босқичи асносида тавсифланади. 2019 йилда концессия шартномалари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига уларни тайёрлаш ва тузиш

⁶⁶Семенова Н. Н., Эрмошина Т. В. Давлат-хусусий шериклик механизми асосида инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш // Россия тадбиркорлиги. – 2017. – Т. 18. – Но 10. – Б. 1567-1578.

тартиби бўйича ҳам муҳим ўзгартиришлар киритилиб, инвесторлар учун кўшимча кафолатлар берилди, хусусий концессия ташаббуси институти жорий этилди. Давлат-хусусий ва муниципал-хусусий шериклик лойиҳаларининг ўсиши кўп жиҳатдан ижтимоий ва ижтимоий-иқтисодий эҳтиёжларнинг устуворлиги билан боғлиқ. Ушбу шериклик одатда коммунал хизматлар, транспорт, ижтимоий хизматлар ва энергетика соҳаларида учрайди.

Сўнгги пайтларда соғлиқни сақлаш ва таълим соҳасидаги лойиҳалар кўпайиб, туризм ва маданиятга эътибор кучаймоқда. Жисмоний тарбия ва спорт ижтимоий хизматларни кўрсатишга қаратилган давлат-хусусий шериклик доирасидаги камроқ лойиҳаларни ифодаласа-да, мутахассислар уларни хусусий инвесторлар учун истиқболли имкониятлар деб билишади.

Олий таълимдаги давлат-хусусий шериклик умумий мақсадларга эришиш учун биргаликда ишлайдиган давлат таълим муассасалари ва тадбиркорлик субъектларининг ўзаро манфаатлари билан тавсифланади.

Таъкидлаш жоизки, XX-аср охиридан бошлаб таълим хизматлари бозорида жаҳон етакчиси бўлган кўплаб хорижий мамлакатларда давлат-хусусий шериклик, биринчи навбатда, таълим инфратузилмасида фаол қўлланилмоқда. Хусусий корхоналар учун мавжуд ресурслар ва кўникмалардан фойдаланиш олий ўқув юртларининг мулкларини бошқаришни такомиллаштириш билан бирга расмий харидлар тартибига бўлган ишончни камайтиради. Ушбу такомиллаштириш хусусий секторга юқори сифатли кўллаб-қувватлаш хизматларини тақдим этиш имконини беради. Бундан ташқари, давлат-хусусий шериклик орқали кўшма таълим лойиҳаларини амалга ошириш таълим муассасаларининг моддий-техник инфратузилмасини мустаҳкамлашга, ихтисослашган мутахассисларни тайёрлашга ёрдам беради ва тижорат ташкилотлари томонидан маблағ ажратилади.

Олий таълим тизими давлат стандартлари билан тартибга солинадиган ва академик тармоқлар томонидан амалга ошириладиган дастурларни ўз

ичига олади. У назорат ва бошқарув органлари назорати остида фаолият юритадиган мустақил институтлардан иборат.

Конституцияда ҳар бир шахснинг жинси, ирқи, миллати, тили, келиб чиқиши, мулки, ижтимоий ёки расмий мавқеи, яшаш жойи, диний эътиқоди, эътиқоди, жамоат бирлашмаларига аъзолиги ёки бошқа ҳолатлардан қатъи назар, ҳар бир инсоннинг таълим олиш ҳуқуқини кафолатлайди. Шунингдек, фуқароларга мактабгача таълим, бошланғич умумий таълим, асосий умумий таълим, ўрта умумий таълим, ўрта касб-ҳунар таълими ва рақобатбардош олий таълимни ўз ичига олган федерал давлат таълим стандартларига мувофиқ бепул олий маълумот олиш имконияти таъминланади.

Олий таълимда давлат-хусусий шерикликнинг асосий афзалликларини таъкидлаш муҳимдир:

- Жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланиш
- Бюджет харажатларини камайтириш
- Лойиҳани амалга оширишда самарадорликни ошириш
- Хатарларни минималлаштириш ва синергетик натижаларга эришиш
- Таълим хизматлари сифатини ошириш
- Лойиҳани амалга оширишнинг барча босқичларида коррупцион амалиётлар ва ноқонуний ҳаракатларнинг камайиши

Давлат-хусусий шерикликнинг ушбу афзалликлари ва асосий хусусиятлари юқори сифатли олий таълим тизимини яратиш зарурлигини таъкидлайди. Шунингдек, улар таълим хизматлари сифатини ошириш учун ҳукумат, таълим муассасалари ва корхоналар ўртасида ҳамкорлик механизмини шакллантириш зарурлигини асослаш имконини беради. Хорижий ва маҳаллий тажрибани ўрганиш шуни кўрсатадики, таълим соҳасида давлатва бизнеснинг ўзаро ҳамкорлиги йўллари жуда хилма-хилдир. Ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг намунаси сифатида Буюк Британияда яхши танилган ва бошқа мамлакатларда тарқалган Хусусий дастурни келтириш мумкин. Молиявий ташаббуснинг мақсади олий таълим соҳасидаги инфратузилма объектларини қуриш ва таъмирлашни молиялаштиришда

бизнес тузилмаларининг ролини оширишдир. Ҳамкорликнинг ушбу шаклига кўшимча равишда, хусусий шерик ўқув жараёни амалга ошириладиган биноларни таъмирлаш ва реконструкция қилиш, ётоқхоналарни мебель билан жиҳозлаш, профессионал хизматларни (аутсорсинг) кўрсатишни ҳам амалга ошириши мумкин.

Мамлакатимизда давлат таълим ташкилотлари ва тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги ҳамкорлик изчил ривожланмоқда. Илгари, хусусий ташкилотлар биринчи навбатда хайрия тадбирлари ва тадбирларга ҳомийлик орқали маҳаллий таълим муассасаларини қўллаб-қувватладилар. Бироқ, бугунги кунда хусусий сектор илмий муассасалар фаолиятида фаол иштирок этиб, уларнинг моддий-техник ресурсларини оширишда ёрдам бериб келмоқда.

Ушбу тараққиётга қарамай, давлат-хусусий шериклик орқали таълим муассасаларини кадрлар билан таъминлашда, хусусан, ушбу мутахассисларни ўқув жараёнига жалб қилиш ва уларнинг малакасини оширишда муаммолар сақланиб турибди. ДХШ асосида ушбу муассасалар доирасидаги ўқув жараёнини етарли даражада услубий қўллаб-қувватлаш зарурати долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Ҳозирги вақтда меъёрий-ҳуқуқий базада таълим муассасаларини замонавий ўқув-услубий адабиётлар билан таъминлаш бўйича аниқ кўрсатмалар берилмаган. Бинобарин, академик муассасалар турли хил имкониятлари ва касбий тажрибаси туфайли белгиланган стандартларга мос келмаслиги мумкин бўлган турли хил адабиётларни сотиб олишда. Ушбу ҳолат муассасаларнинг таълим ресурслари ва материалларига бўлган эҳтиёжларини қанчалик қондиришини субъектив талқин қилишга олиб келади. Ҳамда шуларни олдини олган ҳолда илмий-тадқиқот институтлари, бизнес марказлари қошида тадқиқотчилар ва бизнес эгалари, ДХШ иштиролчилари билан биргаликдаги суҳбатлар ва фиклар алмашинувиташиқил қилинса, ДХШ лойиҳаларини нафақат таълим соҳаси билан фаолияти балки бошқа соҳаларга ҳам мувафақиятли лойиҳаларни амалга оширишга замин

бўлар эди.

Бизнингча, илмий тадқиқот ва ишланмалар соҳасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш мамлакатимиз учун муҳим йўналиш ҳисобланади. Таълим муассасалари, давлат ва корхоналар ўртасидаги ҳамкорлик "уч спирал" назариясини ҳар қандай мамлакатнинг инновацион тизимининг асоси сифатида тушуниш учун жуда муҳимдир. Ушбу назариянинг муаллифлари Генри Ицковиц (Нюкасл университети, Буюк Британия) ва Лист Лейдесдорф (Амстердам университети, Голландия). "Уч томонлама спираль" иштирокчиларининг ҳамкорлиги тадқиқот ва илмий - амалий фаолиятни⁶⁷ молиялаштиришда ифодаланган инновацион муҳитни яратишга имкон беради.

Ушбу ҳамкорлик олий ўқув юрглари, илмий-тадқиқот институтлари ва бизнес марказларида кичик инновацион корхоналарда тадқиқотчилар ва бизнес тузилмаларининг биргаликда кичик инновацион корхоналарни ташкил этишга қаратилган. Яқинда олий таълим сифатини ошириш ва соҳанинг рақобатбардошлигини таъминлаш учун академик ва ишлаб чиқаришда таълим кластерлари ташкил этилди. 11-иловада таълим муассасаси ва бизнес ўртасидаги ҳамкорликнинг мумкин бўлган шакллари келтирилган.

Олий таълим соҳасида, хусусан, Ўзбекистонда давлат-хусусий шерикликнинг ижобий томонлари таълим хизматлари сифатини ошириш бўйича ҳукумат ва бизнес ўртасидаги самарали ҳамкорлик орқали намоён бўлмоқда. Бу жиҳатларга қуйидагилар киради:

- илмий муассасаларни молиявий қўллаб-қувватлаш учун хусусий инвестицияларни жалб қилиш қобилияти чекланган молиявий ресурслар нуқтаи назаридан давлат харажатларини камайтиришга ёрдам беради.

- таълим муассасаларида турли лойиҳаларни амалга ошириш учун зарур бўлган муддатни қисқартириш имконияти.

⁶⁷Мелникова М. С. Таълимда давлат-хусусий шерикликдан фойдаланиш // Россия тадбиркорлиги. – 2017. – Т. 18. – Но 3. – Б. 303-308.

- таълим ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш орқали корхоналарга иқтисодий фойда олиш имконияти.

Таълим соҳасида давлат-хусусий шерикликни янада ривожлантириш мамлакатимизда иқтисодий ўсишни тиклаш ва халқаро рейтингларни яхшилаш учун қулай инвестиция муҳитини яратиш билан боғлиқ. Бунинг натижасида хусусий инвесторлар, айниқса, кичик бизнес субъектлари учун хавф-хатарлар камаяди, уларнинг узок муддатли инвестицияларга қизиқиши ортади.

Қуйида ДХШ лойиҳалари бўйича Япониянинг хорижий тажрибасини кўриб чиқамиз.

Нисбатан қисқа вақт ичида Японияда ДХШни қонунчилик ва маъмурий тартибга солишнинг анча кенг ва кучли тизими шаклланди. Анъанага кўра, ушбу тизим пирамида сифатида тасвирланган бўлиб, унинг тепасида хусусий молиялаштириш ташаббусларини тартибга солувчи қонун мавжуд. 1999 йилда қабул қилинган ушбу қонун хусусий молиявий ресурслардан фойдаланган ҳолда давлат объектларини ривожлантиришга қаратилган. 1999 йил 20 июлда қабул қилинган 117-сонли қонун Япониянинг давлат-хусусий шериклик Қонунчилиги базасининг асоси бўлиб хизмат қилади. Япониялик экспертларнинг фикрига кўра, ушбу махсус қонуннинг қабул қилиниши муҳим сиёсий аҳамиятга эга ва ҳукуматнинг ДХШ ташаббусларини илгари суриш мажбуриятини акс эттиради. Хусусий сектор ушбу қонунда белгиланган тамойилларга давлатнинг асосий мажбуриятлари сифатида қарайди ва хусусий бизнеснинг ҳукумат билан шу тарзда ҳамкорлик қилишга бўлган ишончини мустаҳкамлайди.

Қонуннинг асосий мақсади хусусий сектордан молиявий ресурслар, бошқарув тажрибаси ва технологик имкониятларни жалб қилиш орқали ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришга кўмаклашишдан иборат. Бу аҳолининг иқтисодий ва сифатли давлат хизматларини олишини таъминлашга қаратилган. Қонунда давлат-хусусий шериклик доирасига кирадиган давлат

объектларининг тўлиқ рўйхати келтирилган⁶⁸. Ушбу объектларга автомобиллар, темир йўллар, портлар, аэропортлар, дарёлар, боғлар, сув таъминоти ва канализация тизимлари, шаҳар уйлари, олий таълим ва маданият муассасалари, соғлиқни сақлаш хизматлари, ижтимоий таъминот ва экологик лойиҳалар киради. Хусусий шериклик ташаббуслари тўғрисидаги қонуннинг асосий ғояси шундан иборатки, мамлакатда ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш давлат-хусусий шерикликка имкон қадар кўпроқ таяниши керак. Ушбу ҳамкорлик хусусий секторни молиявий ресурсларидан фойдаланишга ундайди. Ҳамкорлик томонлар ўртасида масъулиятни аниқ тақсимлашни таъминлаши, шу билан бирга хусусий секторнинг ваколат доирасига ҳукуматнинг аралашуви минимал даражада бўлиши керак. Қонуннинг асосий тамойиллари қаторида лойиҳа иштирокчиларини танлашда ҳалол рақобат ва ошкоралик тамойилларига мажбурий риоя қилиш тўғрисидаги низом ҳам бор. Лойиҳа иштирокчисини танлашда шаффофлик муҳим роль ўйнайди.

- биринчидан, натижаларни (танловни), мезонлар ва танлов усулларини баҳолаш тўғрисидаги қарорлар оммага эълон қилиниши шартлиги,

- иккинчидан, маълумотлар тақдим этиладиган асосий тамойиллар билан қатъий таъминланади. Хусусий компанияларнинг рақобат табиатига ёки қонуний ҳуқуқларига зарар етказиши мумкин бўлган зарарни истисно қилиш керак.

Япония давлат-хусусий шерикликни ривожлантиришда давлат ёрдамининг комплекс механизмини ишлаб чиқди. Унинг асосий таркибий қисмлари ахборот-маслаҳат, молиявий ва ташкилий ёрдамдир. Ушбу йўналишларнинг ҳар бири ДХШни яратиш ва илгари суришда муҳим сафарбар ва рағбатлантирувчи роль ўйнайди.

Японияда давлат-хусусий шериклик лойиҳалари учун солиқ имтиёзлари ва имтиёзларининг таҳлили шуни кўрсатадики, ЖСТ типидagi лойиҳалар

⁶⁸ <https://ppp.worldbank.org/public-private-partnership/library/resilient-infrastructure-public-private-partnerships-ppps-contracts-and-procurement-case-japan>

(қурилиш-ўтказиш-фойдаланиш ёки "қурилиш-ўтказиш—эксплуатация") энг муҳим афзалликларга эга. Бу, айниқса, бошқа турдаги лойиҳалар билан таққослаганда, давлат объектнинг мижози ва эгаси вазифасини бажарадиган лойиҳалар учун тўғри келади⁶⁹.

Хусусан, улар асосий воситалар (ишлаб чиқариш воситалари), шаҳарсозлик солиғи ва кўчмас мулкни сотиб олиш солиғини тўлашдан озод этилди. БОТ (BOT, Build - Operate - Transfer – “қурилиш — бошқариш — узатиш”) каби лойиҳалар учун бу солиқлар учун ставкалар атиги 50% га камаяди. Лойиҳаларни танлашда маҳаллий ҳокимият органлари субсидиялар каби давлат маблағларини таъминлаш имкониятларини кўриб чиқадилар. Шундай қилиб, ЖСТ типдаги лойиҳаларнинг 90 фоизи давлат субсидиялари объектлари бўлиб, БОТ типдаги лойиҳалар учун бу кўрсаткич тахминан 70 фоизни ташкил этади. Мамлакатимизда давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш ва хусусий секторга пухта маслаҳат ёрдами кўрсатиш муҳимлигини ҳисобланади. Давлат маслаҳат ёрдамнинг муҳим воситалари ДХШнинг турли жиҳатлари бўйича лойиҳани амалга ошириш жараёни бўйича қўлланма (2001 йил январь), хавфларни тақсимлаш бўйича қўлланма (2001 йил январь), VFM бўйича қўлланма. (қиймати учун пул — "пул қиймати", 2001 йил июль), шартнома бўйича қўлланма (2003 йил июнь), мониторинг бўйича қўлланма (2003 йил июнь) ишлаб чиқилган батафсил, кенг ва бой услубий қўлланмалар мавжуд. Ушбу ҳужжатлар асосий ҳисобланиб, улар ДХШ лойиҳаларини амалга ошириш учун муҳим вазифани бажаради, лойиҳаларни амалга ошириш билан боғлиқ кўплаб аниқ процессуал масалалар бўйича тушунтиришлар беради⁷⁰.

Бош вазир девони ушбу ташаббуслар тўғрисида хабардорлик ва тушунишни ошириш учун 2006 йилдан бери ДХШ лойиҳалари тўғрисида йиллик ҳисоботларни тайёрлаб келмоқда. Кўплаб семинарлар, маърузалар,

⁶⁹ <https://ppp.worldbank.org/public-private-partnership/library/resilient-infrastructure-public-private-partnerships-ppps-contracts-and-procurement-case-japan>

⁷⁰ <https://ppp.worldbank.org/public-private-partnership/library/resilient-infrastructure-public-private-partnerships-ppps-contracts-and-procurement-case-japan>

давра суҳбатлари ва халқаро ва икки томонлама учрашувлар ДХШ билан боғлиқ масалаларга қаратилган. Ушбу тадбирлар давомида лойиҳа иштирокчилари, маҳаллий ҳокимият вакиллари, тадбиркорлар ва бошқа манфаатдор шахслар ДХШ соҳасидаги давлат сиёсати, шунингдек, ҳамкорликни тартибга солувчи Қонунчилик ва меъёрий асослар бўйича қимматли тушунтиришлар олиб борилмоқда. Муҳокамаларда амалий масалалар, ДХШ лойиҳаларини амалга ошириш методологиялари ва муваффақиятли мисоллар намоёиш этилади.

Сўнгги ўн йил ичида Японияда ДХШларни давлат томонидан тартибга солиш мустақам ташкилий ва институционал асосга ўрнатилди. Таркибий жиҳатдан бу икки даражада (миллий ва маҳаллий) фаолият кўрсатадиган ҳар хил турдаги органларнинг тармоқланган тизимидир. Назорат қилувчи органлар тизимининг конфигурацияси, уларнинг ўзаро муносабатларининг табиати ва бўйсунуш тартиби уларнинг олдида турган вазифалар билан ҳамбарчас боғлиқ. Япониянинг ижро этувчи ҳокимият органлари вакили бўлган марказий маъмурий органлар орасида бош вазир идораси ДХШ масалалари бўйича “раҳбар” ҳисобланади. Ташкилот секторга оид масалаларни, шу жумладан давлат-хусусий шериклик (ДХШ) масалаларини ҳал қилади. Унинг мақсади ягона сиёсат, тактика ва стратегияни ишлаб чиқиш учун турли вазирликлар ва идораларнинг истиқболлари ва позицияларини бирлаштиришдир. Мамлакатда ДХШни ривожлантириш билан боғлиқ жамоат ишларини режалаштириш учун масъул идорада ДХШ доирасидаги муайян соҳаларга йўналтирилган ихтисослашган бўлинмалар мавжуд. Уларнинг веб-сайтида давлат - хусусий шериклик лойиҳаларини амалга оширишнинг турли жиҳатлари тўғрисида умумий маълумотлар келтирилган.

Япония Адлия вазирлиги ушбу ДХШ лойиҳаларини амалга оширишда муҳим рол ўйнайди. Эътиборга молик лойиҳалар қаторига давлат хизматчилари учун ётоқхоналар қуриш, турли вазирликлар учун бир нечта маъмурий биноларни ишлатиш ва техник хизмат кўрсатиш, жазони ижро

этиш муассасаларини куриш ва бошқариш киради.

Бундан ташқари, қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик вазирлиги иштирокида давлат-хусусий шериклик лойиҳалари амалга оширилмоқда. Буларга биомассани қайта ишлаш корхоналарини ташкил этиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг улгуржи бозорларини куриш ва бир қатор минтақавий ташаббуслар киради. Бошқа лойиҳаларга денгиз маҳсулотларини қайта ишлаш, қишлоқ йўлларини куриш ва чиқинди сувларни тозалаш иншоотларини ривожлантириш киради.

Япониянинг турли вазирликлари ва идоралари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни кучайтириш ва улар ўртасида ДХШ масалаларининг турли жиҳатларини янада яқинроқ мувофиқлаштириш мақсадида 1999 йилда ушбу соҳада мувофиқлаштирувчи орган ташкил этилди. У ДХШ масалалари бўйича вазирлик ва идораларнинг мувофиқлаштирувчи кенгаши бўлди, унинг таркибига Япониянинг ДХШ лойиҳаларини амалга ошириш билан боғлиқ 15 та вазирлик ва идоралари вакиллари кирди.

2008 йил охирида ДХШ масалалари билан шуғулланадиган вазирлик ва идоралардан иборат мувофиқлаштирувчи кенгаш таркибига Токио университети, Фужижиба университети, Дошиша университети, Мусаши саноат университети, Хитотсубаши университети профессорлари ва хусусий инвестиция компанияси раҳбарлари киритилган. Сармоя маслаҳатчилар ва нефть компанияси “Син ниҳон секию” (Shinnihonseiyaku Co), Адвокатлик фирмалари ва Ёкогама вице-мери, Васеда, Гакушуин ва Жичи университетлари профессорлари, Таисеи йирик қурилиш компанияси, Мизуҳо Банк вакиллари ҳам бор. Митсуи компаниясининг тадқиқот институти “Буссан”, таниқли аудиторлик компанияси, шунингдек, Саитама ва Чиба префектуралари маъмурияти ходимлари ДХШ лойиҳаларида фаол иштирок этиб келмоқда. ДХШни давлат томонидан тартибга солишнинг худудий органлари маҳаллий маъмуриятларнинг турли бўлинмалари томонидан тақдим этилади. Шуниси эътиборга лойиқки, бугунги кунда мамлакатда барча 47 та префектураси маъмуриятларида истисносиз давлат-

хусусий шериклик масалалари билан шуғулланувчи бўлимлар ташкил этилгани ва фаолият юритаётгани Япония маҳаллий ҳокимиятлари томонидан ушбу соҳага катта аҳамият бераётганининг ёрқин далилидир. Ташкилий нуқтаи назардан, бу бирликлар одатда бўлимлар, секторлар ёки гуруҳлар шаклида бўлади. Улар маълум бир префектура ҳудудида ДХШ лойиҳаларини амалга оширишни назорат қилади, маълумот ва маълумотнома материалларини, шу жумладан ДХШнинг турли жиҳатлари бўйича маъмурий йўриқномаларни тайёрлайди ва давлат органлари билан доимий алоқада бўлади. Японияда ДХШ ўз фаолиятини аста-секин кенгайтирди ва ҳозирда 700 дан ортиқ жамоат аъзоларини жалб қилди. Бунга турли даражадаги 500 дан ортиқ ҳудудий маъмуриятлар, 200 дан ортиқ хусусий сектор ташкилотлари, 4 давлат идоралари ва Н. груп, N. group, DEPFA Bank, BNP Paribas, Hammonds va Macquarie Bank каби 7 хорижий компаниялар киради. Бундан ташқари, ДХШ иккита хорижий элчихоналар, хусусан АҚШ ва Буюк Британия элчихоналари билан ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Япония тажрибаси мамлакатда давлат ва бизнес ўртасидаги муносабатлар тенглиги, ўзаро ҳурмат ва ишончли шериклик билан белгиланадиган янги институционал асос зарурлигини таъкидлайди. Ана шундай шароитдагина ҳамкорликнинг таваккал шакли ҳисобланган давлат-хусусий шерикликни кенг ва самарали ривожлантириш принципиал жиҳатдан мумкин. Япониянинг давлат-хусусий шерикликни давлат томонидан тартибга солиш бўйича тажрибаси миллий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда ички шароитда самарали қўлланилиши мумкин бўлган қимматли тушунчаларни тақдим этади.

ДХШ - лойиҳаларни молиялаштириш, инфратузилмага сармоя киритиш ва самарадорликни ошириш учун истиқболли йўлдир. Давлат ва бизнес ўртасидаги стратегик ҳамкорлик инновацияларни ривожлантиради, миллий рақобатбардошликни оширади ва ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмаларини ўсишига ёрдам беради. Бироқ, таълим тизимига узок муддатли инвестициялар одатда хавфли бўлиб, транспорт инфратузилмаси

лойиҳаларига қараганда паст даромад келтиради. Натижада, хусусий инвесторлар кўпинча давлатдан қўшимча кафолатлар талаб қилиб, Қонунчилик базасини такомиллаштириш зарурлигини таъкидлайдилар. Ўзбекистонда олий таълим соҳасида ДХШни ривожлантиришнинг асосий устувор йўналиши университетлар ичида инновацион инфратузилмани яратишдир. Бу барқарор иқтисодий ўрнатиш ва ижтимоий фаровонликни таъминлаш учун жуда муҳимдир.

§3.2. Ўзбекистон Республикасида давлат-хусусий шериклигини ривожлантириш йўллари

Ҳозирги вақтда жаҳон иқтисодий ривожлантиришда инфратузилмага кўпроқ сармоя киритиш керак. Global Infrastructure Hub маълумотларига кўра, АҚШда инфратузилмадаги бўшлиқ 2040 йилга келиб 15 триллион долларни ташкил қилади. Кўпгина мамлакатларда инфратузилмани чекланган молиялаштириш масаласини ҳал қилиш учун ҳукуматлар хусусий секторни инфратузилма объектларини қуриш ва улардан фойдаланишга жалб қилиш учун махсус институционал базани ишлаб чиқдилар ва амалга оширдилар. Бу ёндашув давлат-хусусий шериклик (ДХШ) деб номланади. ДХШ тизимида иқтисодий бошқарув, инвестиция ва инновацияларни ривожлантириш учун иккита хўжалик юритувчи субъект— давлат мулкни ифодаловчи ҳукумат ва хусусий тадбиркорлик тамойиллари ресурслари ва имкониятлари бирлаштирилган.

Ўзбекистон Республикасида ДХШ лойиҳаларини амалга ошириш учун норматив-ҳуқуқий база ва институтлар тизими яратилган. Бу соҳада мутахассислар тайёрланмоқда, дастлабки пилот лойиҳалар танлаб олинди. Диссертациянинг ушбу қисмида муаллиф ушбу соҳадаги тараққиётга тўсқинлик қиладиган чекловларни аниқлайди ва ушбу муаммоларни ҳал қилиш учун амалий тавсиялар беради. Ушбу тавсияларни амалга ошириш бутун Республика бўйлаб олий таълимда давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини бошлашга ёрдам беради.

Мамлакатимизда давлат-хусусий шериклик тамойилларига асосланган инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш учун меъёрий-ҳуқуқий базани яратиш бўйича салмоқли ишлар қилинди.

2019 йилда Ўзбекистон Республикасининг «Давлат-хусусий шериклик тўғрисида»ги Қонуни (ЎРҚ-537-сон) кучга кирди, у ДХШ шартномаларини тузиш ва ижро этиш шартларини тартибга солади. Республикада техник-иқтисодий асослашга, жумладан, ДХШ лойиҳаси самарадорлигини ва қиёсий устунликни баҳолаш усулларига нисбатан қонунчилик талаблари мавжудлиги алоҳида эътиборга лойиқдир.

Ўзбекистон Республикасида ДХШ лойиҳаларини ишга туширишга тўсқинлик қилувчи **қонуний чекловлар**:

1) Давлат-хусусий шериклик шартномасининг предмети интеллектуал мулкни ўз ичига олмайди. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ, ДХШ шартномаси “инфратузилма объектини яратиш ва/ёки модернизация қилиш, шунингдек унга техник хизмат кўрсатиш ва ундан фойдаланиш” ҳисобланади.

Шунинг учун, ихтиролар, саноат намуналари ва дастурий таъминот каби интеллектуал мулк активларига нисбатан ДХШ механизмларидан фойдаланганда, ушбу активлар тегишли ускуналарни жойлаштирадиган ва ушбу интеллектуал мулк билан технологик жиҳатдан боғлиқ бўлган жисмоний тузилмаларга уланиши керак. Бу ҳолат ДХШ шартномаларини тузиш жараёнини сезиларли даражада мураккаблаштиради.

2) "Давлат-хусусий шериклик тўғрисида"ги қонунда, шунингдек, қонун ҳужжатларида ДХШ лойиҳаларини амалга оширишнинг мумкин бўлган моделлари рўйхатининг тармоқлар хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда йўқлиги;

3) ДХШ лойиҳасини бошлашнинг мураккаблиги. Бу жараён ҳам давлат, ҳам хусусий шериклар томонидан лойиҳа концепциясини кўп меҳнат талаб қиладиган ишлаб чиқишдан бошланади, бу эса узоқ давом этадиган тасдиқлаш ва экспертизадан ўтиш жараёнини талаб қилади, ДХШ

лойиҳаларини ишга туширишни сезиларли даражада мураккаблаштиради;

4) ДХШ лойиҳалари учун техник-иқтисодий асосларни ишлаб чиқишнинг мураккаблигини кўришимиз мумкин. Шу муносабат билан, муаллифнинг фикрига кўра - лойиҳанинг кўлаמידан қатъий назар, “пул қиймати” усулидан фойдаланган ҳолда лойиҳани мажбурий комплекс ва миқдорий баҳолашга йўналтириш, тузатишни талаб қилади.

Натижада:

- кичик лойиҳаларда баҳолаш харажатлари лойиҳага жалб қилинган хусусий инвестициялар билан таққосланиши мумкин;

- ДХШ лойиҳасини миқдорий баҳолаш натижалари уни амалга ошириш тўғрисида қарор қабул қилиш учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Шу билан бирга, ахборот ва услубий муаммоларнинг етишмаслиги туфайли таҳлил натижалари ҳаддан ташқари назарий ва субъектив бўлиши мумкин, бунинг натижасида ДХШ лойиҳаси ишларнинг ҳақиқий ҳолатига зарар етказадиган тарзда танланиши мумкин; – ДХШ лойиҳаларини миқдорий баҳолашнинг амалдаги методологиясида, унинг мураккаблиги ва меҳнат зичлигига қарамай, автоматлаштирилган ҳисоблаш шакллари мавжуд эмас;

5) ДХШ лойиҳаларида хусусий тадбиркорликни рағбатлантириш ва кўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирларнинг етишмаслиги.

Ўзбекистон Республикасида ДХШ лойиҳаларини ишга туширишга тўсқинлик қилувчи **бошқарув чекловлари:**

1. Турли даражадаги ҳокимият органлари ўртасида самарали ҳамкорлик йўқлиги. Ўзбекистон Республикасида Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги олий таълим соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш учун давлат-хусусий шериклик (ДХШ) масалалари бўйича маслаҳат ва услубий ёрдам кўрсатиш учун жавобгар эмас. Шу билан бирга, мамлакатда, масалан, талабалар турар жойларини қуриш бўйича ҳудудларда ДХШни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқишда иштирок этадиган ихтисослашган ҳудудий ва тармоқ органлари мавжуд эмас;

2. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигига юкланган функциялар ва унинг ваколатлари даражаси ўртасидаги тафовут мавжудлиги.

Бундан ташқари, қарор қабул қилиш механизми янада мураккаблашади, бу прогнозликка салбий таъсир қилади ва хусусий инвесторларнинг хавф-хатарларини оширади;

3. ДХШ соҳасида мутахассисларнинг етишмаслиги.

ДХШ соҳасида бошқарув салоҳиятининг кескин танқислиги маҳаллий ҳокимият ва тадбиркорлик субъектлари вакиллари учун ўқув дастурлари ва семинарларнинг деярли йўқлигида намоён бўлмоқда. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртлари ва малака ошириш институтларида ДХШ бўйича ўқув дастурлари амалда мавжуд эмас. Ҳозирда очиқ манбаларда мамлакатимизда ДХШнинг ҳозирги ривожланиши ҳақида етарлича маълумот йўқ. ДХШ лойиҳалари оммавий ахборот воситаларида деярли ёритилмаган. Натижада Ўзбекистон Республикасида ДХШни ривожлантириш бўйича тўлақонли таҳлилий тадқиқотлар ўтказиш имконияти йўқ. Бундан ташқари, ДХШ масалалари бўйича тадбирлар (конференциялар, симпозиумлар ва бошқалар) жуда кам учрайди.

ДХШ асосида амалга ошириш учун ҳуқуқий ва институционал базасини ташкил қилишда қуйидаги коррупциявий хавф-хатар омиллари мавжуд:

Аризаларни тақдим этиш ва расмийлаштириш, лойиҳаларни танлаш, ҳисобот бериш механизмлари, ҳужжатларни бошқариш тизимлари ва таълим муассасалари фаолиятини мониторинг қилишда номувофиқлик ва хусусий шериклар билан лойиҳаларни танлаш учун аниқ мезонлар йўқ.

- ҳамкорликнинг ҳар икки томонидан қабул қилинадиган мажбуриятларни баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонларининг йўқлиги;

- Давлат органлари, банк, тадбиркорлар ва давлат каби жараённинг барча асосий иштирокчиларининг роли ва мажбуриятлари аниқ эмаслиги.

- Давлат-хусусий шериклик (ДХШ) доирасида фаолият юритувчи муассасалар томонидан тақдим этилаётган таълим хизматларининг сифати

хужжатда кўрсатилмаган ва талабалар турар жойи қурилишларини назорат қилишни хужжат билан тартибга солилмаганлиги;

-Таълим муассасасини ташкил этишда иштирок этувчи томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини назорат қилиш, ҳисобот бериш, ошкоралик ва компенсация қилишнинг аниқ механизмлари мавжуд эмаслиги.

- ДХШ жараёнининг барча иштирокчилари учун коррупцияга қарши курашнинг механизмлари ва яхлитлик қафолатларини жорий этилмаганлиги коррупциявий хавф-хатар омилларини келтириб чиқаради ва қуйидаги расмий қоидабузарликлар учун шароит яратади;

- Давлат-хусусий шериклик шартномаларини тайёрлаш, танлаш ва имзолаш пайтида коррупция ва ихтиёрий (дискрецион)⁷¹ ваколатлардан фойдаланиш қийинчиликларни келтириб чиқариши мумкин. Ушбу масалалар лойиҳани давлат шериги вакили бўлган ваколатли мансабдор шахс томонидан баҳолаш шартларига таъсир қилиши мумкин. Ўз навбатида, бу хусусий тадбиркорлар ўртасида жараённинг ноаниқлиги ва унга норасмий таъсир ўтказиш имконияти тўғрисида тушунчага олиб келади, бу эса ДХШ иштирокчилари томонидан ноҳалоллик ва коррупциянинг потенциал хавф-хатарлари пайдо бўлишига замин яратади.)

- хусусий тадбиркорлар учун моддий ёрдам,субсидиялар ажратишга ноқонуний таъсир;

- ДХШ лойиҳалари фаолияти тўғрисида ҳисобот бериш ва мониторинг қилишда коррупция;

- хусусий шерик томонидан давлат шериги қарорларини қабул қилишга ноқонуний таъсир;

- хусусий шерик томонидан қурилиши керак бўлган биноларнинг таълабга жавоб бермаслиги (“Рақобат тўғрисида”ги Қонунива Вазирлар

71 Дискрецион ваколат - бу давлат хизматчисининг ўз мансаб ваколати доирасида ўз хоҳишига кўра чегаралари аниқ белгиланмаган ёки уни қўллаш мезонлари мавжуд бўлмаган ҳолларда маъмурий қарор қабул қилиш имкониятидир.

Маҳкамасининг 20.08.2020 йилдаги 496-сонли қарорининг талаблари бузилиши).

Юқоридаги ДХШнинг ҳуқуқий ва институционал негизда коррупциявий хавф-хатар омиллари Рақобат қўмитасининг Урганч давлат университетига қарши иш қўзғатганлиги негизда қоидабузарликлар содир этганлигини кўришимиз мумкин.

Қўмитанинг Хоразм вилояти ҳудудий бошқармаси вилоят прокуратурасининг топшириғига асосан Урганч давлат университети томонидан давлат хусусий шериклиги асосида 7 қаватли, 600 ўринли талабалар турар жойи биноси қурилиши бўйича бошланғич нархи 29,7 млрд сўм бўлган тендер савдоси юзасидан ўрганиш ишларини ўтказди⁷². Ўрганишлар давомида университет томонидан Хоразм вилояти қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш консалтинг марказига юборилган анкетада “7 қаватли, 600 ўринли талабалар турар жойи биноси қурилиши” объектини соҳавий мансублиги ва хавф-хатар тоифаси II-тоифа қилиб белгиланганлиги маълум бўлди.

Вазирлар Маҳкамасининг 20.08.2020 йилдаги 496-сонли қарорига асосан, 9 қаватгача бўлган Олий таълим муассасалари III-тоифа сифатида “Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизимига жойлаштирилиши лозимлиги қайд қилинган.

Аммо Урганч давлат университети томонидан III-тоифа сифатида “Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизимига жойлаштирилиши лозим бўлган объектни II-тоифа қилиб белгилаши натижасида бошқа вилоятдаги қурилиш ташкилотларининг тендерда иштирок этиши чекланган.

Юқоридагиларга асосан, ҳудудий бошқарма Махсус комиссияси томонидан Урганч давлат университетига нисбатан “Рақобат тўғрисида”ги Қонуннинг 29-моддаси талаблари бузилиши юзасидан белгиланган тартибда иш қўзғатилиб, натижаси юзасидан буюртмачи ташкилот мансабдор шахсига

⁷² <https://www.gazeta.uz/uz/2024/09/18/tender/>

нисбатан маъмурий жавобгарлик белгилаш юзасидан тегишли суд органига маълумотлар юборилган.

Биз аниқланган чекловларни бартараф этиш бўйича қуйидаги амалий тавсияларни таклиф қиламиз:

1. “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги Қонун интеллектуал мулк объектларини ДХШ шартномаси предметига киритиш имкониятини назарда тутати. Бундан ташқари, “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги Қонунида ДХШ шартномасига киритилиши мумкин бўлган интеллектуал мулк турлари аниқ кўрсатилиши керак.

2. Шунингдек, у давлат шеригидан битим натижаларига нисбатан хусусий шерикга эксклюзив ҳуқуқларни беришни талаб қилиши мумкин бўлган ҳолатларни кўрсатиши керак. Қонун доирасида ДХШ лойиҳаларини амалга оширишнинг турли шакллари ва моделларини жорий этиш муҳимдир. Тегишли вазирлик ва идоралар томонидан ДХШ дан фойдаланиш бўйича услубий кўрсатмалар ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Ушбу кўрсатмалар тармоқнинг ўзига хос хусусиятларини кўриб чиқиши ва ДХШ лойиҳаларини амалга ошириш учун тегишли шакл ва моделларни батафсил баён қилиши керак.

3. ДХШ лойиҳасини ташаббус қилиш тартибини соддалаштириш. ДХШ лойиҳаси концепцияси ўрнига қуйидагиларни ишлаб чиқиш таклиф этилади: танлов аризаси кўринишидаги инвестиция таклифи (ДХШ лойиҳаси давлат ҳамкори ташаббуси билан бошланганда); ДХШ лойиҳаси учун бизнес-режа (ДХШ лойиҳаси хусусий шерик томонидан бошланганда). Бизнес-режа формати бизнес ҳамжамиятига ҳам, банк ҳамжамиятига ҳам яхши маълум бўлгани учун ДХШ лойиҳаси бўйича бизнес-режадан фойдаланган ҳолда хусусий шерикни аниқлаш бўйича бевосита музокаралар самаралироқ бўлиши кутилмоқда.

4. ДХШ лойиҳаларини миқдорий баҳолашнинг амалдаги методологиясини ҳисоблашнинг автоматлаштирилган шакллари билан тўлдириш.

5. ДХШ лойиҳаларини амалга ошириш ниятида бўлган хусусий тадбиркорликни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш. Муаллифнинг фикрича, хусусий тадбиркорлик субъектлари учун қўшимча рағбатлантириш механизмларини яратадиган ДХШ лойиҳаларига имтиёзларни кенгайтириш мақсадга мувофиқдир.

6. Ахборот чекловларини олиб ташлаш, яъни Ўзбекистон Республикасида ДХШ ривожлантиришни бошқариш соҳасини рақамлаштириш. Мамлакатда ДХШни ишга туширишни бошлаш учун Республикада ДХШ лойиҳаларини тайёрлаш ва бошлашга қаратилган лойиҳа ечимлари, эксперт экспертизаси ва молиявий воситалар учун тезлатгич бўлиб хизмат қиладиган рақамли платформани яратиш жуда муҳимдир.

7. ДХШнинг турли шакллари учун ДХШ лойиҳаларини субсидиялаш, кредитлаш, моддий қўллаб-қувватлашни тайинлашда давлат органи томонидан ҳам, хусусий тадбиркор томонидан ҳам қабул қилинган мажбуриятларни баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари кўрсатиш.

8. Қўшимча имтиёзлар бериш механизми шаффоф бўлмаганлиги учун ДХШ лойиҳаларига субсидиялар учун аризаларни танлашнинг аниқ мезонларини тартибга солиш. Ушбу жараённинг барча асосий иштирокчилари: давлат органи, ҳокимлик, тижорат банки, тадбиркорларнинг функционал мажбуриятлари аниқ белгилаб қўйиш лозим.

9. ДХШ фаолиятини ташкил этишда, лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш ва топшириш босқичида, ҳужжатларни кўриб чиқиш ва танлаш бўйича тадбирларни ўтказиш, натижаларни эълон қилиш ва битимларни имзолаш, ДХШ фаолиятини соҳалар кесимида мониторинг қилиш, ҳисоботларни топшириш ва давоматни ҳисобга олишда максимал очиқликни таъминловчи механизмни ишлаб чиқиш ва жорий этиш.

10. ДХШ лойиҳаларини бошқаришнинг электрон платформасида юқоридаги барча функцияларни бирлаштириш таклиф этилади. Платформа асосий аъзо идоралар яъни давлат солиқ ва божхона хизмати, бандлик ва қашшоқликни камайтириш вазирлиги, статистика агентлиги, кадастр, давлат

активлари ва банклар билан бирлаштирилиши керак. Мазкур платформанинг самарали ишлаштини таъминлаш мақсадида барча соҳалар кесимида масъул ходимнинг бириктирилиши мақсадга мувофиқ. Платформа ҳар қандай секторда ДХШ лойиҳалари учун қўлланилиши мумкин.

11. Оммавий ахборот воситаларида, конференцияларда, семинарларда ва ҳоказоларда ДХШ ҳақида тушунтириш кампаниясини ўтказиш. Молиявий чекловларни бартараф этиш. Ушбу тадбирлар мажмуи инвесторларга мамлакат ичидаги барча мавжуд инвестиция ресурсларини бирлаштиришга имкон берадиган молиявий воситаларни ишлаб чиқишга қаратилган. Шундай қилиб, тижорат банклари, иқтисодий ривожланиш институтлари, экспорт-кредит агентликлари ва хусусий ва институционал инвесторлар ўз маблағларини бир платформага йўналтиришлари мумкин.

Жаҳон амалиётида бундай воситаларга аниқ мақсадли кредитлаш ва инфратузилма облигациялари киради. Уларни ривожлантириш учун Ўзбекистон Республикасида қуйидагилар зарур:

- мақсадли кредитлар беришнинг норматив-ҳуқуқий базасини яратиш лозим, яъни қонунчилик билан тартибга солиш амалиётини кенг қўллашни талаб этади. Шу билан бирга, битим иштирокчилари кўплаб муҳим масалалар бўйича ҳуқуқий ишончга эга эмаслар: қарз олувчи, давлат органлари ва хавфсизликни таъминлаган шахслар билан қандай тартибда қарор қабул қилиш ва ўзаро ҳамкорлик қилиш; қарз олувчининг ҳам, аниқ мақсадли бошқа иштирокчиларининг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда даъволарни қандай топшириш ва қарзни ўтказиш, амалга ошириш;

- кредитор бир турдаги маҳсулотни қандай тарк этиши мумкинлиги ва ушбу факт билан боғлиқ ҳолда битим тарафларининг қандай ҳуқуқ ва мажбуриятлари пайдо бўлиши (масалан, кредитнинг бир қисмини муддатидан олдин тўлашни талаб қилиш ҳуқуқи) ва бошқалар.

Қонунчиликдаги бўшлиқлар ҳам қарз олувчи учун хавф туғдиради, иштирокчилар ўзгарган тақдирда у камроқ ҳимоя олади.

ДХШ иштирокчилари лойиҳа ҳужжатларини тайёрлашда

қийинчиликларга дуч келаётганларини таъкидладилар. Давлат-хусусий шериклик асосида лойиҳаларни тайёрлаш ва тақдим этиш жараёнида қўшимча молиявий ва ҳуқуқий ёрдам зарурлигини билдирдилар.

Шунингдек, хусусий тадбиркорларнинг 25%дан ортиғи ариза бериш тартибини ўта мураккаб, туман бўлимлари вакилларининг 52%дан ортиғи, танловда иштирок этиш тўғрисидаги маълумотларни тушуниш учун хусусий тадбиркорга қўшимча ҳуқуқий билимлар зарурлигини, 42% эса, тадбиркорга менежмент, молия соҳаси бўйича мутахассис кераклигини таъкидлаган.

Банк вакилларининг 58%дан ортиғи, хусусий тадбиркорлар лойиҳанинг молиявий қисмини тайёрлаш учун молиявий маслаҳат олиш мақсадида мурожаат қилишларини қайд этишган. Шунингдек, банк ходимларининг 25% кредит олиш тартиби анча муаммоли ва жуда бюрократлаштирилган, деб ҳисоблашади.

ДХШда асосий камчиликлар 36% ортиғи, фаолияти жараёнида хусусий тадбиркор ҳисобот талабларини бузаётганини қайд этдилар, бунда 27% хусусий тадбиркорлар молиявий фаолиятда номувофиқликларга эга эканлигини таъкидладилар. Ҳолбуки, 47% туман бўлимлари вакилларининг фикрига кўра, хусусий тадбиркорлар педагогика масалаларида, 42% молиявий фаолиятни амалга оширишда, 36% кадрлар танлашда қобилиятсиз саналади, тадбиркорларнинг 31%дан ортиғи ахлоқий меъёрларни бузишади, 21% эса, зарур бошқарувчилик ваколатларига эга эмас ва 16% ҳисобот талабларига жавоб бермайди. Банк вакилларининг 58% – хусусий тадбиркорлар, асосан молиявий фаолиятда, 50% – ҳисоботларни тақдим этишда, 33% хусусий шерикнинг кадрлар сиёсатини юритиш ва умумий бошқарувини олиб боришда қўпол хатоларга йўл қўйишини эътироф этган⁷³.

Тадқиқот натижасидан давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш учун зарур бўлган билим ва малакаларнинг етишмаслиги ҳулосасига келиниб, тадқиқотчи томонидан қуйидагилар таклиф қилинади.

⁷³ Давлат-хусусий шериклик асосида мактабгача таълим муассасаларини ташкил этиш ва фаолият кўрсатишида ноҳалоллик ва коррупция хавф-хатари омилларини баҳолашнинг якуний ҳисоботи

-Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш департаменти қошида ёки Иқтисодиёт ва молия вазирлиги тузилмасида давлат муассасаси шаклида “Давлат-хусусий шериклик лойиҳалари маркази” лойиҳа офисида ёки Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024-йил 7-февралдаги ПҚ-62-сон қарорига 2-иловасида 2024-2027-йилларда Тошкент давлат иқтисодиёт университетида кадрлар тайёрлаш тизимини самарали йўлга қўйиш, илмий салоҳиятни ошириш ва моддий-техник базани мустаҳкамлаш бўйича йўл харитасининг 28-бандига келтирилганидек, ТДИУ ҳузурида илмий-тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш билан шуғулланувчи давлат хусусий-шериклик шартлари асосида “Спин-офф” инновацион марказида: давлат хусусий-шериклик шартлари асосида инновацион марказ ва корхоналар фаолиятини йўлга қўйиш бўйича келишув ва меморандумлар расмийлаштириш, инновацион марказ ва корхоналар фаолиятини йўлга қўйиш орқали тижоратлаштириш салоҳияти юқори бўлган янги илмий маҳсулотлар яратишга эришиш, бошқарув, молиялаштириш, юридик, педагогик саводхонлик мавзусида малака ошириш курсларини ташкил этиш, жараённинг барча иштирокчилари (хусусий тадбиркорлар, мактабгача таълим, олий таълим муассасалари маъмурияти ва ходимлари, давлат органларининг тегишли вакиллари) учун уларнинг касбий маҳоратини ошириш мақсадида ДХШ асосида таълим муассасаларини ташкил этиш бўйича тадбирларни амалга ошириш учун масъул бўлган самарали шахслар ўртасида алоқалар ўрнатилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Юқоридагиларни инобатга олиб, тадқиқот доирасида биз томондан ДХШ лойиҳаси асосида олий таълим муассасаларида илмий-тадқиқот марказларини ташкил этиш механизми ишлаб чиқилди (3.17-расм).

Ушбу механизмдан фойдаланишни қуйидагича асослаймиз: давлат олий таълим муассасаси тадбиркорлик субъектининг ҳам давлат ҳамкори, ҳам

хусусий ҳамкори вазифасини бажариб, тендер натижаларига кўра давлат-хусусий шериклик шартномасини тузади. Бунда ДХШ объекти сифатида ОТМ ўзининг ҳудудидаги илмий-тадқиқот маркази (ёки лабораторияси) ни хусусий шерикка топширади. Хусусий шерик ДХШ объектида таъмирлаш ишларини олиб боради ва уни замонавий илмий-тадқиқот ва лаборатория ускуналари билан жиҳозлайди. Илмий тадқиқот маркази тўлиқ жиҳозлангандан сўнг, у ерда профессор-ўқитувчилар, тадқиқотчилар ва олий ўқув юртлари талабалари илмий тадқиқот ишларини олиб боришлари мумкин. Улар замонавий объектларга бепул кириш ҳуқуқига эга бўладилар.

ДХШ объектидан даромад олиш учун хусусий шерик илмий тадқиқот марказидаги ускуналарни бошқа корхоналар, ташкилотлар ва олий ўқув юртларига ижарага бериши мумкин. Хусусий шерик ҳақ эвазига бошқа компаниялар, илмий ташкилотлар ёки тадқиқотчиларга замонавий тадқиқот асбоб-ускуналари ва лабораторияларидан фойдаланиш имкониятини беради ва бунда фойда кўриши мумкин. Ва яна илмий-тадқиқот маркази кўшимча ҳақ эвазига илмий конференциялар, семинарлар ва тренинглар ташкил этиши мумкин, уларда хусусий компаниялар ёки тадқиқотчилар тажриба алмашишлари, янги технологиялар билан танишишлари ва ҳамкорликни муҳокама қилишлари мумкин.

ДХШ тамойили остида ташкил қилинган илмий-тадқиқот маркази талабалар, мутахассислар ёки компаниялар томонидан тўланадиган махсус таълим дастурлари ёки малака ошириш курсларини таклиф қилиши мумкин. Хусусий шерик ушбу хизматларни кўрсатишдан, шу жумладан юқори малакали эксперт ва мутахассисларни жалб қилишдан даромад олиши мумкин.

Шу билан бирга, бундай ДХШ лойиҳаси асосида спин-офф компанияларнинг фаолияти йўлга қўйилиши мумкин. Бунда хусусий шерик марказнинг илмий ишланмалари асосида стартаплар (спин-оффлар) ташкил этилишини қўллаб-қувватлаши ва ушбу компанияларда инвестицияларни жалб қилиш ҳамда маҳсулот ва технологияларни

сотишдан даромад олиш имконини берадиган улуш олиши мумкин. Илмий-тадқиқот марказининг ресурсларидан фойдаланиб, ОТМ ва хусусий шерик биргаликда спин-офф компаниясини ташкил этишади. Спин-офф компанияси ушбу марказда ишлаб чиқилган илмий ишланмалар (маҳсулот, технология ва ҳ.к.) дан фойдаланади илмий ютуқларни ривожлантиради ва уларни тижоратлаштиришга йўналтиради.

Агар тадқиқот маркази тижорат салоҳиятига эга технология ёки маҳсулотни ишлаб чиқса, университет ва хусусий шерик лойиҳани тижоратлаштириш учун спин-офф компанияси орқали иқтисод қилади. Ушбу спин-офф компанияси тадқиқот марказининг лойиҳаси давомида ишлаб чиқарилган интеллектуал мулк ва ресурслардан фойдаланади.

ДХШ лойиҳасида иштирок этувчи хусусий шерик илмий-тадқиқот маркази негизида ташкил этилган спин-офф компанияси учун инвестор сифатида иштирок этиши мумкин. Хусусий шерик спин-офф компаниясини ривожлантириш учун капитал, ресурслар ёки бошқарув тажрибасини тақдим этиши мумкин. Бунинг эвазига хусусий шерик спин-офф компаниясининг улушини ва стартапнинг келажакдаги тижорат муваффақиятидан фойда олиш ҳуқуқини олади.

Бир вақтнинг ўзида алоҳида норматив-ҳуқуқий ҳужжатни яратиш керак:

1) инфратузилма облигациялари лойиҳа қимматли қоғозлари сифатида таснифланиши керак. Бу шуни англатадики, уларнинг чиқарилиши фақат инфратузилма объектларини қуриш ёки реконструкция қилиш учун маълум бир инвестиция лойиҳаси доирасида амалга оширилиши керак. Ушбу облигациялар билан боғлиқ тўловлар инфратузилма объектидан фойдаланишдан олинган даромад ҳисобига молиялаштирилиши керак. Бундан ташқари, ушбу инфратузилма облигацияларининг давомийлиги инфратузилма объектини қуриш (ёки реконструкция қилиш) даври ва ундан фойдаланиш муддати, одатда 15 йилдан 25 йилгача бўлиши лозим;



3.17-расм. ДХШ лойихаси асосида олий таълим муассасаларида илмий-тадқиқот марказларини ташкил этиш механизми

2) қурилиши ва реконструкция қилиниши инфратузилма облигацияларини чиқариш йўли билан молиялаштирилиши мумкин бўлган инфратузилма объектларини танлашнинг рўйхати ва мезонлари;

3) инфратузилма облигациялари эмитентининг қўшимча хусусиятлари;

4) инфратузилма облигацияларини чиқариш, муомалага чиқариш ва сотиб олиш тартиби;

5) инфратузилма облигациялари ссудасини таъминлаш тартиби ва шартлари;

6) инфратузилма кредити бўйича жалб қилинган молиявий ресурслардан мақсадли фойдаланиш устидан назорат шакллари;

7) инфратузилма облигацияларини муддатидан олдин тўлаш шартлари;

8) давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чоралари (масалан, инфратузилма облигациялари бўйича фоизли даромадларни бюджетдан субсидиялаш). Каби хужжатларни иўлаб чиқиш керак.

Шундай қилиб, бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида ДХШ шартномалари асосидаги лойиҳаларни ишга тушириш учун зарур шарт-шароитлар (норматив-ҳуқуқий база, институтлар тизими) яратилган, бироқ муаллиф томонидан белгиланган ҳуқуқий, бошқарув, ахборот ва молиявий чекловлар бундай лойиҳаларни амалда амалга оширишга тўсқинлик қилмоқда. Муаллифнинг сўзларига кўра, ушбу чекловларнинг бекор қилиниши ДХШ лойиҳаларини амалий ишга туширишга ёрдам беради.

§3.3. Ўзбекистон Республикасида олий таълим соҳасида давлат-хусусий шериклигини ривожлантириш истиқболлари

Давлат-хусусий шериклик - давлат шериги ва хусусий шерикнинг муайян муддатга юридик жиҳатдан расмийлаштирилган, давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш учун ўз ресурсларини бирлаштиришига асосланган ҳамкорликдир.

Давлат-хусусий шериклик иштирокчиларини бевосита таълим жараёнига тадбиқ қилинадиган бўлса, ҳозирги пайтда жуда кўп ёшларни таълим билан камраб олиш масаласи ўта долзарб бўлиб турганлигини кўриш мумкин. Ушбу ёшларни таълим билан қамровини оширишга оид ишларни кейинга қолдириб бўлмайди. Инвесторлар ва ҳукумат ресурсларини бирлаштирган олий таълимда давлат-хусусий шерикликни жадал ривожлантириш орқали биз олий таълим тизимидаги долзарб масалалардан бирини яъни етарли моддий-техник таъминот ва талабалар турар жойини таъминлашни ҳал қилишимиз мумкин. Шу туфайли, лойиҳаларни амалга оширишда мавжуд муоммоларни ечиш билан бирга, айнан таълим соҳасини ривожлантиришдан икки томонлама манфаатдорлигини таъминлайди. Биринчидан ўзларининг маблағларини сарф қилиб, фойда олишга интиلسа, иккинчидан, ёшларнинг таълим билан қамровини оширишга ва таълим сифатининг яхшиланишига хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармонининг 48-мақсадида қарийб 100 минг ўринли талабалар турар жойларини барпо этиш масаласи келтириб ўтилган. Бунда, талабалар турар жойларини давлат-хусусий шериклик асосида барпо этишда лойиҳаларни молиялаштиришнинг мақбул усулларини йўлга қўйиш хусусида гапирилган ва 2022 йил ҳолатида 18800 ўринли 47 та талабалар турар жойларини барпо этиш ва 2026 йилга қадар 72 400 ўринли 181 та талабалар турар жойларини барпо этиш натижасида талабаларни ётоқхона билан таъминлаш даражасини 60 фоиздан ошириш вазифалари давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган⁷⁴.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 9 сентябрдаги “Республика олий таълим муассасаларида талабаларни турар

⁷⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ги ПФ-60-сон фармони, 48-мақсади

жой билан қамраб олиш даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 563-сон қарорида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 6 майдаги “Талабалар турар жойларини давлат-хусусий шериклик шартлари асосида қуриш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан субсидия ажратиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 239-сон қарорларида талабалар турар жойларини давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим талабларидан келиб чиқиб, тадбиркорлик субъекти томонидан камида 200 ўринли талабалар турар жойини барпо этиш келишувлари амалга оширилди.

Давлат-хусусий шериклик асосида талабалар турар жойларини қуриш учун Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетидан субсидиялар ажратиш тартиби ҳукуматнинг ушбу соҳани ривожлантириш сиёсати изчил амалга оширилаётганидан далолат беради.

Бугунги иқтисодийда, айниқса, қурилиш ва уй-жой секторларида иштирокчиларнинг самарали ҳамкорлигини таъминлаш учун минтақавий давлат-хусусий шериклик механизми ишлаб чиқилган. Ушбу механизм ҳукуматнинг қарорларни қабул қилиш жараёнига ва минтақадаги уй-жойларнинг ижтимоий-иқтисодий шароитларига сезиларли таъсир кўрсатадиган турли шакллар, усуллар, қоидалар ва бошқарув қоидаларини ўз ичига олади. Агар биз ДХШ ташкилий-иқтисодий механизмининг таркибий қисмларини ҳар қандай бошқарув тизими деб ҳисобласак, унда қуйидаги элементларни келтириш мумкин. Буларга бошқарув субъекти ва объекти; бошқарувнинг мақсад ва вазифалари; бошқарув самарадорлиги мезонлари; бошқарув ресурслари; бошқарув механизми воситалари (тутқичлари) шаклида амалга ошириладиган бошқарув усуллари; ДХШ субъектлари ва объектлари учун ўзгаришларни белгиловчи омиллар киради.

ДХШнинг ташкилий-иқтисодий механизми ҳудуддаги ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг бир қисми бўлиб, вилоят доирасида уй-жой қурилишини ривожлантириш унинг объектларидан бири ҳисобланади. Минтақадаги ДХШ

субъекти ўз тузилмаси бўйича мураккаб бўлиб, учта гуруҳдан иборат: ҳокимият томонидан тақдим этилган давлат, кўплаб бозор иштирокчилари вакили бўлган бизнес ва истеъмолчи сифатида аҳоли. Давлат ДХШ субъекти ҳисобланади, чунки у бошқарувнинг турли даражаларида - республика, минтақавий, маҳаллий даражада иштирок этади. У минтақадаги давлат-хусусий шериклик учун масъул бўлган ҳукумат ёки қонун чиқарувчи ҳокимиятдаги бошқарув органига асосланади.

Бундан ташқари, ДХШ субъектига таъсир этувчи субъектлар, шу жумладан давлат органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти тузилмаларидан келиб чиқиб, талабалар турар жойларини қурилиши уларнинг ҳудудида амалга оширилади, шунингдек, минтақавий ривожланиш ва иқтисодий манфаатларга эга бўлган бошқа бошқарув ва тадбиркорлик субъектлари киради. Мазкур тузилмалар талабалар турар жойларини қурилишини ривожлантиришга таъсир кўрсатиб, ҳудудий ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда иштирок этади. Аҳоли рақобатбардош маҳсулот хизмат кўрсатишдан манфаатдор истеъмолчи сифатида ДХШ субъектларидан бирига айланади.

Хусусий шерикликда талабалар турар жойларини қуриш учун лойиҳа-смета ҳужжатлари бўйича бир ўринга тўғри келадиган қийматнинг 50 фоизи, бироқ базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 бараваридан ортиқ бўлмаган миқдорда субсидиянинг ажратилиши ҳам талабалар турар жойларини қурилишини ривожлантиришга олиб келади. Тадбиркор томонидан қурилишнинг олиб борилиши ўз таркибида мураккаб бўлиб, қурилиш корхонасининг қиймат занжири тизимида киритилган бизнес тузилмалари вакиллари (етказиб берувчилар, пудратчилар, истеъмолчилар) ўз ичига олади. Мақсадларга эришиш бўйича ДХШ субъектлари ва қурилиши субъектлари ўртасида маълум қарама-қаршиликлар пайдо бўлиши мумкин, улар ҳам фарқ қилиши мумкин, чунки улар турли субъектларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларига асосланади. Дарҳақиқат, замонавий иқтисодий шароитда

минтақада уй-жой қурилишини ривожлантириш мақсадлари асосан қурилиш корхоналари эгаларининг, биринчи навбатда йирик корхоналарнинг иқтисодий манфаатлари билан амалга оширилади, улар минтақавий ва маҳаллий меҳнат бозорининг ҳолатини белгилайди. Шу билан бирга, минтақадаги ДХШ мақсадлари ва минтақавий уй-жой қурилиши мақсадлари бир-бирига мос келмаслиги мумкин, чунки уларнинг субъектлари бошқача. Ушбу мақсадларни уйғунлаштириш муаммоси пайдо бўлиб, бу субъектлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг усуллари ва шакллари шакллантириш учун асос бўлиб хизмат қилади. ДХШ ташкилий-иқтисодий механизмининг вазифалари қуйидагилардан иборат:

- ДХШ иштирокчилари ўртасида самарали ҳамкорликка эришишни таъминлаш;

- талабалар турар жойларини қурилиши ривожланишини таъминлаш, шу орқали олий таълим тизимининг талабаларини уй-жой билан таъминлаш имкониятини яратиш орқали тизимнинг барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш.

Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш соҳасида қатор муаммолар келтирилиши билан биргаликда талабалар турар жойлари кутубхона, ўқув устахоналари, лабораториялар, спорт соғломлаштириш ва ижтимоий инфратузилма объектлари қувватлари мавжуд эҳтиёжни қаноатлантирмайди, уларнинг аксарият қисмида бугунги кун талабларига жавоб берадиган моддий-техник база шакллантирилмаганлиги ва мавжуд талабалар турар жойлари ҳамда ижтимоий инфратузилма объектлари хорижий талабалар эҳтиёжларига мослаштирилмаганлиги келтириб ўтилган⁷⁵.

⁷⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси” ПФ-5847-сон Фармони.

Президентнинг 2024 йил 30 августдаги “Ўзбекистон Республикасида 2024–2030 йилларда давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш чоратadbирлари тўғрисида”ги ПҚ-308-сон қарори “Ўзбекистон-2030” стратегиясига мувофиқ ва ДХШ лойиҳаларига камида 30 млрд АҚШ доллари миқдорида хусусий инвестицияларни жалб қилиш мақсадли кўрсаткичига эришиш зарурияти таъкидланган. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги тузилмасида давлат муассасаси шаклида “Давлат-хусусий шериклик лойиҳалари маркази” лойиҳа офиси ташкил этилиши кўзда тутилган. Ушбу давлат муассасаси дастурга киритилган лойиҳаларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлайди ва Давлат-хусусий шериклик фондидан тушган маблағларни самарали бошқаради.

Тадқиқотимиз натижасида ҳозирги кунда ДХШ амалга ошириладиган соҳалар сони 15 та бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 10 майда имзоланган “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида” ЎРҚ-537-сонли Қонунида Давлат-хусусий шерикликнинг асосий принциплари асосида барча соҳаларда бирдек амал қилади. Ҳамда қонунда ҳар бир принципнинг мазмун моҳияти очиқ берилган. Аммо бунда барча соҳаларга дахлдор бўлган умумий масалаларга қаратилган. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги таркибида давлат муассасаси сифатида “Давлат-хусусий шериклик лойиҳалари маркази” лойиҳа офисида давлат шериги билан ҳамкорликда (бугунги кунда 15та) йўналишнинг ҳар бири учун йўл харитасини ишлаб чиқишни таклиф қиламиз. Бунга давлат-хусусий шерикликнинг асосий принциплари қаторига соҳаларга мослаштирган ҳолда бир нечта принципларни қўшимча қилиб, лойиҳа китобини яратса, лойиҳа аниқ соҳавий принципларга асосланган бўлади.

Агар таълим тизимига мослаштириладиган бўлса, бизнинг фикримизча, ушбу принциплар қаторига яна бир қанча қўшимчаларни киритиш ва ДХШни

амалга оширишда ушбу қўшимчаларни инобатга олиш лозим бўлади. Буларга қуйидагиларни киритиш мумкин.

ДХШ принципларининг таълим соҳасига хос хусусиятлари:

1. Ёшларни олий таълим билан қамровини ошириш принципи;
2. Олий таълимга академик ва ташкилий бошқарув бўйича мустақиллик принципи;
3. Олий таълимда қоғозбозликни камайтиришга қаратилган рақамли таълимни жорий қилиш принципи;
4. Олий таълимнинг илмий салоҳиятини мунтазам ошириб боришга қаратилган принцип;
5. Жамият талабига мос рақобатбардош кадрларни тайёрлаш принципи.

Биринчидан, ёшларнинг олий таълим билан қамровини оширишга манфаатдорлик принципи таълим соҳаси учун жуда муҳимдир. Мазкур принцип асосан олий таълим тизимида хос бўлган принциплардан бири бўлиб, ҳозирги пайтда давлат сиёсатининг амалга оширилишига таълуқли бўлиб, 2030 йилларга бориб ёшларни қамров даражасининг 50 фоизга етишига хизмат қилади. Шу билан бирга таълим сифатини ошириш ҳам устувор вазифалар сирасига киради. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сонли Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида олий таълим билан қамров даражасини 50 фоиздан ошириш, соҳада соғлом рақобат муҳитини яратиш етказиш кўзда тутилган. Ўзбекистонда охириги етти йилда мактабгача таълим бўйича қамров даражаси 27 фоиздан 72 фоизга, олий таълимда эса 9 фоиздан 42 фоизга етди. Бу ҳақда Шавкат Мирзиёев 2023 йил 1 октябрь - Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан соҳа ходимларига юборган табригида маълум қилди. Ушбу кўрсаткични 2030 йилига келиб 50 фоиздан ошириш режалаштирилган.

Олий таълим қамровини кенгайтириш мақсадида юқоридаги Фармонда таълим тизимида давлат-хусусий шериклик механизми жорий этилди. Ушбу тизим хусусий тадбиркорларга ўз фаолиятини ташкил этиш учун молиявий ва услубий ёрдам кўрсатади. Келгусида ушбу ёрдам молиялаштириш, Олий таълим муассасаларида ТТЖни ташкил этиш лойиҳалари, ер участкалари ва бўш биноларни имтиёзли ажратишда ўз ифодасини топди.

ДХШ асосида таълим соҳасида ташкил этиш чоралари ва механизмларини белгилайдиган бир қатор номратив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Олий таълимда давлат-хусусий шерикликнинг энг катта ривожланиши талабалар турар жойини қуриш, реконструкция қилиш ва моддий-техник ва услубий кўллаб-қувватлаш бўйича ҳамкорликдир.

2023 йилнинг сўнгига қадар ДХШ асосида амалга ошган олий таълимда талабалар турар жойини қиймати 1448109 тенг бўлган 54 та ТТЖга етган ва ўсишда давом этмоқда. Олий таълим муассасаларининг сонини, таълим сифати ва самарадорлигини ошириш учун замонавий рақобатбардош лойиҳаларни кўпайтириш заруратини туғдирди. Бу эса, ўз навбатида соҳани ДХШ асосидаги ривожлантиришни тақозо қилади.

Иккинчидан, жамият талабларини қондириш учун рақобатбардош мутахассисларни тайёрлашни мослаштириш зарур бўлиб қолмоқда. Бу жуда муҳим қадамдир, чунки кўп ҳолларда энг керак мутахассислар етишмай қолган бир паллада, олий таълимни битириб иш топа олмайдиган талаба ва мутахассислар ҳам мавжудлиги сир эмас. Шунинг учун жамиятдаги жадал ривожланишга мос келадиган янги кадрларни тайёрлаш муҳимдир. Ушбу мураккаб вазиятни бартараф этиш учун энг янги технологияларни бирлаштирган, халқаро тажрибалардан келиб чиққан ҳолда ва ДХШ тамойилларига амал қиладиган олий ўқув юртларини ташкил этиш талаб этилади.

Учинчидан, Олий таълимда молиявий мустақилликни таъминлайдиган давлат-хусусий шериклик тамойилини мустаҳкамлаш жуда муҳимдир. Мамлакатимиз олий таълим тизимида маълум даражада мустақиллик берилмоқда. Ушбу тамойилга мувофиқ, ДХШга асосланган кўпроқ олий ўқув юртлари ташкил этилиши билан улар ўртасида рақобат муҳити пайдо бўлади. Ушбу танлов тизимни ривожлантириш ва таълим хизматлари самарадорлиги ва сифатини оширишда муҳим омил бўлади.

Тўртинчидан, олий таълимда илмий салоҳиятни ошириш учун инновацион омилларни мунтазам равишда максимал даражада ошириш принципи бугунги кунда катта аҳамиятга эга. Ушбу принципти амалга ошириш ҳозирги кунда жуда муҳим аҳамиятга эга. Чунки ҳозирги шароитда кўплаб диссертациялар кафедрадан, ундан кейин семинарда ва охириги босқич бўлган ишнинг ҳимояси тўғрисида эълон қилиш масалалари ўртасидаги муддатларни қисқартирган ҳолда ишни кўриб чиқишни тезлаштиришни тақозо қилади. Ушбу ёндашув тугалланган диссертациялар муаллифларига тезроқ натижаларга эришиш ва мамлакатимизда илмий салоҳиятни ошириш имконини беради.

Бешинчидан, олий таълим тизимида қоғозбозликни камайтиришга қаратилган соҳани рақамлаштиришни жорий қилиш принципи ҳам ҳозирги шароитда муҳим аҳамиятга эга. Чунки шу йўл билан олий таълимдаги бюрократия ва коррупциянинг кескин қисқаришига эришиш мумкин бўлади. Ушбу принципнинг яна бир моҳияти шундаки, ҳозирги пайтда профессор-ўқитувчиларнинг жуда кўп вақти турли қоғозларни тўлдиришга кетмоқда ва шу билан фақат вақт эмас, балки бир қанча қоғозларнинг ҳамисроф бўлишига олиб келмоқда. Соҳани рақамлаштиришнинг жуда кўп қулайликлари бор. Биринчидан, илмнинг ўқитувчилардан истеъмолчиларга етказиб берилиши тезлашса, иккинчидан, ортиқча қоғозбозликка ҳам барҳам берилади. Аммо бундай таълим технологияларини жорий қилинишига ўқитувчилар билан бирга талабалар ҳам тайёр бўлишлигини тақозо қилади. Бунга эришиш учун

талабанинг билимини қадирлайдиган жамият ҳам шаклланиши лозим бўлади. Бу ҳақда профессор М.Қ.Пардаевнинг умумий таҳририда нашр қилинган “Рақамли иқтисодиётнинг назарий ва амалий масалалари” мавзусидаги монографияда⁷⁶ батафсил ёритилган.

Навбатдаги ДХШ билан боғлиқ бўлган муҳим жиҳатлардан бири, ушбу шериклик лойиҳаси концепцияси билан боғлиқдир. Бу борада амалдаги тартиб бўйича қуйидагича белгиланган.

Ушбу масалага ёндошувлар ҳам таълим соҳасига хос бўлишлиги керак. Агар шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, бевосита муҳтарам Юртбошимизнинг кўрсатмаларига амал қилишимиз лозим бўлади. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 2021 йилнинг 16 июнь куни олий таълим тизимидаги устувор вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилишида таълим тизимидаги ДХШга эътибор қаратиб, “Ётоқхона ўринлари сонини ошириш масаласига ҳам тўхталиб ўтилди. Бугунги кунда талабалар учун қўшимча 149 мингта турар жойга эҳтиёж мавжуд. 2024 йилга келиб бу кўрсаткич ортти яъни 182 мингта турар жойга эҳтиёж бор⁷⁷. Ётоқхоналарни тадбиркорлар билан хусусий шериклик асосида ташкил этиш учун олий таълим муассасаси ҳудудидан ёки унга яқин жойдан аукцион орқали ер ажратилиши белгиланди. Бу биноларнинг биринчи ва иккинчи қавати бизнес учун тадбиркорларга берилиб, юқори қаватлари арзон турар жой бўлади. Талабаларга у ерда яшаш харажатларнинг 50 фоизи бюджетдан қоплаб берилади”⁷⁸, деб таъкидлади. Кўриниб турибдики, ДХШ таълим тизимида биров фарқ қилади. Шу туфайли шунга мос низомлар ишлаб чиқилиши лозим.

⁷⁶ Пардаев М.Қ., Абдурахманов Қ.Х., Маҳкамова М.А., Пардаев О.М., Бабаназарова С.А. Рақамли иқтисодиётнинг назарий ва амалий масалалари. (Монография). – Т.: “Фан ва технология нашриёт-маъбаа уйи”, 2021. – 172 бет.

⁷⁷ <https://stat.edu.uz/students>

⁷⁸ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2021 йилнинг 16 июнь кунда “Олий таълим тизимидаги устувор вазифалар”га бағишланган видеоселектор йиғилишида эътироф этилган топшириқлар.

3.26-жадвал

ДХШ лойиҳасининг концепциясини тасдиқлаш учун ёндошувлар ва уларни реестрга киритиш тартиби

Т/р	Давлат-хусусий шериклик лойиҳасининг қиймати	Амалга ошиш тартиби
1.	Бир миллион АҚШ доллариға қадар	Тегишли давлат органи (ташкilotи) томонидан мустақил равишда амалга оширилади.
2.	Бир миллион АҚШ долларидан ортиқ ва ўн миллион АҚШ доллариға қадар	Тегишли давлат органи (ташкilotи) томонидан ваколатли давлат органи ДХШ агентлиги билан келишувга кўра амалга оширилади.
3.	Ўн миллион АҚШ долларидан ортиқ	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан амалга оширилади.
	Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларининг реестрига киритилгандан кейин қарор қабул қилиш муддати 30 кун	

Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим муваффақиятли расмийлаштирилганлиги учун тендер ғолиби ёки тўғридан-тўғри музокара иштирокчиларидан ундириладиган бир марталик тўлов миқдорлари жорий қилинган⁷⁹.

3.27-жадвал

Тендер ғолиби ёки тўғридан-тўғри музокара иштирокчиларидан ундириладиган бир марталик тўлов миқдорлари⁸⁰


Т/р	Давлат-хусусий шериклик лойиҳасининг қиймати	Бир марталик тўлов миқдори (фоизда)
1.	Умумий қиймати 1 млн АҚШ долларидан 10 млн АҚШ доллариғача бўлган лойиҳалар учун	0,2%
2.	Умумий қиймати 10 млн АҚШ долларидан 100 млн АҚШ доллариғача бўлган лойиҳалар учун	0,1%
3.	Умумий қиймати 100 млн АҚШ долларидан 1 млрд АҚШ доллариғача бўлган лойиҳалар учун	0,05%
4.	Умумий қиймати 1 млрд АҚШ долларидан ортиқ бўлган лойиҳалар учун	0,02%

Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим муваффақиятли расмийлаштирилганлиги учун тендер ғолибидан ёки тўғридан-тўғри бир марталик тўловларнинг 50 фоизи миқдоридаги ажратмалар музокаралар

⁷⁹ <https://lex.uz/ru/docs/5568613>

⁸⁰ <https://lex.uz/ru/docs/5568613>

иштирокчисидан ундирилади.



3.18-расм. ДХШ ва ОТМ талабалар турар жойларини қурилиши объектлари ва субъектларининг ўзаро таъсири механизми⁸¹

Юқоридаги 3.18-расмдан бизга маълумки, 2021 йил 9 сентябрдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Республика олий таълим муассасаларида талабаларни турар жой билан қамраб олиш даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 563-сон қарорида Республика олий

⁸¹ Муаллиф ишланмаси.

таълим муассасаларида талабаларни турар жой билан камраб олиш даражасини ошириш, барча қулайликларга эга бўлган замонавий талабалар турар жойларини қуриш учун қўшимча шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратилган. Бизнингча, ДХШ ва ОТМ талабалар турар жойларини қурилиши объектлари ва субъектларининг ўзаро таъсири механизми қуйидагича бўлиши лозим.

Бугунги кунда мамлакатимизда талабалар турар жойларини давлат-хусусий шериклик шартлари асосида барпо этиш учун барча шарт-шароитлар яратилган.

Республика ҳудудларида талабалар турар жойларини ДХШ шартлари асосида барпо этиш шакллари 12-илова орқали қўриш мумкин. Бунда ТТЖ қуриш учун амалга ошириладиган лойиҳаларини тадбиркорлик субъектларинин қандай маблағларига асосан ташкил қилиниши келтириб ўтилган.

Ҳудудларда талабалар турар жойларини қуриш учун олий таълим муассасаларига доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида ажратилаётган ер майдонлари 13-иловадаги жадвал маълумотларидан келиб чиқиб, шуни айтиш мумкинки, бугунги кунда республика бўйича жами 30 890 ўринли 60 та талабалар турар жойини қуриш лойиҳалари амалга оширилмоқда. Биргина 2022 йилда давлат-хусусий шериклик асосида умумий қуввати жами 20 800 ўринли 39 та лойиҳа устида иш олиб борилди. Шундан Самарқанд давлат университетида тадбиркорнинг тўлиқ маблағлари ҳисобидан 1 та 350 ўринли ётоқхона фойдаланишга топширилди.

Ҳозирги пайтгача жами 4800 ўринли 11 та лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш департаменти томонидан давлат реестрига олинган. Шунингдек, жами 3000 ўринли 7 та лойиҳа битими расмийлаштириш жараёнида турибди ва Тошкент шаҳридаги 1 та 1 000 ўринли ётоқхона қурилиши лойиҳаси тендер босқичида эканлигини қўришимиз мумкин. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги

Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш департаменти расмий сайтида, тегишли вазирликлар ҳамда ОТМ расмий сайтларида 3300 ўринли 5 та лойиҳа бўйича эълон берилган. Булар Жиззах педагогика институтидаги 2 та 1200 ўринли, Гулистон давлат университетидаги 1 та 600 ўринли, Тошкент давлат педагогика университетидаги 1000 ўринли ҳамда Нукус давлат педагогика институтидаги 500 ўринли ётоқхоналар қурилиши лойиҳаларидир. Шу билан бир қаторда бугунги кунда буларга қўшимча равишда 14 та 8350 ўринли лойиҳа юзасидан концепция ҳужжатлари ишлаб чиқилмоқда.

Бундан ташқари, давлат олий таълим муассасаси ва давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тенг улушда амалга ошириладиган, ОТМнинг тўлиқ ўз маблағлари ҳисобидан қуриладиган, ҳамда инвестиция дастури доирасидаги лойиҳалар бўйича ҳам иш олиб борилмоқда. Улар доирасида жами 10 090 ўринли 21 та ётоқхоналар қурилмоқда. Шундан Қорақалпоқ давлат университетида 550 ўринли талабалар турар жойи университетнинг тўлиқ ўз маблағи ҳисобидан қуриб битказилди. Бундан ташқари, бугунги кунда 1 та 240 ўринли лойиҳа тендер босқичида. 11 та 4 850 ўринли лойиҳага смета ҳужжатлари ишлаб чиқилмоқда⁸².

ДХШ лойиҳалари институционал ва шартномавий шаклларда амалга оширилади. Ҳамкорликнинг институционал шакллари қўшма корхона ташкил этиш ёки мавжуд корхонани корпоративлаштиришни ўз ичига олади, у умуман минтақани, хусусан, қурилиш саноатини барқарор ривожлантириш мақсадига эришиш учун бизнес ва давлат тузилмалари ресурсларини бирлаштиради. Ушбу ДХШ шаклининг камчиликлари ташкилотни бошқаришдаги мумкин бўлган қийинчиликлар, компания фаолияти устидан назоратни қисман йўқотиш билан боғлиқ юқори бизнес хавф-хатарлари ва бошқаларни ўз ичига олади. Бу ҳолатлар қўшма корхоналарнинг инвесторлар учун жозибадор эмаслигига сабаб бўлмоқда. ДХШ шартнома

⁸² <https://yuz.uz/news/talabalar-turar-joylarini-qurish-boyicha-ishlar-qanday-bormoqda>

шакллари янада мослашувчан ва хилма-хилдир. Анъанавий равишда уларни икки гуруҳга бўлиш мумкин: имтиёзли ва имтиёзсиз. 1. Концессия шартномалари ДХШнинг энг мураккаб шакли ҳисобланади, чунки улар барча иштирокчиларнинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда мувозанатли шартномалар ишлаб чиқишни талаб қилади. Концессия шартномасининг бир қисми сифатида хусусий шерик ўз маблағлари ҳисобидан мулк ҳуқуқи шерикга тегишли бўлган объектни ҳокимият органларидан яратиши ва (ёки) реконструкция қилиши шарт.

Жаҳон амалиётида концессия шартномаларининг турли моделлари мавжуд бўлиб, уларга қуйидагилар мисол бўлиши мумкин (қаранг 3.19-расм).



3.19-расм. Жаҳон амалиётида концессия шартномалари

Юқоридаги барча шакллар ДХШнинг жаҳон амалиётида анча тез-тез қўлланилади, лекин Ўзбекистонда ДХШнинг қуйидаги шакллари кўпроқ қўлланилади:

- 1) тадбиркорлик тузилмаларининг инвестиция мажбуриятлари билан

тузилган давлат шартномалари;

2) давлат мулкани ижарага бериш;

3) капиталда иштирок этиш;

4) концессиялар (концессия шартномалари);

5) маҳсулот тақсимооти тўғрисидаги битимлар (ПСА);

6) ҳар хил турдаги меҳнат ва мулкый муносабатларни бирлаштирган шартномалар.

3.28-жадвал

Ўзбекистонда 2024-2026 йиллар олий таълим соҳасида асосида амалга ошириладиган лойиҳалар сони⁸³

	2024 йил	2025 йил	2026 йил
Ўзбекистон Республикаси	26	32	33
Қорақалпоғистон республикаси	2	2	2
вилоятлар			
Андижон	3	5	5
Бухоро	2	2	3
Жиззах	2	1	1
Қашқадарё	2	2	1
Навий	1	1	1
Наманган	-	3	3
Самарқанд	8	2	5
Сирдарё	-	2	1
Тошкент	2	2	2
Фарғона	1	4	2
Хоразм	-	1	2
Сурхондарё	1	1	1
Тошкент шаҳри	2	4	4

⁸³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 25 декабрдаги “2024 — 2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари” тўғрисида 404-сон қарори маълумотлари

Мамлакатимизда ДХШнинг юқоридаги шакллари асосан фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар, концессия шартномалари ва давлат-хусусий корхоналар орқали қурилишда қўлланилади.

Шуни таъкидлаш керакки, сўнгги бир неча йил ичида Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртларида талабалар сонининг кескин ортганлигини кўриш мумкин.

Ушбу сезиларли ўсишни бир неча омиллар билан изоҳлаш мумкин. Ўзбекистон ҳукумати, биринчи навбатда, олий таълимни ривожлантириш, ундан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиришга катта эътибор қаратмоқда. Давлат сиёсати доирасида таълим сифатини ошириш, ўқувчилар учун қулай шароит яратишга қаратилган ислоҳотлар фаол амалга оширилмоқда.

Иккинчидан, талабалар сонининг кўпайиши Ўзбекистон аҳолисининг олий таълимга бўлган қизиқиши ортиб бораётганидан далолат беради. Таълимга бўлган талаб доимий равишда ортиб бормоқда, чунки замонавий меҳнат бозорлари юқори малакали кадрларни талаб қилади. Ёшлар меҳнат бозорида рақобатлашиш ва келажакдаги мартабаларини яхшилашга ёрдам берадиган таълим олишга интилмоқда.

Учинчидан, талабалар сонининг кўпайиши Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларининг кўпроқ талабаларни қабул қилиш ва тайёрлаш имкониятлари ошиб бораётганидан далолат беради. Бу мамлакатда олий таълим ривожланганлиги ва барқарор иқтисодий ва ижтимоий ривожланишга эришиш учун инсон капиталини ривожлантиришга интилаётганидан далолат беради.

Олий таълим муассасалари талабалар сонининг ўсишини башорат қилиш ёки ҳозирги талабалар сони, сўнгги рўйхатга олиш тенденциялари, демографик ўзгаришлар, диплом дастурлари машҳурлиги ва бошқа омиллар тўғрисидаги маълумотлардан фойдаланишни ўз ичига олиши мумкин. Келажакдаги олий таълим муассасаларида талабалар сонининг ўсишини башорат қилиш учун

асосий эътибор қиладиган жихатларидан бири мамлакатда демографик ўзгаришлар яъни шаҳар ва вилоятларда аҳоли сонининг кўпайиши, шунинг билан бирга прафессор ўқитувчиларгигш ҳам эҳтиёжи яққол кўриниб қолади. Шуларни инобатга олиб вақт серияларини прогнозлаш усуллари ёки машинани ўрганиш моделларини ҳам қўллашимиз мақсадга муоффиқ бўлади.


3.29-жадвал

2030 йилгача олий таълим соҳасида давлат-хусусий шериклик асосида амалга ошириладиган талабалар сони ва ётоқхоналарга бўлган эҳтиёж прогнози

Ўқув йили	Талабалар сони (минг киши)	Талабалар турар жойларига талаб (минг киши)	Ўзбекистонда олий таълим соҳасида давлат-хусусий шериклик асосида амалга оширилаётган лойиҳалар қиймати (миллион сўм)
2017/2018	140.2	127 582	-
2018/2019	192.3	174 993	-
2019/2020	244,0	222.04	-
2020/2021	328.7	299.117	813352
2021/2022	461,0	419.51	583322.2
2022/2023	205.0	186.55	1544346.6
2023/2024	285.5	254 095	1711335
2024/2025	397,9	354.131	2076832
2025/2026	553,5	492 615	2442329 (прогноз)
2026/2027	770,7	685.923	2807827 (прогноз)
2027/2028	1073,9	945 032	3173324 (прогноз)
2028/2029	1497.5	1317,8	3538821 (прогноз)
2029/2030	2085.5	1835.24	3904319 (прогноз)
2030/2031	2908.8	2501.568	1711335 (прогноз)

Университет талабалари сонининг 2030 йилгача ўсиши прогнози бу барқарор ва сезиларли даражада содир бўлишини кўрсатади. Бундай ҳолда,

университетнинг машҳурлиги ва жозибadorлиги ортиб бормoқда, шунингдек, жамиятда олий таълимга бўлган эҳтиёж ортиб бормoқда, деб тахмин қилиш мумкин. Бошқа томондан, бу факт ДХШ асосида қуриш тавсия этилаётган талабалар турар жойларига эҳтиёж борлигини кўрсатади.



3.20-расм. 2030 йилгача талабалар сони ва ётоқхонага бўлган эҳтиёж

Ўзбекистонда талабалар турар жойида қуйидаги муаммолар юзага келиши мумкин:

1. Яшаш жойлари сонининг етарли эмаслиги: талабалар сонининг кўпайиши сабабли ётоқхоналардаги ўринлар сонининг етарли эмаслиги, бу эса турар жойларнинг етишмаслигига олиб келиши мумкин.

2. Яшаш шароитларининг сифатсизлиги: ётоқхоналарда уй-жой қулайлиги, санитария-гигиена ва ошхона ва кир ювиш машиналари каби қулайликлардан фойдаланиш чекланганлиги билан боғлиқ муаммолар бўлиши мумкин.

3. Хавфсизлик: баъзи ётоқхоналар ўғрилиқ, талабалар ўртасидаги низолар ва бошқа муаммолар каби хавфсизлик муаммоларига дуч келиши мумкин.

4. Ижтимоий хизматларнинг етарли даражада таъминланмаганлиги: баъзи ётоқхоналарда тиббий ёрдам, илмий маслаҳат ва бошқалар каби ижтимоий хизматлар етишмаслиги мумкин.

Бу муаммоларни ҳал қилиш ётоқхона инфратузилмаси сифатини яхшилаш, ётоқхона қурилишини бошқариш ва молиялаштириш бўйича ДХШ мувофиқлаштириш тизимини такомиллаштиришни тақозо этади.

Ўзбекистонда тараққиётга интилиш университетлардаги талабаларнинг сони ўсиши билан намоён бўлади. Бу мамлакатимизни янада ривожлантириш, интеллектуал салоҳиятини мустаҳкамлаш ва халқаро миқёсда рақобатбардошлигини оширишга замин яратади.

Учинчи боб бўйича хулосалар

Ушбу бобда ДХШ асосида талабалар учун ётоқхоналар ҳамда кўп турар-жой мажмуаси қурилишини бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизми таклиф этилди. Ушбу механизм концепцияси лойиҳанинг ҳаёт айланишининг турли босқичларида қўлланиладиган бошқарув тамойиллари, усуллари ва функцияларини бошқаришнинг ўзаро боғланган объектлари ва субъектлари тўпламидир. Ахборот таъминоти, элементларнинг бир-бири билан ва ташқи муҳит билан молиявий, маъмурий ва технологик ўзаро таъсирининг ўзига хос қоидаларига асосланади.

Хориж тажрибасини тадқиқ этиш асосида қўйидаги концессия шартномаларининг турли моделлари ўрганилди: ROT (қайта қуриш - бошқариш - узатиш); RLT (“реконструкция қилиш – ижарага бериш – топшириш”) Концессия шартномаси объектини реконструкция қилиш тугаллангандан сўнг ушбу объект лизинг асосида концессионерга ўтказилади; BROТ (кенгайтириш - бошқариш - ўтказиш); BOOT тадбиркорлик тузилмалари ўз маблағлари ҳисобидан объектга эгалик ҳуқуқини сақлаб қолган ҳолда ДХШ объекти қурилишини амалга оширади, қурилиш тугаллангандан сўнг уни шартномада

кўрсатилган муддатда ишлатади, сўнгра объектни давлат органларининг мулкига ўтказди. ВОТ (қурилиш - фойдаланиш/бошқариш - узатиш); ВОО (қурилиш - эгалик - фойдаланиш/бошқарув) - бизнес шериги объектни куради ва кейинчалик унга эгалик ҳуқуқи берилади, унинг амал қилиш муддати чекланмаган.

Ўзбекистонда ДХШнинг қуйидаги шакллари, яъни тадбиркорлик тузилмаларининг инвестиция мажбуриятлари билан тузилган давлат шартномалари, давлат мулкани ижарага бериш, капиталда иштирок этиш, концессиялар (концессия шартномалари), маҳсулот тақсимоти тўғрисидаги битимлар, ҳар хил турдаги меҳнат ва мулкый муносабатларни бирлаштирган шартномалар кўпроқ қўлланилади.

2030-йилгача олий таълим соҳасида давлат-хусусий шериклик асосида амалга ошириладиган талабалар сони ва ётоқхоналарга бўлган эҳтиёж прогнози амалга оширилди. Прогнозга кўра, талабалар сони 2030 йилга келиб 2908,8 минг кишига етиши, талабалар турар жойига бўлган талаб 2501,568 минг кишига етиши ҳамда Ўзбекистонда олий таълим соҳасида давлат-хусусий шериклик асосида амалга оширилаётган лойиҳалар қиймати 1711335 миллион сўмга етиши кутилмоқда.

ХУЛОСА

Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини бошқариш механизмларини такомиллаштириш мавзусида амалга оширилган тадқиқот асосида қўйидаги илмий хулосалар олинди:

1. Давлат-хусусий шериклик механизми – давлат инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишдаги хусусий инвестор жалб қилиш усулларидан бири бўлиб, ушбу механизмда бюджети сарфини камайтириб, давлат ва хусусий шерик ҳисобланган томонлар келишилган битим бўйича лойиҳани амалга оширади. Бу орқали нафақат инфратузилма объектини барпо этишда шартнома томонлари шериклик қилади, балки уни кейинчалик фойдаланиш ҳамда бошқа ҳуқуқларда ҳам ўзаро ҳамкорликни давом эттиришни мақсад қилади.

2. Мамлакат ва минтақаларни стратегик ривожлантириш борасида ишлаб чиқилган дастур ва режаларга мувофиқ ДХШнинг қўлланиш соҳасини кенгайтириш, ДХШ лойиҳалари бозорини ривожлантиришни таъминлаш, маҳаллий ва хорижий хусусий инвесторларнинг таклифларини рағбатлантириш, мамлакат иқтисодиётининг “ўсиш нуқтаси”ни қўллаб-қувватлаш, лойиҳаларни амалга оширишга ўзга субъектларнинг фойдаланилмаётган ресурсларини жалб этиш орқали ДХШ фаолиятини янада ривожлантириш имконини беради.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сонли “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ги Фармонида олий таълим соҳасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш, ҳудудларда давлат ва нодавлатлаштириш, ҳудудларда давлат ва нодавлат олий таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш асосида олий таълим билан қамров даражасини 50 фоиздан ошириш, соҳада соғлом рақобат муҳитини яратиш вазифаси қўйилган. Шундан келиб чиққан ҳолда, менежментнинг мувофиқлаштириш функциясини бажариш асосида давлат-хусусий шериклиги тизимини такомиллаштириш зарурати юзага чиқади.

4. Мамлакатимизда давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш тартибини такомиллаштиришга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, жумладан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 30 августдаги “Ўзбекистон Республикасида 2024-2030 йилларда давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-308-сон қарори ҳамда соҳага тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мамлакат иқтисодиётида ДХШ соҳасида давлат сиёсатини амалга оширишда иштирок этмоқда, шунингдек, ДХШ лойиҳаларини айёрлаш ва амалга оширишда идоралараро мувофиқлаштиришни таъминлайди.

5. Ўзбекистонда давлат-хусусий шериклик асосида олий таълимни ривожлантириш тизимида салмоқли ўзгаришларга олиб келмоқда, хусусан таълим тизимида соғлом рақобат муҳитини ривожлантиришга қаратилган ягона йўл бу хусусий секторнинг таълим тизимидаги ҳиссасини оширишдир. Ўзбекистон Республикаси ОТМ ларида хусусий секторнинг таълим тизимидаги ҳиссасини ошириш орқали рақобатчилик муҳитини таъминлашга қаратилган стратегик мақсадларига эришишида давлат-хусусий шериклик асосий дастак ҳисобланади.

6. Тадқиқот натижаларига кўра, мамлакатимиз ОТМларида 2023 йилдаги таҳсил оладиган 1342445 нафар талабадан 638776 нафар талабанинг яъни жами талабалар сонидан 47,6 % талабаларнинг турар жойига эҳтиёжи мавжуд. Шундан 609617 нафар (414141+195476) талабанинг бирламчи эҳтиёжи мавжуд эканлиги аниқланди. Республика олий таълим муассасаларида жами таҳсил оладиган 1 342 445 нафар талабадан 52,4 % ўз уйида яшовчи талабалар, 31 % талабалар турар жойларида яшовчи талабалар, 14,6 % ижара уйида яшовчи талабалар, 2 % қариндошларнинг уйида яшовчи талабалар ташкил қилади. Талабаларнинг турар жойга бўлган эҳтиёжини вилоятлар кесимида ўрганишлар давомида шуни гувоҳи бўлдики, энг юқори кўрсаткичларга эга бўлган 3 та вилоят Тошкент шаҳри, Самарқанд ва Бухоро вилоятларини ташкил қилади.

Худудларда талабаларнинг турар жойга эҳтиёжи тўлиқ қондирилмаганлигини олий таълим тизимида давлат-хусусий шериклигини тартибга солишга оид қонунчиликнинг ривожлантириш орқали мамлакатда таълим тизимида рақобат муҳитини яратиш имкони пайдо бўлади ва тизимда сифатли хизмат кўрсатишни тақозо этади.

7. Республикамизнинг 14 та худудидан SEM-модел воситасида таҳлил қилинди, унга кўра, ОТМда ДХШ қийматидаги ҳар бир бирлик ўсиши учун кундузги бакалавр талабаларининг 0,386 бирликка ошишига олиб келиши кутилмоқда. ОТМ ДХШ қийматининг ҳар бир бирлик ўсиши учун кечки бакалавр 0,036 бирликка ошиши кутилмоқда, ОТМ ДХШ қийматидаги ҳар бир бирлик ўсиши учун турар жой 0,055 бирликка ошиши кутилмоқда. Шунингдек, ОТМ ДХШ қийматининг ҳар бир бирлик ўсиши учун қариндош 0,003 бирликка камайиши, ОТМ ДХШ қийматидаги ҳар бир бирлик ўсиши учун ўз уйида 0,117 бирликка ўсиши кутилмоқда, ОТМ ДХШ қийматидаги ҳар бир бирлик ўсиши учун кечки 0,001 бирликка ошиши кутилмоқда. ОТМ ДХШ қийматининг ижара таъсирини кўрсатиши аниқланиб, ОТМ ДХШ қийматининг ҳар бир бирлик ўсиши учун ижара 0,007 бирликка камайиши кутилмоқда.

8. Давлат-хусусий шериклик асосидаги истиқболли лойиҳалардан таълим соҳасида ДХШ қонунчилиги асосида 4 та ДХШ лойиҳаларини қуриш ва лойиҳани амал қилиш муддати 10-30 йил, лойиҳаларнинг қиймат жами суммаси 380 млн АҚШ долларини ташкил қиладиган лойиҳалар амал қилмоқда. Бу эса ўз навбатида олий таълим соҳасида давлат-хусусий шериклик асосида амалга ошириладиган лойиҳаларнинг тендерларини ташкил қилиш тартибини янада такомиллаштиришни талаб этади. Бу эса ўз навбатида олий таълим соҳасида давлат-хусусий шериклик асосида амалга ошириладиган лойиҳаларни тендерларини ташкил қилиш тартибини янада такомиллаштиришни талаб этади.

9. Ўзбекистонда талабалар турар жойида қуйидаги муаммолар юзага келиши мумкин: яшаш жойлари сонининг етарли эмаслиги; яшаш

шароитларининг сифатсизлиги: ётоқхоналарда уй-жой қулайлиги, санитария-гигиена ва ошхона ва кир ювиш машиналари каби қулайликлардан фойдаланиш чекланганлиги билан боғлиқ муаммолар бўлиши мумкин; хавфсизлик (баъзи ётоқхоналар ўғирлик, талабалар ўртасидаги низолар ва бошқа муаммолар каби хавфсизлик муаммоларига дуч келиши мумкин); ижтимоий хизматларнинг етарли даражада таъминланмаганлиги: Баъзи ётоқхоналарда тиббий ёрдам, илмий маслаҳат ва бошқалар каби ижтимоий хизматлар етишмаслиги мумкин.

10. Ўзбекистондаги олий ўқув юртларида талабалар сони ортиб бораётгани таълимни ривожлантириш, ёшлар учун қулай муҳит яратиш истагини ифодалайди. Бу мамлакатимизни янада ривожлантириш, интеллектуал салоҳиятини мустаҳкамлаш, халқаро ҳамжамиятда рақобатбардошлигини оширишга замин яратади. Ушбу диссертацияда ДХШ асосида талабалар учун ётоқхоналар ҳамда кўп турар-жой мажмуаси қурилишини бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизми таклиф этилди. Ушбу механизм концепцияси лойиҳанинг ҳаёт айланишининг турли босқичларида қўлланиладиган бошқарув тамойиллари, усуллари ва функцияларини бошқаришнинг ўзаро боғланган объектлари ва субъектлари тўпламидир.

11. Олий таълим тизими самарадорлигини ошириш ва таълим хизматлари сифатини ошириш учун маҳаллий шериклар билан бирга хорижий шерикларни ҳам жалб қилиб, уларга инвестицияси билан бирга мамлакатимизда етишмаётган замонавий кадрлар эҳтиёжидан келиб чиқиб, илғор таълим дастурлари билан кириб келишга ҳам кенг имкониятлар яратилиши мақсадга мувофиқ. Чунки ҳозирги шиддат билан ривожланаётган дунёда орқада қолиб кетмаслик мақсадида рақобатбардошликни таъминлаш учун албатта замон талабига жавоб берадиган технологияларни иқтисодий-ижтимоий ҳаётимизга жорий қилишга ва уларни бошқаришга тўғри келади. Бундай кадрларни ўзимизда тайёр қилгунча хорижий инвесторлар имкониятларидан ҳам фойдаланиш мумкин.

12. Тадқиқот давомида мамлакатимизда 2030-йилгача олий таълим соҳасида давлат-хусусий шериклик асосида амалга ошириладиган талабалар сонига нисбатан талабалар турар жойларига бўлган эҳтиёж прогнози амалга оширилди. Прогнозга кўра, талабалар сони 2030 йилга келиб 2908,8 минг кишига етиши, талабалар турар жойига бўлган талаб 2501,568 минг кишига етиши ҳамда Ўзбекистонда олий таълим соҳасида давлат-хусусий шериклик асосида амалга оширилаётган лойиҳалар қиймати 1711335 миллион сўмга етиши кутилмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва методологик аҳамиятга молик нашрлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Тошкент, 2017. – 80 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида” ги ЎРҚ-684-сон Қонуни.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни, 2020 йил 23 сентябрь.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2022-2026 йилларга мўлжалланган Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони, ПФ-60-сон, 2022 йил 28 январь.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармони, ПФ-5544-сон, 2018 йил 21 сентябрь.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармони, ПФ-5847-сон, 2019 йил 8 октябрь.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон 2030» стратегияси тўғрисида”ги Фармони, ПФ-158-сонли Фармони, 2023 йил 11 сентябрь.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида 2024-2030 йилларда давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, ПҚ-308-сон, 2024 йил 30 август.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтисодиёт соҳалари учун кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, ПҚ-62-сон, 2024 йил 7 февраль.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Интеллектуал мулк

объектларини муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, ПҚ-4965-сон, 2021 йил 28 январь.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Таълим соҳасидаги ислохотларни жадаллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори, 2024 йил 2 февраль.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “ОТМларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, 1533-сон 2011 йил 20 май.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, ПҚ-3151-сон, 2017 йил 27 июль.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори, ПҚ-3775-сон, 2018 йил 5 июнь.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Интеллектуал мулк объектларини муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, ПҚ-4965-сон, 2021 йил 28 январь.

16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, 841-сон, 2018 йил 20 октябрь.

17. Мирзиёев Ш.М. Жадал ривожланаётган иқтисодиёт учун замонавий кадрлар керак. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг олий таълим соҳасини янада ривожлантириш, кадрлар тайёрлаш сифатини

ошириш, илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини кенгайтириш масалаларига бағишланган йиғилишдаги нутқи. 2018 йил 24 октябрь.

II. Монография, илмий мақола, патент, илмий тўпламлар

18. Абдурахмонов О.Қ., Меҳнат бозорини бошқаришда таълим тизимининг ўрни: Иқт. фан. номз. дисс. – Тошкент, 2005. – 135 б.

19. Абдурахманова К.Х., Жумаева Н.Х., Человеческое развитие. Учебное пособие. / Под общей редакцией – Ташкент, 2012. – 376 С.

20. Аакер Д., Йохимштайлер Э. Бренд-лидерство: новая концепция брендинга. - М., Издательский дом Гребенникова, 2003.

21. Абдурахманов К.Х., Организационно-педагогические проблемы управления качеством подготовки специалистов в условиях кредитно-модульной организации учебного процесса. // Образование и социально-экономическое развитие в начале третьего тысячелетия. Тез. докл. конф. «XIX-Международные Плехановские чтения», посвященной 10-летию юбилею Филиала РЭА им. Г.В. Плеханова в г. Ташкенте. 2 февраля 2006 года. Ташкент, 2006. – I. – С. 8–10.

22. Абдурахманова К.Х., Жумаева Н.Х., Человеческое развитие. Учебное пособие. / Под общей редакцией – Ташкент, 2012. – 376 С.

23. Абдурахмонов О.Қ., Меҳнат бозорини бошқаришда таълим тизимининг ўрни: Иқт. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2005. – 135 б.

24. Адизов, Б. Р., Олимов Ш. Ш., "Олий таълим муассасасаларида таълим сифатини ошириш имкониятлари." *Ijtimoiy fanlarda innovatsiya onlayn ilmiy jurnali* 2.1 (2022): 41-47.

25. Аквазба Е.О., Ухабина Т.Е., Черемисина Е.В. Качество образования в современной образовательной организации: проблемы и перспективы. // Современные проблемы науки и образования, 2015. – 5 б;

26. Альтбаха Дж., Дорога к академическому совершенству. Становление исследовательских университетов мирового класса, Москва, 2012.

27. Андриченко Л. В., Баранков В. Л., Булаевский Б. А.; Образовательное законодательство России, Монография, Москва, 2015
28. Асаул А.Н., Князь И.П., Коротаева Ю.В., Теория и практика принятия решений по выходу организаций из кризиса. 2007. - 224 с
29. Аскарлов А., "Олий таълим муассасасида таълим сифати мониторингини такомиллаштиришнинг айрим жиҳатлари: Образование и инновационные исследования международный научно-методический журнал 3, 2022
30. Аскарлов, Аброр Давлатмирзаевич. "Олий таълим муассасасида таълим сифати мониторингини такомиллаштиришнинг айрим жиҳатлари: DOI: <https://doi.org/10.53885/edinres.2022.84.66.014>; Образование и инновационные исследования международный научно-методический журнал 3 (2022): 68-77.
31. Афонина Нина, Образовательная среда и образовательное пространство, <https://spravochnick.ru/pedagogika/>
32. Ахунова Г., Ўзбекистонда таълим хизматлари маркетинги муаммолари: Монография. – Тошкент, 2005. – 244 б.
33. Балацкий Е.В., Екимова Н.А. Международные рейтинги университетов: практика составления и использования // Экономика образования, 2012. – 2. – С. 67-80.
34. Барабанова С.В., Пешкова (Белогорцева) Х.В., Баранов И.В., Менкенов А.В., Селезнева А.Х., Чернущ Н.Ю., Беляев М.А., Зенков М.Ю., Котухов С.А. Комментарий к Федеральному закону от 29 декабря 2012 г. N 273-ФЗ "Об образовании в Российской Федерации".
35. Баранков В.Л., Волкова Н.С., Дмитриев Ю.А., Егошина Л.А., Еремина О.Ю., Жукова Т.В., Журавлева О.О., Кирилловых А.А., Махник Д.И., Павлушкин А.В., Пуляева Е.В., Путило Н.В. Научно-практический комментарий к Федеральному закону от 29.12.2012 г. N 273-ФЗ "Об образовании в Российской Федерации" (постатейный; издание второе, переработанное и дополненное) (под общей редакцией А.А. Кирилловых). - "Деловой двор", 2016 г

36. Бегалов Б.А., Жуковская И.Е. Высшие учебные заведения в формировании национальной инновационной системы страны, Иктисодиёт ва инновацион технологиялар. – 2012. – 4.

37. Бекмуродов А.Ш., Интерактивное обучение и информатизация образования – важнейшее условие для выпуска профессиональных и компетентных кадров. //Иктисодиёт ва инновацион технологиялар. – 2011. –1.

38. Варнавский В.Г., Клименко А.В., Королев В.А. Государственно-частное партнерство: теория и практика: учебное пособие. — М.: ГУ-ВШЭ, 2010.;

39. Воропаев, С. Н. Менеджмент: учебное пособие / С. Н. Воропаев, В. Д. Ермохин; Между-народная ассоциация «Агрообразование». – Москва: КолосС, 2017. – 246 с.

40. Воропаев, С. Н. Менеджмент: учебное пособие / С. Н. Воропаев, В. Д. Ермохин; Между-народная ассоциация «Агрообразование». – Москва: КолосС, 2017. – 246 с.

41. Горчакова Е.В. Государственно-частное партнерство – новая парадигма России, Вестник СамГУ, 2011 №1/1 (82).;

42. Гуломов С.С, Менежмент асослари. «Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош тахририяти Тошкент – 2002. 13-б.

43. Гуломов С.С, Гойиназаров Б.К, Отажонов Ш.И, Мирбабаев Ф.А Наука и образование: интеграция и взаимодействие .В. сб.статей Международная конференция “Подготовка образованного и интеллектуально развитого поколения-как важнейшее условие устойчивого развития и модернизации страны” (Ташкент,16-17 февраля 2012 г.).-Т., 2012. С.86-88;

44. Долгосрочное прогнозирование территориального экономического развития России. Методологические основы и прогноз на период до 2015 года (колл. авт., под ред. - д.э.н., проф. Б.М. Штульберга) // М.: СОПС, 2002. - 236с

45. Егорова Н.Е., Хачатрян С.Р. Моделирование инвестиционной деятельности в жилищном секторе.-М., 1998.

46. Жумаев Н.Х, Бекмуродов А.Ш Модернизация системы и содержания высшего экономического образования в контексте инновационного развития экономики Узбекистана. Там же, с 88-90; Джуманиязов У. И. “давлат-хусусий шериклиги асосида корпоратив бошқарувни ривожлантириш”

47. Йўлдошев Н.Қ, Захидов Г.Э. Менежмент. Дарслик, 2018 йил.

48. Коровин Е. Кредитный риск проектов частно-государственного партнерства и механизмы поддержки. Выступление на круглом столе «Федеральные инструменты поддержки инвесторов» 10 октября 2006 г. URL: regionalistica.ru/project/investproject/fed_instr.; Паздников М. Государственно-частное партнерство: суть и понятие. URL: <http://politmanagement.ru.>;

49. Қосимов Ф.М. Менежмент. – Т.: —Ўзбекистон, 2002. – 312 б.: Друкер, Питер Ф. Энциклопедия менеджмента. Пер. с англ. – М.: Издательский дом «Вильямс», 2004. – 432 с.

50. Ловкова, Е. С. Основы менеджмента [Электронный ресурс] : учеб. пособие / Е. С. Ловкова ; Владим. гос. ун-т им. А. Г. и Н. Г. Столетовых. – Владимир : Изд-во ВлГУ, 2020. – 173 с. – ISBN 978-5-9984-1115-1.

51. Лукичева Л.И. Менеджмент организации: теория и практика: Учебник для бакалавров, Под ред. Ю.П. Анискин. М.: Омега-Л, 2012. -488 с.;

52. Мамаева Л.Н. Менеджмент организации. Введение в специальность. М.: КноРус, 2013. -232 с.

53. Мамаюсупова Д.Б. “Давлат хусусий шериклиги асосида туристик салоҳиятни бошқариш (Фарғона вилояти мисолида)” Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Тошкент 2022 йил.,14 бет.

54. Мельникова М. С. Использование государственно-частного партнерства в образовании // Российское предпринимательство. – 2017. – Т. 18. – № 3. – С. 303-308

55. Мескон М.Х. Основы менеджмента / М.Х.Мескон, М.Альберт,

Ф.Хедоури; Пер. с англ. О.И.Медведь. – М.: Вильямс, 2016. – 672 с.

56. Миркомиллов А. Таълим тизимидаги ислохотлар мамлакат тараққиётининг ўзагидир «Тараққиёт стратегияси» маркази эксперти. <https://strategy.uz>

57. Пардаев М.Қ., Бабаназарова С.А., Қўзиев З.Б., Очилова Ҳ.Н. Таълим хизматлари ва уларнинг самарадорлигини ошириш масалалари. (Монография). – Т.: “Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи”, 2020. – 260 бет.

58. Пардаев О.М. Менежмент. Ўқув қўлланма. – Т.: IQTISODIYOT DUNYOSI, 2019. – 292 б.

59. Пардаев О.М. Менежмент. Ўқув қўлланма. – Т.: IQTISODIYOT DUNYOSI, 2019. – 292 б. -92 бет.

60. Пчелинцев О. На пороге жилищной реформы. М.: “Вопросы экономики”, №7, 2007. 5. Стародубовская И. Логика жилищной реформы. М.: “Эко”., 2009., с.11-13.

61. Родионова, Н. В. Основы менеджмента: учеб. пособие /Н. В. Родионова, В. П. Галас; Владим. гос. ун-т им. А.Г. и Н.Г.Столетовых. – Владимир: Изд-во ВлГУ, 2019. – 328 с. – ISBN 978-5-9984-1049-9.-122 стр.

62. Семенова Н. Н., Ермошина Т. В. Финансирование инвестиционных проектов на основе механизма государственно-частного партнерства // Российское предпринимательство. – 2017. – Т. 18. – № 10. – С. 1567-1578.

63. Снельсон П. Государственно-частные партнерства в странах с переходной экономикой. URL: [http://www.ebrd.com.](http://www.ebrd.com;);

64. Стародубовская И. Логика жилищной реформы. М.: “Эко”., 2009., с.11-13.

65. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сон Қонуни. 2020 йил 23 сентябрь.

66. Управленческих решений в предпринимательстве. СПб. АНО, «ИПЭВ».,2014.-304 с.

67. Ходиев Б.Ю. Приоритеты развития высшего образования. с 36-40;

68. Djumaniyazov U.I. Davlat-xususiy sherikchiligi asosida korporativ boshqaruvni rivojlantirishning ayrim nazariyuslubiy masalalari. Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” ilmiy elektron jurnali. № 3, may-iyun, 2017 yil

69. Шарапа Е.В. Направления развития государственно-частного партнерства в Республике Беларусь // Труды БГТУ. Сер. 5, Экономика и управление. 2022. № 1 (256). С. 118–124.

70. Elmirzaev S.E., Shavkatov N.Sh. Davlat-xususiy sheriklik munosabatlarining ilg'or xorij tajribalari va mamlakatimizda qo'llash istiqbollari [Advanced foreign experience of public-private partnership relations and prospects of application in our country]. Xalqaro moliya va hisob. Ilmiy elektron jurnali –”International Finance and Accounting. Scientific electronic journal, 2019, June, no. 3.;

71. Franke, N. (2014), “User-driven innovation”, in Dodgson M., Gann D. and Phillips N. (Eds), The Oxford Handbook of Innovation Management, Oxford: Oxford university press,

72. Gelbreyt Dzh.K. Ekonomicheskiye teorii i tseli obshchestva [Economics and the goals of society]. Economics and the Public Purpose (1973). Ed. and with preface N.N. Inozemtsev, A.G. Mileikovsky. Moscow, Progress, 1976, 408 p.;

73. Kabashkin V.A. Formirovaniye i razvitiye partnerskikh otnosheniy gosudarstva i predprinimatel'skikh struktur v Rossiyskoy Federatsii (upravlencheskiy aspekt) [Formation and development of partnerships between the state and business structures in the Russian Federation (management aspect)]. Abstract of Doctor's degree dissertation. 08.00.05. Moscow, 2007, p. 23.

74. Seddon, Joanna. "16. Returns on brand investments: maximizing financial returns from brand strategy." Handbook on Brand and Experience Management: 235.

III. Фойдаланилган бошқа адабиётлар

75. Peters J.G, Pierre J. Governance Politics and the State (Political Analysis). –

N.Y., 2000.

76. Daniel F.R. Quality Infrastructure: Ensuring Sustainable Economic Growth the Center for Strategic and International Studies (CSIS). January 2017, p 4.

77. Simon Kemp, Digital 2023: Global Overview Report; <https://datareportal.com/reports/digital-2023-global-overview-report>

78. Waqas, M. (2022). The Role of Brand Experience and Student Engagement. Journal of Nonprofit and Public Sector Marketing, 34(4), 451–474. <https://doi.org/10.1080/10495142.2021.1902905>

79. Lex.uz- O‘zbekiston Respublikasi Qonunchilik Ma’lumotlari Milliy Bazasi

80. www.press.service.uz – Ўзбекистон Республикаси Президентининг веб-сайти.

81. www.gov.uz – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг веб-сайти.

82. www.edu.uz – Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг веб-сайти.

83. www.stat.uz – Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг веб-сайти.

84. <https://leapscholar.com/blog/best-education-system-in-the-world-countries-and-ranking/> веб-сайти

85. Буюк Британия ғазначилигининг расмий сайти. URL:<<http://www.hmtreasury.gov.uk>

86. Францияда ДХШга кўмаклашиш марказининг расмий сайти. <URL:<http://www.cefoppp.org>>

87. ДХШ бўйича АҚШ Миллий кенгашининг расмий сайти. <URL:<http://www.ncppp.org>>

88. ДХШни ривожлантириш бўйича Португалия марказининг расмий сайти. <URL:<http://www.parpublica.pt>>

89. ДХШни ривожлантириш бўйича Канада қўмитасининг расмий сайти

Давлат-хусусий шерикликнинг шартнома шакллари⁸⁴

№	ДХШ шакллари	Мазмуни
1.	Давлат-хусусий шериклик шартномаси	<p>Давлат (маҳаллий бошқарув) ва хусусий сектор ўртасида муайян ижтимоий аҳамиятга эга ва фойдали фаолиятни амалга ошириш учун тузиладиган маъмурий-хўжалик келишуви. ДХШ амалиётида энг кенг тарқалган ишлар – давлат хизматларини кўрсатиш, бошқарув учун, давлат эҳтиёжлари учун маҳсулотларни етказиб бериш, техник ёрдам кўрсатиш учун ишларни бажариш учун шартнома тузилиши мумкин. Маъмурий-ҳуқуқий муносабатларда мулкӣ ҳуқуқлар хусусий шерикларга ўтказилмайди, харажатлар ва молиявий йўқотишлар давлат томонидан қопланиши мумкин</p>
2.	Ижара (ижара шартномалари) ва лизинг шаклида	<p>Шартнома билан белгиланган шартлар асосида, давлат ёки маҳаллий ҳокимиятнинг инфратузилма объектларини вақтинчалик фойдаланиш учун ва маълум бир ҳақ эвазига хусусий шерикка ўтказилади. Лизинг шартномаси бўйича лизинг олувчи ҳар доим давлат ёки маҳаллий ҳокимият мулкни сотиб олиш ҳуқуқига эга. Давлат ёки маҳаллий ҳокимият ва хусусий шерик ўртасидаги ижара муносабатларининг сақлаб қолиниши мулкни вақтинчалик ишлатиш ва муайян ҳақ эвазига ўтказиш ҳисобланади</p>
3.	Концессия шартномаси	<p>Давлат-хусусий шериклик шартномасининг махсус шаклларида бири бўлиб, ижтимоий аҳамиятга эга инфратузилмани ривожлантиришга қаратилган ёки хусусий сектор (концессионер) концессия объектини ишлаб чиқадиган ва унинг фаолиятидан (даромад олишдан) тушадиган ижтимоий манфаатларни ҳимоя қилиш бўйича фаолиятни (концессия объектини) амалга оширишга қаратилган давлат-хусусий ҳамкорлик шаклидир, бунда давлат сектори (грантор) концессия объектига эгалик қилади ва назоратни сақлаб қолади.</p>
4.	Маҳсулот тақсимотига оид битимлар	<p>Давлат хусусий инвесторга ер қаъридаги минерал хом ашёларни излаш, қидириб топиш ва қазиб олиш ҳамда муайян муддатда улардан фойдаланиш билан боғлиқ иш учун муайян ҳуқуқларни берадиган шартнома ва хусусий сектор ушбу ишларни ўз маблағлари ҳисобидан амалга ошириб, ўзи рискларни ва хавф-хатарларни ўз зиммасига олади.</p>

⁸⁴ Элмирзаев С.Э., Шавкатов Н.Ш. Давлат-хусусий шериклик муносабатларининг илғор хориж тажрибалари ва мамлакатимизда қўллаш истикболлари “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. № 3, июнь, 2019.

Л. Шарингер бўйича давлат-хусусий шерикликнинг моделлари⁸⁵

Модел	Хусусияти	Молиялаштириш	Эгалик ҳуқуқлари	Бошқарув
Оператор	Ҳамкорлар ўртасида масъулиятни аниқ тақсимлаш	Хусусий сектор	Гибрид	Хусусий сектор
Ҳамкорлик	Хизматларнинг нотўғри таърифиди	Гибрид	Гибрид	Гибрид
Имтиёзлар	Узоқ муддатли лойиҳани амалга ошириш. Бундай ҳолда, сиёсий ёки ҳуқуқий сабабларга кўра мулк ҳуқуқини ўтказиш истисно қилиниши мумкин	Гибрид	Давлат	Гибрид
Келишув	Инвестициялар операцион харажатларни камайтиришга қаратилган	Хусусий сектор	Гибрид	Хусусий сектор
Лизинг	Жамоат биноларини куриш жараёнида	Гибрид	Хусусий сектор	Гибрид

⁸⁵ Шарингер, Л. Новая модель инвестиционного партнерства государства и частного сектора // Мир перемен. - 2004. - С. 8-22

Давлат-хусусий шериклик моделларининг турлари⁸⁶

Модел	Мазмуни
Янги объектининг дастлабки кўринишида	
DB (лойиҳалаштириш- қуриш)	Бундай ҳолатда хусусий шерик объектини шартнома белгиланган бандларга мувофиқ лойиҳалаштиради ва қуради.
DBM (лойиҳалаштириш - қуриш - техник хизмат кўрсатиш)	Бундай ҳолатда хусусий шерик инфратузилма объектини лойиҳалаш, қуриш ва техник хизмат кўрсатишни амалга оширади, лекин объектни эксплуатация қилишда иштирок этмайди.
DBO (лойиҳалаштириш – қуриш-фойдаланишга топшириш)	Бундай ҳолатда хусусий шерик объектларини лойиҳалаштиради, қуради ва бошқаради, аммо давлатда мулк ҳуқуқи сақлаб қолинади.
ВОТ (қуриш – эксплуатация қилиш – трансфер қилиш)	Бундай ҳолатда хусусий шерик узоқ муддатли шартномага асосланган ҳолда объектини молиялаштириш, қуриш ва бошқариш ҳуқуқига эга бўлади. Шартнома муддати ўз якунига етиши билан, мулк ҳуқуқи давлатга ўтказилади.
ВОО (қуриш – эгалик қилиш – фойдаланишга топшириш)	Бундай ҳолатда хусусий шерикда объектни молиялаштириш, қуриш, бошқариш ва чексиз муддатга мулк ҳуқуқи бўлади.
BLT (қуриш – лизинг – трансфер қилиш)	Бундай ҳолатда максимал таваккалчилик асосида хусусий шерик объектни қуради, мулк ҳуқуқини давлатга беради, шундан сўнг у объектни ижарага бериш ва шартнома муддати тугагунига қадар уни бошқариш ҳуқуқига эга бўлади. Давлат хусусий шерик учун узоқ муддатли нақд пул киримини кафолатлаб объектининг минимал иш юқини таъминлаши мумкин.
ВООТ (қурилиш – эгалик қилиш – фойдаланиш – трансфер қилиш)	Бундай хусусий шерик объектни молиялаштиради, қуради, эгалик қилади, объектни ишлатади ёки ижарага беради. Шартнома муддати тугаганидан кейин уни давлатга қайтаради.
Такрорий ВООТ	Бундай ҳолатда давлат объектини молиялаштиради, қуриб биткази ва хусусий шерикка сотиб юборади яъни эксплуатация қилиш учун топширади.

⁸⁶ Аксенов К.В. Модель управления инновационными инфраструктурными проектами на основе технологий BOLT. Известия Тульского государственного университета. Экономические и юридические науки. 2014;

Мавжуд объектларни реконструкция қилишда	
LROT (ижара - реконструкция - фойдаланиш - давлатга кайта трансфер)	Бундай ҳолатда хусусий шерик мавжуд объектни ижарага олади, реконструкция қилади ва модернизация қилади, сўнгра ундан фойдаланади ва фойда олади. Ижара шартномасининг амал қилиш муддати тугаганидан сўнг фойдаланиш ҳуқуқи давлатга қайтарилади.
BDO (қурилиш - модернизация қилиш - фойдаланиш)	Бундай ҳолатда хусусий шерикка мавжуд объект сотилади ёки лизингга берилади. Хусусий шерик объектни реконструкция ва модернизация қилади ва битим шартларига биноан хусусий шерик бинодан фойдаланади.
BBO (сотиб олиш - модернизация қилиш - фойдаланиш)	Бундай хусусий шерикка мавжуд объект сотилади ва хусусий шерик бинодан самарали фойдаланиш учун объектни реконструкция ва модернизация қилади. Давлат назорати остида хусусий шерик бинодан фойдаланади.
BROT (қурилиш - реконструкция - бошқарув - узатиш)	Бундай хусусий шерик давлат молиявий кўмаги эвазига объектни реконструкция ва модернизация қилади. Хусусий шерик шартнома муддати якунига қадар объектдан фойдаланади ва даромад кўради.
RLT (реконструкция - лизинг - трансфер)	Бундай хусусий шерик объектни реконструкция ва модернизация қилади. Сўнгра, объект давлатдан фойдаланиш учун ижара ёки лизингга олади ва шартнома муддати якунига қадар объектдан фойдаланади ва даромад кўради.
ML (бошқарув - ижара)	Бундай хусусий шерик объектдан маълум муддат давомида фойдаланади. Мулкчилик ва инвестицион мажбуриятлар давлат тасарруфида қолади.

“Навоийазот” АЖ негизида давлат-хусусий шериклик асосида кимё-технологик кластери учун иссиқлик ва қуёш электр станцияларини барпо этиш лойиҳасини амалга ошириш механизми⁸⁷



⁸⁷ <https://lex.uz/docs/5996848>- сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Россия Федерациясида ДХШ механизмининг самарали бошқарув тузилмаси⁸⁸



⁸⁸ Муаллиф ишланмаси

**Ўзбекистонда 2020-2023 йилларда давлат хусусий шериклиги асосида
амалга оширилган лойиҳалар сони⁸⁹**

Соҳалар	Жами	Шу жумладан:				2023 йил 2022 йилга нисбатан фарқи,(+,-)
		2020 йил	2021 йил	2022 йил	2023йил	
Агросаноат	2	0	1	0	1	1
Бандлик ва меҳнат муносабатлари	1	0	0	1	0	0
Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиши	67	5	13	43	6	-37
Ижтимоий соҳа	199	1	0	0	198	198
Коммунал	1	0	0	1	0	0
Қурилиш	1	0	0	0	1	1
Маданият	37	0	7	18	12	-6
Соғлиқни сақлаш	52	11	17	16	8	-8
Солиқ	2	0	1	1	0	0
Спорт	4	0	0	0	4	4
Сув хўжалиги	461	8	95	52	306	254
Таълим	87	23	6	36	22	-14
Транспорт	2	0	0	2	0	-2
Ҳуқуқни муҳофаза қилиш	9	0	1	1	7	6
Ҳунармандчилик	10	0	6	1	3	2
Жами	935	48	147	172	568	399

⁸⁹ <https://www.pppda.uz> - сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

**Ўзбекистон олий таълим муассасаларида 2023-2024 ўқув йилида
бакалаврият босқичи талабалари сони⁹⁰**

Вилоят	Бакалавр									
	Кундузги	Кечки	Сиртки	Махус сиртки	Қўшма	Масофавий	Иккинчи олий (кундузги)	Иккинчи олий (кечки)	Иккинчи олий (сиртки)	Жами бакалаврлар
Андижон вилояти	37218	769	27678	0	272	271	42	0	776	67026
Бухоро вилояти	40907	2568	39925	0	1260	210	66	148	1642	86726
Фарғона вилояти	47336	1477	31457	1324	216	2521	59	44	2284	86718
Жиззах вилояти	19535	126	15142	0	329	0	145	0	2028	37305
Наманган вилояти	43424	2407	38705	0	200	0	0	56	1703	86495
Навий вилояти	46485	1394	23932	0	19	0	0	26	526	72382
Қашқадарё вилояти	21339	0	17420	0	303	0	100	252	871	40285
Қорақалпоғис тон Респ.	38326	1168	25526	0	31	746	0	0	2299	68096
Самарқанд вилояти	57925	6521	24178	0	863	207	33	0	871	90598
Сирдарё вилояти	36252	20	36202	0	35	0	0	0	882	73391
Сурхондарё вилояти	15776	681	5268	0	146	0	59	35	425	22390
Тошкент шаҳри	223115	18199	193474	322	7677	4046	2	93	11648	458576
Тошкент вилояти	24685	2494	45552	28	245	0	150	0	906	74060
Хоразм вилояти	27054	0	23960	0	236	509	0	0	2446	54205
Жами	6793777	37824	548419	1674	11832	8510	656	654	29307	1318253

⁹⁰ <https://stat.edu.uz/> - сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

**Ўзбекистон олий таълим муассасаларида 2023-2024 ўқув йилида
магистратура босқичи талабалари сони⁹¹**

Вилоят	Магистр						Жами магистрлар
	Кундузги	Кечки	Сиртки	Махсус сиртки	Қўшма	Масофавий	
Андижон вилояти	842	0	0	0	1	0	843
Бухоро вилояти	2295	0	0	0	96	0	2391
Фарғона вилояти	1036	0	0	0	27	0	1063
Жиззах вилояти	392	0	0	0	0	0	392
Наманган вилояти	1070	0	0	0	0	0	1070
Навоний вилояти	359	0	0	0	5	0	364
Қашқадарё вилояти	538	0	0	0	33	0	571
Қорақалпоғистон Респ.	861	0	0	0	0	0	861
Самарқанд вилояти	1550	0	0	0	13	0	1563
Сирдарё вилояти	208	0	0	0	0	0	208
Сурхондарё вилояти	1010	0	0	0	19	0	1029
Тошкент шаҳри	10133	420	1130	17	408	43	12151
Тошкент вилояти	879	0	0	0	90	0	969
Хоразм вилояти	717	0	0	0	0	0	717
Жами	21890	420	1130	17	692	43	24192

⁹¹ <https://stat.edu.uz/> - сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Ўзбекистон олий таълим муассасаларида 2023-2024 ўқув йилида доимий яшовчи аҳоли сонига нисбатан ўз уйида яшовчи талабалар салмоғи⁹²

Минтақалар	доимий аҳоли сони	ўз уйида яшовчи талабалар сони	ўз уйида яшовчи талабалар салмоғи
Ўзбекистон Респ .	36197800	703669	1,94%
Қорқалпоғистон Респ.	1981800	20859	1,05%
Андижон вилояти	3338200	22475	0,67%
Бухоро вилояти	2016600	40100	1,99%
Фарғона вилояти	3994800	31533	0,79%
Жиззах вилояти	1483100	11706	0,79%
Наманган вилояти	3012500	42588	1,41%
Навоий вилояти	1060600	37891	3,57%
Қашқадарё вилояти	3499100	23330	0,67%
Самарқанд вилояти	4137900	31166	0,75%
Сирдарё вилояти	900900	47941	5,32%
Сурхондарё вилояти	2821900	8459	0,30%
Тошкент шаҳри	2978200	358013	12,02%
Тошкент вилояти	3007000	11826	0,39%
Хоразм вилояти	1965200	15782	0,80%

⁹² Изланишлар натижасида муаллиф томонидан тузилди.

Ўзбекистон олий таълим муассасаларида 2023-2024 ўқув йилида доимий яшовчи аҳоли сонига талабалар турар жойида яшовчи талабалар салмоғи⁹³

Минтақалар	Доимий аҳоли сони	Талабалар турар жойида яшовчи талабалар сони	Талабалар турар жойида яшовчи талабалар салмоғи
Ўзбекистон Респ .	36197800	414141	1,14%
Қорқалпоғистон Респ.	1981800	26609	1,34%
Андижон вилояти	3338200	28250	0,85%
Бухоро вилояти	2016600	32523	1,61%
Фарғона вилояти	3994800	38103	0,95%
Жиззах вилояти	1483100	11596	0,78%
Наманган вилояти	3012500	32319	1,07%
Навоний вилояти	1060600	19469	1,84%
Қашқадарё вилояти	3499100	10315	0,29%
Самарқанд вилояти	4137900	31114	0,75%
Сирдарё вилояти	900900	14240	1,58%
Сурхондарё вилояти	2821900	8055	0,29%
Тошкент шаҳри	2978200	90802	3,05%
Тошкент вилояти	3007000	42637	1,42%
Хоразм вилояти	1965200	28109	1,43%

⁹³ Изланишлар натижасида муаллиф томонидан тузилди.

Таълим муассасалари ва тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги давлат-хусусий шериклик шакллари⁹⁴

№	Ўзаро таъсир шакли	Ўзаро таъсир йўналиши
1.	Алоқа шакли	<ul style="list-style-type: none"> - турли тадқиқотлар ва тажрибалар ўтказиш; - таълим муассасаси ва унинг инфратузилмасини биргаликда сақлаш ва реконструкция қилиш (таъмирлаш); - таълим фаолиятини амалга ошириш учун янги бинолар қуриш; - умумий жавоб бериш учун ижро этувчи ҳокимият органлари билан биргаликдаги ўзаро ҳамкорлик лойиҳалар; - таълим муассасаларини моддий таъминлаш; - турли грантлар, стипендиялар, талаба кредитлари ва бошқаларни тақдим этиш орқали ўқитувчилар ва талабаларнинг ўзини-ўзи англаши учун зарур шарт-шароитларни яратиш; - тадбиркорлик тузилмалари таълим муассасаларида маърузалар ва семинарлар ўтказди; - қўшма конференциялар ва давра суҳбатлари ўтказиш; - талабаларнинг таълим муассасасининг ҳамкор ташкилотида амалиёт ўташлари, битирув малакавий ишларини бажаришлари учун шароит яратиш.
2.	Институционал шакл	<ul style="list-style-type: none"> - тадбиркорлик субъектлари томонидан нотижорат ташкилотлари (хайрия фондлари, корпоратив муассасалар) ташкил этиш; - илмий-тадқиқот институтларини биргаликда ҳуқуқий таъсис этиш; - бизнес мактабларини ташкил этиш.
3.	Жамоатчилик билан мулоқот қилиш шакли	<ul style="list-style-type: none"> - фаолиятида тадбиркорлик вакиллари иштирок этадиган даволаш кенгашларини ташкил этиш; - битирувчилар уюшмасини ташкил этиш.

⁹⁴ Изланишлар натижасида муаллиф томонидан тузилди

Республика ҳудудларида талабалар турар жойларини давлат-хусусий шериклик шартлари асосида барпо этиш шакллари⁹⁵

Тадбиркорлик субъектларининг ўз маблағлари ҳисобидан эркин келишиладиган шартлар асосида	Тадбиркорлик субъекти ва давлат бюджети маблағлари ҳисобидан аралаш молиялаштириш ҳисоби	Тадбиркорлик субъектининг тўлиқ ўз маблағлари ҳисобидан белгиланган шартлар асосида молиялаштириш
ДХШ тўғрисидаги битим амал қиладиган муддат давомида давлат шериги томонидан хусусий шерикка ТТЖларидан эркин фойдаланилиши учун тўлов тўланади;	ДХШ тўғрисидаги битим тадбиркорлик субъекти билан камида 200 ўринли талабалар турар жойини барпо этиш учун тузилади;	ДХШ тўғрисидаги битим тадбиркорлик субъекти билан камида 400 ўринли талабалар турар жойини барпо этиш шarti билан тузилади;
Давлат шериги ушбу тўловни талабалардан ҳар ой яшаш учун йиғиладиган тўловларни чегирган ҳолда ҳар бир талаба учун базавий ҳисоблаш миқдорининг йиллик 10 баравари миқдорида ўз маблағлари ҳисобидан кафолатланадиган тўловлар ҳамда базавий ҳисоблаш миқдорининг йиллик 15 баравари миқдорида ўзбекистон республикасининг давлат бюджетидан ажратиладиган субсидия ҳисобидан амалга оширади	Хусусий шерикка ттжларини қуриш учун лойиҳа-смета ҳужжатлари бўйича бир ўринга тўғри келадиган қийматнинг 50 фоизи, бироқ базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 бараваридан ортиқ бўлмаган миқдорда субсидия ажратилади; ТТЖ да яшаш учун ундириладиган тўловлар давлат шериги билан келишилган нархларда хусусий шерик томонидан йиғилади;	ТТЖ жами қувватининг камида ярми талабалар учун давлат шериги билан келишилган нархларда ётоқ ўринлари сифатида фойдаланилади ва қолган қисмида ушбу турар жойларнинг бир ойлик тўлов миқдори хусусий шерик томонидан эркин белгиланади; Давлат шериги билан келишилган нархларда ттжда яшаган ҳар бир талаба учун битимда белгиланган муддат давомида бир йил учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 20 баравари миқдорида давлат бюджетидан субсидия ажратилади;
Талабалар турар жойини сақлаш ва эксплуатация қилиш билан боғлиқ барча харажатлар хусусий шерик ҳисобидан қопланади;	ТТЖларини сақлаш ва эксплуатация қилиш билан боғлиқ харажатларнинг 50 фоизи давлат бюджетидан, бироқ давлат олий таълим муассасаларининг тегишли қувватдаги талабалар турар жойларини сақлаш учун сарфланадиган маблағлар ҳажмидан кўп бўлмаган миқдорда субсидия ажратиш орқали қоплаб борилади;	ТТЖни сақлаш ва эксплуатация қилиш билан боғлиқ барча харажатлар хусусий шерик ҳисобидан қопланади.

⁹⁵ Ўзбекистон Республикаси ВМнинг 2021 йил 9 сентябрдаги «Республика ОТМларида ТТЖ билан қамраб олиш даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 563-сон қарори асосида.

Худудларда талабалар турар жойларини куриш учун олий таълим муассасаларига доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида ажратиладиган ер майдонлари

Т/р	Олий таълим муассасаси номи	Жами барпо этиладиган талабалар турар жойлари (400 ўринли)			Олий таълим муассасаси ҳудудида барпо этиладиган талабалар турар жойлари			Олий таълим муассасасига яқин ҳудудда барпо этиладиган талабалар турар жойлари			Йиллар бўйича (талабалар турар жойи сони)			
		сон	қуввати	ер майдони (га)	сон	қуввати	ер майдони (га)	сон	қуввати	ер майдони (га)	2022 йил	2023 йил	2024 йил	2025 йил
	Республика бўйича жами:	241	109 679	72,4	190	84 318	57,4	52	24 761	15,6	37	59	72	73
	Қорақалпоғистон Республикаси	14	5600	4,2	14	5600	4,2	-	-	-	2	3	5	4
	Андижон вилояти	18	7 400	5,4	18	7 400	5,4	-	-	-	4	7	3	4
	Бухоро вилояти	10	4000	3,0	10	4000	3,0	-	-	-	1	2	4	1
	Сирдарё вилояти	6	2 400	1,8	6	2 400	1,8	-	-	-	1	2	1	2
	Жиззах вилояти	9	3 600	2,7	9	3 600	2,7	-	-	-		3	2	4
	Қашқадарё вилояти	9	3 400	2,7	9	3 400	2,7	-	-	-	4	2	1	2
	Навоий вилояти	9	3 600	2,7	9	3 600	2,7					1	3	5
	Наманган вилояти	12	4 800	3,6	8	3 200	2,4	4	1600	1,2	2	4	4	2
	Самарқанд вилояти	25	10 000	7,5	20	8 000	6,0	5	2 000	1,5	5	7	7	6
	Сурхондарё вилояти	12	4 800	3,6	13	5 200	3,9	-	-	-	1	3	4	4
	Фарғона вилояти	18	7 200	5,4	13	5 200	3,9	5	2 000	1,5	5	5	6	2
	Хоразм вилояти	9	3 600	2,7	8	3 200	2,4	1	400	0,3	1	3	2	3
	Тошкент вилояти	9	3 600	2,7	6	2 400	1,8	3	1200	0,9	3	2	1	3
	Тошкент шаҳри	81	45 679	24,4	47	27 118	14,5	34	17 561	10,2	6	15	29	31

Манба: Ўзбекистон Республикаси ВМнинг 2021 йил 9 сентябрдаги “Республика ОТМларида ТТЖ билан камраб олиш даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 563-сон қарори маълумотлари⁹⁶

⁹⁶ Муаллиф ишланмаси